



Раҳмат Пайгамбаридан

*Раҳмат
Улабадалари*

Усмон Нурий Тўпбош





Нашрга
Билолхон Хўқандий
тайёрлади

Таржимонлар
Муҳаммад Қобил, Мирзо Умархон

Мухаррир
Ҳанифахон Фирдавсий

Таржима ушбу нусхадан қилинди:
Rahmet Peygamberinden Rahmet Esintileri
Osman Nuri Topbaş - İstanbul - 2004

РАҲМАТ ПАЙҒАМБАРИДАН РАҲМАТ ШАБАДАЛАРИ
("Добрые веяния от пророка доброты" на узбекском языке). Перевод с турецкого. М.: ООО "Издательская группа "САД", 2010 г. – 224 стр., 1-е издание, тираж: 2.000 экз.

ISBN 978-5-91811-009-6

Ушбу асарда оламларга раҳмат ўлароқ юборилган пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо (соллаллоху алайҳи ва саллам) ҳаётлари ва шахсиятларининг баъзи қирралари ёритилган.

Китобда Қуръони каримдан оятлар бўлгани учун унга муносиб хурмат кўрсатишингизни илтимос қиламиз.

Все права защищены.

ISBN 978-5-91811-009-6

© ООО "Издательская группа "САД" 2010

Все книги издательства можно заказать:

ООО "Издательская группа "САД"

г. Москва, м. Петровско-Разумовская, ул. Ангарская, 21
тел. 8 (499) 9066717, 8 (495) 7074666, 8 (905) 7347083
www.sadpress.com / izdatelstvo-sad@yandex.ru

РАҲМАТ ПАЙҒАМБАРИДАН
РАҲМАТ ШАБАДАЛАРИ

Усмон Нурий Тўпбош



Москва - 2010

**ФАХРИ КОИНОТ
(СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВА САЛЛАМ)
ДУНЁГА ШАРАФ КЕЛТИРДИЛАР**

Ул Саййидул кавнайн Муҳаммад Мустафога саловат!
Ул Расулус сақолайн Муҳаммад Мустафога саловат!
Ул Имомул Ҳарамайн Муҳаммад Мустафога саловат!
Ул Жаддул Ҳасанайн Муҳаммад Мустафога саловат!

Коинотни сўнгсиз илоҳий раҳмати билан қуршаб олган Оллоҳ таоло бу раҳмат ва марҳаматининг энг мукамал асари бўлмиш инсонни мавжудлик низомининг чўққисига юксалтган, уни бу мақомга лойиқ қиладиган бир неча хусуслар билан сифатлантирган.

Аммо инсоният илоҳий ҳақиқатга етишиши учун бундай олий яратилишнинг ўзи етарли эмасди. Шунинг учун унга ақл, идрок ва эътиқод берилди ҳамда Тўғри йўлни кўрсатувчи пайғамбарлар юборилди. Бу билан башариятга Оллоҳга етишиш йўлидаги ёрдам ҳам камолига етказилди.

Бу комил ёрдамнинг чўққиси Оллоҳ таоло яратиклар ичида илк яратган “Нури Муҳаммадий”, башарият оламига эса сўнг пайғамбар ўлароқ юборилган охирзамон пайғамбари Муҳаммад Мустафодир (соллаллоху алайхи ва саллам).



Мавжудотлар занжирининг сабаб ва чўққиси бўлган Ҳазрати Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) милодий 571 йилнинг 20 апрел кунига тўғри келган рабиул-аввал ойининг 12-сида душанба куни қуёш чиқишидан бир оз олдин туғилдилар. Бу туғилиш дунёмиз учун сўнгсиз бир шарафдир.

Айрим ривоятларга кўра, дунёда илк яратилган нарса У Зотнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) нуридир. Қолган барча нарса шу нур ҳурмати учун яратилган. Шу боис ҳам у нурга қўшимча ҳисобланадилар.

Унинг туғилиши билан Оллоҳнинг раҳмати бу оламда қайнаб тошди. Тонг ва шомнинг ранги ўзгарди. Туйғулар жўшди. Сўзлар, суҳбатлар маъно касб эта бошлади. Ҳар бир нарсанинг айри бир маъноси, айри бир латофати кўринди. Бутлар йиқилиб юзтубан бўлди. Кисролар ватани Мадян саройларида устунлар ва мақбаралар йиқилди. Сава кўли – зулм ботқоқлиги қуриди.

Кўнгиллар файз ва барака билан тошди.

Чунки жаҳоний макон ва замонда юз берган бу туғилиш асл борликнинг илк баракати эди.

Ота Шомга тижорат ишлари билан кетган ва бу кудсий туғилишдан икки ой олдин Ясриб (Мадина)да хасталаниб вафот қилган эди.

Унинг муборак фарзанди арабларнинг урф-одати ва иқлим сабабларига кўра эмизиш ва илк тарбия учун Ҳалима исмли бир саҳройи хотинга берилди ва у ерда тўрт ёшигача қолди.

Олти ёшга кирганида онаси Омина эридан қолган чўри Умму Айман билан бирга “Борлик нури”ни отаси Абдуллоҳнинг қабрини зиёрат қилдиришга Ясрибга



олиб борди. Бу зиёрат давомида ҳазрати Омина хасталанди ва Абво номи берилган бир жойда вафот этди.

Онаси у ерга дафн қилинди. Шоир бу ҳақда:

“Эй Абвода ётган аёл,

Боғингда очилди,

Дунёнинг энг гўзал гули...”, деган эди.

“Борлиқ нури” шу тариқа тамоман етим қолиб, Умму Айман билан бирга Маккага қайтди

Саккиз ёшга кирганида бобоси Абдулмутталиб ўлди, пайғамбарлик кела бошлаганидан кейин эса уни умр бўйи фидокорона ҳимоя қилиб келган амакиси Абу Толиб вафот этди.

Шу билан у Зотга (соллаллоху алайҳи ва саллам) фойдаси тегадиган бутун фоний ва зоҳирий ёрдамчилар тугади. Бундан кейин унинг эгаси, кўрувчиси ва тарбиячиси ёлғиз Парвардигори бўлиб қолди.

Ҳаётининг энг ожиз паллаларида керак бўлган бу фоний ва зоҳирий ёрдамчилар у Зотга (соллаллоху алайҳи ва саллам) одамлар тақлид қилишлари ва ўрнатқ олишлари учун бир ҳикмат эди.

Унинг етимлик, кимсасиз болалик ва ёшлик чоғи энг порлоқ руҳий келажаги учун бир остона эди, холос.

* * *

Йигирма беш ёшга кирганларида Қурайш қабиласининг қибора оиласидан бўлган ҳазрати Хадичага (розияллоху анҳа) уйландилар. Ҳазрати Хадича моли ва жони билан у Зотга янги куч манбаи бўлди.



Ҳазрати Хадича Борлик Нуридан ўн беш ёш катта, бола-чақали, бева аёл эди. Ҳазрати Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу аёл билан инсониятга намуна бўладиган тарзда умр кечирдилар. Ҳиро тоғидан шошганча қайтиб:

“Эй Хадича, менга ким имон келтиради?” деганларида бу муборак аёл:

“Оллоҳга қасам ичаман, Оллоҳ жалла жалалуху ҳеч бир вақт сизни уялтириб қўймайди. Чунки сиз қариндошларингизни ҳимоя қиласиз, қийналиб қолганларга кўмаклашасиз, фақирларни қўллайсиз, ҳеч ким қилмаган ишни қиласиз, меҳмонларга иззат-икром кўрсатасиз, ҳақ йўлидаги ишларда халққа ёрдам берасиз... Эй Оллоҳнинг элчиси! Сизга мен имон келтириб, тасдиқлайман. Оллоҳ йўлига энг аввал мени даъват қилинг”, деб жавоб қилди.

Ҳазрати Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу аёлнинг руҳий нафислигини ҳеч қачон унутмадилар. Хотинлари вафотидан кейин ҳам, масалан, қурбонлик қилган пайтлари доимо бир қисмини ҳазрати Хадичанинг қариндошларига юборар эдилар. Бу аёл Борлик Нури учун унутилмас бир хотирага айланган эди.

Ҳазрати Пайғамбарнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳазрати Хадича онамиз билан оилавий ҳаётлари йигирма тўрт йил сурди. Кейинги уйланишлари тамоман исломий ва сиёсий ғоя йўлида эди. Оналаримизнинг кўпи ўзларидан катта ёшда ва бева аёллар эди. Биргина ҳазрати Ойша (розияллоҳу анҳа) бокира ва ёш бўлган. Бунинг сабаби – аёлларга тегишли фикҳий масалалар ечилишини таъминлаш учун эди.



Ҳақиқатан ҳам закоси ва фаросати юксак ҳазрати Ойша онамиз (розияллоҳу анҳа) аёлларга хос фикҳий масалаларни жуда яхши ўрганди ва Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) вафотларидан кейин узоқ йиллар давомида муслима аёлларга устозлик қилиб, уларга динларини ўрганишда ёрдамчи бўлди.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Динингизнинг ярмини Ойшадан ўрганинглар”, дея бунга ишорат қилганлари бежиз эмас.

Бу уйланишнинг иккинчи ҳикмати эса, Савр ғорида “икковлоннинг иккинчиси” бўлган ҳазрати Абу Бакрга (розияллоҳу анҳу) яқинликни янада мустаҳкамлаш орзуси эди.

Бу уйланишларнинг барча руҳий ва инжа ҳикматларини фақат имон мантиғига эга ирфон ва виждон аҳлларигина англай оладилар.

Аҳли ғараз бу уйланишларнинг сабабини фақат шаҳватга боғлайди. Агар сабаб улар иддао қилганидек бўлганида эди, бу муборак инсон умрларининг энг кучга тўлган ва ёшлик пайтини ўзларидан ўн беш ёш катта, бева ва бола-чақали аёл билан ўтказмаган бўлур эдилар.

Уйланишни фақат шаҳват орзусини қондириш деб биладиганлар бу ҳақиқатни англаб ета олмайдилар. Зехни ва қалби нафсоний тамойилларга тўла бу ақлсизларнинг ҳукмлари ўз қоронғу дунёларининг бир аксидир, холос.

* * *

Оламларнинг пайдо бўлишига сабабчи бу муборак Зот нафис бир ёшлик ва олий бир оилавий ҳаёт кечирганларидан кейин қирқ ёшларида пайғамбарлик марта-



басига лойиқ кўрилдилар. Қирқ ёшга киришларига олти ой қолганида Маккадаги Ҳиро ғорида илоҳий қудрат у Зотга ўзининг борлигини очиқ кўрсатди.

“Сени яратган Роббинг номи билан ўқи!” (Алақ сураси, 1) илоҳий амри билан у Зотга иршод салоҳияти ва пайғамбарлик гувоҳномаси берилди гўё.

Бу иш илк олти ойда ақлимизга сиғиши мумкин бўлган “руёи содиқалар” (тўғри чиқадиган тушлар) тарзида амалга ошди.

Аслида, Ҳиро тоғида кечган воқеа уруғнинг тупрок остидаги можаросига ўхшайди, лекин инсоният учун у абадиян мажхул қоладиган бир тақаввун (бўлиш) маконидир. Ҳазрати Пайғамбарни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ғорга келтирган омиллар сиртдан қараганда муборак кўнгилларида халқ тушиб қолган адашув ва тубанликдан туғилган изтироб ва бутун оламга ёйғин марҳамат бўлса ҳам, аслида, инсоният учун абадий машъала бўлган Қуръони каримнинг илоҳий даргоҳдан Ҳазрати Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) пок юраклари орқали инсон идрокига кўчиб ўтишини таъминлаяжак бир ҳозирлик эди! Бу ҳодиса юксак қувватли токнинг вужуд орқали тупрокқа ўтказиб юборилишига ўхшаш бир шарора саҳнаси эдики, Оллоҳ таоло билан Унинг ҳабиби орасида сир бўлиб қолиши кўзлардан узоқ бир ғорда юз беришини тақозо этган. Ваҳийнинг юкини оддий кишилар кўтар олмаслиги аниқ, бунинг учун фитрий истинод лозим бўлади. Бу боқимдан Ҳазрати Пайғамбарнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ғорга келишларининг бир ҳикмати ана ўша фитрий қобилиятларининг юзага чиқиш они келганини билдирарди.



Бу сир оламига кўнгил деразасидан назар ташлай олмайдиганлар Абу Жаҳл ва Абу Лаҳаб каби бадбахт кимсалардир.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳаётлари олдин ўтган пайғамбарларга насиб бўлмаган ва ҳаёлларга сиғмайдиган шон ва шарафга тўла. Оллоҳ таоло “ҳабибим” дея фақат у Зотга хитоб қилган. Меърож воқеаси ҳам пайғамбарлар орасида фақат Расулуллоҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) насиб бўлгандир.

Масжиди Ақсода барча пайғамбарларга имом бўлганлари у Зотнинг бошқа пайғамбарлардан устун эканларини исботлади. Мусога (алайҳиссалом) берилган “Лан тароний” сирри¹ Расулуллоҳда “Қоба кавсайни ав адна”² ўлароқ намоён бўлди. Оллоҳ таолога қовушиш

1. “Лан тароний”: Мусо (алайҳиссалом) Тури Сино (Сино тоғи)да Оллоҳ таоло билан гаплашишга хозирланди. Ўттиз кун рўза тутиб, бунга яна ўн кун қўшиб, қирк кунга етказди. Бу иш нафсоний ҳаётдан узоқлашиб илоҳий суҳбатга хозирланиш эди. Оллоҳ таоло Мусо (алайҳиссалом) билан тил ёки сўз воситасида эмас, азалий калом сифати билан гаплашди. Ҳазрати Мусонинг ёнида гувоҳ бўлиш учун келган етмиш киши ва Жаброил (алайҳиссалом) бу суҳбатни пайкамай қолишди.

Мусо (алайҳиссалом) бу илоҳий суҳбат натижасида ўзлигини унутди, дунёдами ёки охиратдами эканини билмай, макон ва замондан ташқарига чиқди. Буюк бир илоҳий муҳаббат ичида Жаноби Ҳақни кўришни орзу қилди.

Оллоҳ таоло унга: “Лан тароний”, яъни, “Мени асло кўра олмассиз”, дея марҳамат қилди. Мусо (алайҳиссалом) ғайриродавий ҳолда орзуни яна такрорлаганида Оллоҳ таоло унга қаршисидаги тоққа қарашини, агар бу тоғ Жаноби Ҳақнинг жамолига бардош бера олса, унга ҳам Ўзини кўрсатажагини билдирди. Ривоятларда айтилишича, саноксиз пардалар оққасидан Жаноби Ҳақнинг бир нури тоққа кўриниш беради. Лекин тоғ бунга чидай олмай, парча-парча бўлиб кетади. Бу дахшатли воқеадан Мусо (алайҳиссалом) хушдан кетиб қолади. Ўзига келганида орзуда ҳаддан ошгани учун Оллоҳга тавба қилиб, мағфират истайди.

2. “Қоба кавсайни ав адна”: Пайғамбаримиз (с.а.в.) Жаброил (а.с) ва бошқа бутун мавжудотлар ҳам ўта олмаган сидран мунтаха чегарасидан ўтишга мурасар бўлган эдилар. Ояти каримада “кўшилган икки ёй ўртаси ёки ундан-да оз” деб билдирилган бу ҳолни биз ожиз бандалар идроки камрай олмайти.



нуқтаси бўлган намоз Унинг динида умматга кичик бир меърож қилиб ҳада этилди.

* * *

Мақкада кечган ўн уч йиллик иршод мужодаласидан кейин Пайғамбарга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) иккинчи бир ғор рўпара қилинди.

У хижрат йўлидаги Савр ғори эди.

Бу ғор ўқиш учун эмас, илоҳий сирга ғарқ бўлиш ва қалбни тарбия қилиш дарсхонаси бўлди. Бу ердаги меҳмонлик уч кеча-уч кундуз давом этди.

Оллоҳнинг элчиси (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу ерда ёлғиз эмас эдилар. Пайғамбардан кейин коинотнинг энг устун инсони бўлган ҳазрати Абу Бакр (розияллоҳу анху) у Зот билан бирга эди.

Ҳазрати Абу Бакр Оллоҳ элчиси (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) билан ғорда уч кун бирга қолишнинг шараф, лаззат ва фазилатига эришган эди. “Икковлоннинг иккинчиси” бўлди!

Борлиқ Нури бу дўстига хитобан: **“Қайғурма, Оллоҳ биз билан”** (Тавба, 40), дейиш орқали айни пайтда Оллоҳ билан бирга бўлишнинг мазасини унга ўтказган эдилар.

Бу хол яширин зикр таълимининг бошланиши ва кўнгилларнинг Оллоҳга очилиб чин имонга эришиши эди.

Ҳазрати Пайғамбарнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) нур манбаи бўлган қалб оламидаги сирларини

Ушбу таърифлар Мусо (алайҳиссалом) ва Расулуллоҳни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) киёслаш учун келтирилган.



умматига ошкор қилиши илк даъфа ҳазрати Абу Бакр (розияллоҳу анҳу) ила бу ғорда бошланган ва бу орқали ҳазрати Абу Бакр охири қиёматга қадар етадиган Олтин Силсиланинг илк халқаси бўлган эди. Имон кучини у Зотга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) муҳаббатдан олган эди.

Бутун олий йўлчиликларнинг тамал тоши Унга бўлган муҳаббатдир ва Зоти улуҳиётига етишишнинг ягона йўли ҳам Унга муҳаббат орқали амалга ошади. Чунки муҳаббатнинг шарти ва ишқнинг қондаси севилган кишига нисбатан бўлган ишқ туфайли у севган нарсаларни ҳам севишдир.

Бундай илоҳий муҳаббатни хом идрокимиз билан илғаб олиб бўлмайди. Қуйидаги ҳикоя ҳар кўнгилга ўз истеъдоди даражасида таъсир қилади деб ўйлаймиз:

Ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ (розияллоҳу анҳу) умр бўйи Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳар суҳбатларидан янги завқ олар, асрори нубувватнинг энг самимий маҳрами бўлгани учун у Зотнинг ёнларида туриб ҳам муҳаббатлари ҳасратида ёнар эди.

Шу боис ҳам Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Абу Бакрнинг мол-мулкидан фойдаланганим каби кимсанинг мол-мулкидан фойдаланмадим”, деганларида ҳазрати Абу Бакр кўз ёшларини тўкиб: “Мен ва мол-мулким фақат сиз учун бор эмасми, эй Оллоҳ элчиси?!” (Ибн Можа. “Фазоилу асхобин-Набий”, 11), дея ўзини барча нарсаси билан кўшиб Пайғамбарга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) фидо этганини кўрсатган эди (Бу ҳол тасаввуфда “фано фир-Расул” мақоми деб аталади). У бутун бойлигини Оллоҳ ва Унинг элчиси йўлида



сарфлаган ва ҳатто Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир гал: “Кўшинга ёрдам беринг”, деганларида бойлигининг барчасини келтирган эди. Расулуллоҳнинг: “Бола-чақангизга нима қолдирдингиз, эй Абу Бакр”, деб сўраганларида буюк имон билан: “Оллоҳни ва Расулини!” дея жавоб берган (Саррож. “Ал-Лума”, 169-бет).

Ҳазрати Муовия ибн Абу Суфён уни таърифлаб: “Дунё Абу Бакрни истамади, у ҳам дунёни истамади”, деган эди.

Бу ерда шуни таъкидлаш лозим: ҳазрати Абу Бакр (розияллоҳу анҳу) бутун мол-мулкани Оллоҳ ва Расулига садақа қилиб бериб юбориши ва Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳам уни бундан қайтармаганлари истисно бир ҳолдир. Ёхуд Абу Бакр ва оиласи чиройли сабр ва кучли таваккулга эга эканига ишоратдир.

Бу икки азиз йўлчининг ёрдамчиси, таянчи ва сиғинадиган паноҳи ёлғиз Оллоҳ таоло эди. Ғор оғзига келган бадбахтлар ўргамчак тўридан бошқа нарса кўра олмадилар. Шоир айтгани каби:

**“Ўргамчак на ҳавода,
на сувда, на ерда эди.
Ҳақни кўра олмаган
Кўзларда эди”.**

Бу икки азиз йўлчи Ҳақ ҳимоясида Мадина яқинидаги Кубо деган жойга етиб келишди. Уларни кўрган халқ жунбушга келиб, шод-хуррам бўлди.

“Толаъ ал-бадру ʻалайна” (Устимизга ой туғди)нинг садолари осмонни тўлдириб, кўнгилларни жўштирарди.



Бу воқеа 12-рабиул-аввалда юз берди. Тарих у ондан қиёматга қадар собит қолажак ҳижрат тақвимини энди шу кундан бошлатди.

Мадина у кундан эътиборан Ислом дини тараққий қиладиган макон ва кўзгуга айланди. Куфрнинг қоронғу юзи бу ҳижратдан сўнг сўнди. Масжиди Саодат ва Масжиди Кубро олий бир рух касб этиб, маҳшарга қадар бу муборак ҳижратнинг қудсий макони ва хотираси ўларок тарихга кирди.

Ансор (ёрдамчи)лар муҳожир (кўчиб келган)ларга мол-мулкани кўрсатиб: “Бу бизнинг бор мол-мулкимиз, ярми сизники бўлсин”, дедилар. Фидокорликда мисли кўрилмаган исломий биродарликка мана шу тарзда асос солинди. Мадина Ислом тарихидаги абадий шон-шухратига қовушди. Мадинада ўқилган азонлар, рамазонлар, байрамлар, закотлар, урушлар айри бир кўриниш ва айри бир улуғлик билан умматга намуна ва ғоя ҳолига келди.

* * *

Бадр жанги имоннинг куфрга қарши илк кураши эди. Илк ғалаба ҳам Бадрда қозонилди.

Диний биродарлик қариндошликдан устун келди. Ҳазрати Абу Бакр (розияллоҳу анҳу) ўғлига, Абу Убайда ибн Жарроҳ (розияллоҳу анҳу) отасига, ҳазрати Ҳамза (розияллоҳу анҳу) укасига қарши қилич билан жангга чикди.

Оллоҳ таоло бу даҳшатли жангга фаришталардан кўшин юборди. Бадрдаги бу олий мужодалада иштирок



этган фаришталар ҳам бошқа фаришталарга қараганда иззатлироқ бўлдилар.

Бу улуғ ғалабадан кейин Оллоҳ таоло мусулмонлар мағрурланмасликлари учун Анфол сурасининг 17-оятини индирди:

“Бас (эй мусулмонлар), уларни сизлар ўлдирмадингиз, балки Оллоҳ ўлдирди. (Эй Муҳаммад, уларнинг юзига қўлингиздаги бир сиқим тупрокни) отган пайтингизда сиз отмадингиз, балки Оллоҳ отди. Ва (бу ғалабани Оллоҳ) Ўз томонидан чиройли инъом бўлсин, деб қилди. Албатта, Оллоҳ эшитгувчи, билгувчидир”.

* * *

Бадр зафаридан кейин келган Уҳуд жанги эса ҳазрати Ҳамзанинг (розияллоҳу анҳу) қони билан бўялди. Умумий шаҳидлар сони етмишга етди. Жаноза намозига тўққиз шаҳид келтирилди, уларга ҳазрати Ҳамза жасадини қўшиб ўнта шаҳидга жаноза ўқилди, сўнг тўққиз шаҳид дафн қилинди, яна тўққиз шаҳид келтирилиб ҳазрати Ҳамза билан ўнта қилиниб жаноза намози ўқилди. Шу тариқа Оллоҳнинг элчиси (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) суюкли амакилари, жигарбандлари ва шаҳидларнинг азизи бўлмиш бу муборак Зотнинг жаноза намозини такрор-такрор ўқидилар.

Бадр зафаридан кейин Уҳуд жангида мана шундай ҳазин онлар яшалди. Ҳаётнинг бутун тотли ва аччиқ саҳифалари бандаликнинг буюк бир баркамоллиги ичида содир бўлди. Таваккул, таслимият ва қадарга рози бўлиш олий чўққисига етди.



Булар устига еру кўкни титратгувчи яна бир ҳодиса юз берди: Расулulloҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) совутларидаги икки халқа муборак юзларига ботиб, ёнокларини ёриб, бир тишларини синдирди. Бутун саҳобалар чуқур мотам ва изтиробда қолди.

Бу орада Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) муборак юзларидан оқаётган қон ерга томдирмай юзларина артар ва Оллоҳ таолога илтижо ила:

“Ё Раббим! Қавмим жоҳилдир, қилаётган ишини билмайди. Ўзинг уларни Тўғри йўлга бошла”, дея нидо қилар эдилар.

Кейинчалик Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Жаброилдан (алайҳиссалом):

“Самодан ер юзига тушганингизда қийналган ё хаяжонланган онларингиз бўлдим?” деб сўраганларида:

“Ҳа, тўрт марта хаяжонга тушганман, — дея қуйидагиларни айтган эди: — Биринчи марта Иброҳим (алайҳиссалом) оловга ташланганда; иккинчиси кез Иброҳим (алайҳиссалом) пичоқни ўғли Исмоил (алайҳиссалом) бўғзига келтирганида; учинчиси Юсуф (алайҳиссалом) қудуққа ташланганида қаттиқ хаяжонландим. Уларни қутқариб, илоҳий амрни ерига келтирдим. Тўртинчиси мартасида Уҳуд жангида сиз яраланиб, тишингиз синган пайти Оллоҳ таоло: **“Бандамга ёрдам бер, қони ерга томмасин! Агар ҳабибимнинг бир томчи қони ерга томадиган бўлса, азаматимнинг ҳаққи учун ерда на бир ўсимлик, на бир дарахт ўстираман”**, дея марҳамат қилди. Мана шунда ҳам қаттиқ хаяжонландим. Ҳамон муборак юзингиздан оқаётган қонни ҳавода тўхтатдим”.



Уҳуд жангида мана шундай ҳассос манзаралар ҳам кузатилган.

Саҳобаи киром Бадр жангида Оллоҳнинг расулига кайдсиз-шартсиз эргашган эдилар. Ва у Зотга қарата:

“Эй Оллоҳнинг расули! Биз сизга имон келтирдик, Оллоҳдан тушган Қуръони каримнинг ҳақиқий эканини тасдиқлаймиз ва сизга итоат қилиш учун қасам ичдик. Сиз қандай амр берсангиз, биз унга бўйин сунамиз. Сизни юборган Оллоҳ йўлида денгизга кирсангиз, биз ҳам денгизга кирамиз, ҳеч биримиз орқага чекинмаймиз!” деган саҳобалар илоҳий бир ҳаяжон ичида эдилар.

Уҳуд жангида эса Оллоҳ элчисининг амрини ерига келтиришда бир онлик ғафлат ва дунё молига талпиниш уруш натижасини ўзгартирди, илоҳий қудрат шу тарз галабани кечиктирди.

Бошқа томондан Уҳуд жанги Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳаётларида айрича ўрин олган бир босқичдир. У Зот умрлари давомида Уҳуд шаҳидларининг қабрларини зиёрат қилишни тарк қилмадилар.

Вақти-вақти билан: “Биз Уҳудни севамиз, Уҳуд бизни севади”, дея қадри кўтарилган шаҳидлар машҳади Уҳуд қиёматга қадар Оллоҳ элчисининг муҳаббатига сазовор бўлган жой сифатида мусулмонлар учун бир зиёрат ерига айланиб қолди.

* * *

Ҳандақ жангида Борлиқ Нури ҳеч ким синдира олмаган бир қоятошни синдираётиб, биринчи зарбаларида



қайсар, иккинчисида кисро ва учинчисида эса Сано саройи йиқилиб ер билан битта бўлганини кўрганларини айтган эдилар. Шу тариқа бутун бу мамлакатлар “эъло’и калиматуллоҳ”га эришажаги муждасини ва ваъдасини бериб, умидсиз кўнгилларга бўлғуси зафарлардан умид жойлар эдилар. Ҳақ таоло яқин келажақда ботилни мутлақо йўқ қилиши ҳақида хушxabар берардилар,

Ҳандак жанги чарчоқлик, очлик, совуқ, қоронғулик, яъни тахаммули фарсо – минг бир машаққат майдони эди. Оллоҳ расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Оллоҳим! Ҳаёт фақат охираат ҳаётидир. Ансор ва муҳожирларга нусрат айла”, дуоси билан дунёдаги бутун чарчоқ ва изтиробларнинг охираат сўнгсизлиги қаршисида қиймати йўқлигини ифода қилиб, саҳобаларга охираат ҳаётини мақсад ўрнида кўрсатар эдилар.

Изма-из келган ғалабалардан сўнг ниҳоят Макка ҳам Ҳудайбиянинг бир муждаси ўлароқ афв, сулҳ, тинчлик ва ҳидоят бирлашган фатҳ бўлди ва юртнинг асл эгаларига, яъни жигарпораларига бағрини очди. Макканинг изтироб, зулм ва машаққат тўла ҳасрати сўнгига етди. Фотиҳлар шукр ўрнида золимларни кечирдилар. Натижада кўплаб мусулмоннинг ўлимига сабаб бўлган қотиллар ҳам ҳидоят шарафига муяссар бўлдилар.

Ниҳоят, Видо ҳажидида сўнгги ояти карима туширилди. Дин комил бўлди деб хабар қилинди. Бу хабар айна замонда оламларга раҳмат ўлароқ юборилган бу олий вужуд ўз вазифасини тамомлагани ва Роббига қайтиш замони келганига ҳам ишора эди. Борлиқ Нури саҳобаларидан динни тарғиб қилганларига доир:

“Асҳобим! Етказдимми?”



Етказдимми?

Етказдимми?”

дея вазифаларини адо қилганлари ҳақида уч марта тасдиқ сўзи олдилар.

Шундан кейин муборак қўлларини кўтариб Жаноби Ҳақдан гувоҳлик тиладилар:

“Шоҳид бўл, ё Раббим!

Шоҳид бўл, ё Раббим!

Шоҳид бўл, ё Раббим!”

Шу тариқа йигирма уч йил давомида нозил бўлган бу муқаддас омонат қиёматга қадар мусулмонларга раҳмат сифатида берилди.

Пайғамбарнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) она шаҳри, ватани ва туғилган жойи Макканинг фатҳидан сўнг саҳобалар орасида: “Оллоҳ жалла жалалуху Ўз элчисига Макка дарвозаларини очди. Энди Оллоҳнинг элчиси (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Маккада қоладилар, Мадинага қайтмайдилар”, деган каби гаплар чикди.

Бу шивир-шивирлар ўзаро гаплашилган бўлса ҳам, Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ундан хабар топдилар. Саҳобалар изтироб ичида айтган сўзларини эътироф этдилар. Бунга жавобан Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) саҳобаларга қарата: “Бундай бир иш қилишдан Оллоҳга сиғинаман. Ҳаётим ҳам, ўлимим ҳам сиз билан бирга бўлади”, дея тенгсиз бир вафо ўрнагини кўрсатдилар.

Саҳобалар билан бирга такрор Мадинага қайтиб келдилар.

Юқорида айтилганидек, нубуввати Муҳаммадий хали Одам оиласи пайдо бўлмасидан олдин муқаддас



бир кўринишда бошланган эди. Яъни, илк порлаган борлик жавҳари “Нури Муҳаммадий” дир.

Ҳазрати пайғамбар Муҳаммад (соллаллоху алайҳи ва саллам) нурлари Одамдан (алайҳиссалом) олдин, вужудлари эса ҳамма пайғамбарлардан (алайҳимуссалом) кейин келгани боисидан пайғамбарлик тақвимининг илк ва сўнг япроғи бўлганлар. У Зот замон эътибори билан сўнг, яратилиш эътибори билан илк пайғамбардирлар. Яъни, рисолат тақвими илк яратилган “Нури Муҳаммад” билан бошланган, “Жисмонияти Муҳаммад” билан охирига етган. Бу маънода айтишимиз мумкинки:

фаришталар саждага мажбур қилинган Одам (алайҳиссалом);

самовий мўъжизалар ҳайронлигини кўрсатган Идрис (алайҳиссалом);

ер юзини тўфони билан куфрдан тозалоган Нух (алайҳиссалом);

инкорчи юртларни бўронлар билан ост-уст қилган Худ (алайҳиссалом);

исёнчи ва манман оилаларни зилзилалар билан илди-зидан йўқ қилган Солих (алайҳиссалом);

Намруд оловини таслимияти ва таваккули билан гулистонга айлантирган Иброҳим (алайҳиссалом);

ихлос, садоқат, таваккул ва таслимияти билан тимсоллашган, қиёматга қадар ҳаж ибодатида бутун мусулмонларга қиссалари хотирлатилган Исмоил (алайҳиссалом);

наследан Бани Исроил пайғамбарлари тарқаган Ис-хоқ (алайҳиссалом);



ақлсизлик ва ахлоқсизлик билан ер тагига киргизилган ва тарих ахлатига айлантирилган Содом ва Гомора халқининг маҳзун пайғамбари Лут (алайҳиссалом);

тавҳид байроғини машриқдан мағрибга ташиган Зулқарнайн (алайҳиссалом);

муҳаббат ва ҳасратга қоврулган, сабр билан абадийлашган Яқуб (алайҳиссалом);

бир муддат қуллик, сўнгра зиндонда ёлғизлик, ғарблик, азоб, изтироб, машаққат, риёзат ва нафс мужодаласи ортидан Миср ва кўнгиллар султони бўлган ва моҳтобларни уялтирган жамоли билан Юсуф (алайҳиссалом);

кўнгилларни маст қилувчи нутки билан ўзига “Хотибул анбиё” сифати берилган ҳазрати Шуайб (алайҳиссалом);

асрори илоҳийни ҳазрати Мусога ўргатган Ҳизир (алайҳимуссалом);

фиравънинг салтанатини ост-уст қилган, ҳассаси билан мўъжизавий тарзда Қизил денгиздан йўл очган Мусо (алайҳиссалом);

Мусонинг (алайҳиссалом) ҳар замон ва маконда ёрдамчиси бўлган солиҳ укаси ҳазрати Хорун (алайҳиссалом);

зикри билан тоғларни, тошларни, ваҳший ҳайвонларни истиғфор ҳолига келтирган Довуд (алайҳиссалом);

муаззам салтанатини қалбидан ташқаридан кўтариб юра олган Сулаймон (алайҳиссалом);



юз йиллик бир ўлимдан кейин қайта тирилтирилиб қиёматдаги қайта тирилишга ўрناق бўлган Узайр (алайҳиссалом);

чуқур тафаккури билан сабрнинг олтин тоши бўлган Айюб (алайҳиссалом);

ўзини йўқотар даражадаги буюк бир ҳаяжон ҳолатида истиғфор, дуо ва зикр ҳақиқатига ғарқ бўлиб қоронғуликлардан ўтган Юнус (алайҳиссалом);

изидан “Илёсга салом бўлсин” хитоби билан илоҳий илтифотга сазовор бўлган ҳазрати Илёс (алайҳиссалом);

олимларга устоз қилинган ҳазрати Аляса’ (алайҳиссалом);

илоҳий раҳматга ғарқ қилинган ҳазрати Зулкифл (алайҳиссалом);

ҳикматли насиҳатлари дostonларга айланган, зоҳирий ва ботиний табибларнинг пири ҳазрати Лукмон (алайҳиссалом);

арра билан иккига бўлинганида ҳам “Оҳ” демай таваккул ва таслимиятни кўриган мазлум пайғамбар Закариё (алайҳиссалом);

отаси каби ўлимга шаҳидлик билан эришган Яҳё (алайҳиссалом);

бир бошқа сифати “нафс тозаловчи” бўлган, илтижо ва тазарру ила хасталарга шифо берган, Оллоҳнинг ёрдами билан ўликларни тирилтирган ҳазрати Исо (алайҳиссалом);

хуллас, юз йигирма минга яқин пайғамбар ва улардаги бу зухурот ва илоҳий кўринишлар гўё баҳорнинг баракатли булутлари каби вақти келиб башарият тупроғига



тушдилар. Ва баракатли бир ҳидоят шаршараси ҳолидаги набийлар силсиласи оламларга раҳмат ўлароқ яратилган ҳазрати Муҳаммад Мустафо (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) келишларининг гўё бирор иқболи ва баҳорий муждалари бўлдилар.

Ибн Аббосдан (розияллоҳу анҳум) ривоят қилинади:

“Жаноби Ҳақ онамиз Момо Ҳавони ҳазрати Одамнинг чап коворға суягидан яратди. Одам (алайҳиссалом) бу пайтда уйқуда эдилар. Уйғониб ёнида гул каби яшнган Ҳавони кўрганда қалби тошиб, унга қўл узатди. Шу пайт фаришталар:

“Эй Одам, унга тегманг. Ҳали никоҳ ўқилмади”, дея ҳайқирдилар”.

Шундан кейин ҳазрати Одам билан ҳазрати Момо Ҳаво никоҳлари қийилди. Маҳр шарти уч марта ҳазрати Муҳаммад Мустафога саловати шарифа ўқиш бўлди. Бу Оллоҳ ҳузурида ва муҳаммадий ҳақиқат қаршисида илк никоҳнинг бошланғичи эди.

Шу тариқа никоҳ ҳазрати Муҳаммадга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) саловат билан олий бир мақом қозонди.

Ҳазрати Умар (розияллоҳу анҳу) ривоятига кўра, Одам (алайҳиссалом) бир муддат ўтганидан кейин жаннатдан чиқарилишига сабаб бўлган залласи (пайғамбарларга хос бўлган иродасидан ташқаридаги хатоси) туфайли ҳазрати Муҳаммад Мустафонинг исмларини ўртага қўйиб Жаноби Ҳақдан кечирим сўраб ёлворган экан:

“Ё Роббим! Муҳаммаднинг хурмати учун менинг хатомни кечир!”

Оллоҳ таоло:



“Эй Одам! Ҳали Мен яратмаган Муҳаммадни сен каердан танийсан?” деб сўради.

Одам (алайҳиссалом):

“Эй Раббим! Ўзинг мени етти қудратинг билан яратиб менга руҳингдан уфлаганингда бошимни кўтардим. Аршнинг устунларида “Ла илаҳа иллоллоҳ Муҳаммадун расулуллоҳ” жумласи ёзилганини кўрдим. Фикримча, Сен мавжудотлар ичида энг сеvimлисини Ўз исмингга илова қиласан”, деди.

Бунга жавобан Жаноби Ҳақ:

“Тўғри айтдинг, эй Одам! Ҳақиқатан ҳам у менга мавжудотлар ичида энг сеvimлисидир. (Дуо қилганингда) унинг ҳаққи учун Менга дуо қил! (Чунки шу онда Унинг ҳаққи учун қилган дуоинг туфайли) сени кечирдим. (Билгинки,) агар Муҳаммад бўлмаганида эди сени яратмаган бўлур эдим”, дея марҳамат қилди (Ҳаким, Мустадрак, II, 672; Байҳақий, “Далойил”, V, 488-489).

Манбалардан олинган маълумотларга кўра Оллоҳ расулини эмизган аёллардан бири Сувайба хотин эди. Бу аёл Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) душманлари Абу Лаҳабнинг жорияси эди.

Сувайба хотин Абу Лаҳабга жияни туғилгани ҳақида хабар берганида, қавмидан бир ўғил туғилгани учун гина сеvиниб, жориясини озод қилди. Қавмиятчилик хисларига таянган бўлса-да, мана шу сеvинчининг ўзи Абу Лаҳабга берилаётган азоб душанба кечалари енгиллатилишига етарли бўлди.

Абу Лаҳаб ўлганидан кейин уни тушида кўрган одамлар ундан сўрадилар:

– Эй Абу Лаҳаб, қандай аҳволдасан?



– Жаҳаннамда, азоб ичидаман. Фақат душанба кечалари азобим бир оз енгиллаштирилади. У кечаларда бармоқларимнинг орасини сўраман. У ердан чиққан сувни ичиб, ёнаётган ичимни совутаман. Чунки душанба куни Сувайба ёнимга югуриб келиб Оллоҳнинг элчиси туғилганини муждалаган эди. Мен бундан севиниб уни озод қилган эдим. Бунга жавобан Оллоҳ таоло душанба кечалари азобимни енгиллатиш билан эҳсон қилди.

Ибн Жазарий: “Абу Лаҳабдай бир кофир Оллоҳ расули туғилган кунда фақат қариндошлик туйғуси туфайли севингани учун жаҳаннам ичида бир оз бўлса-да фойдаланар экан, бир мусулмон у кеча ҳурмати Коинотнинг Абадий Фаҳрига кўнгил ишқини очадиган бўлса, Ҳақ таолодан қандай лутф ва қарамларга ноил бўлади?! Шунинг учун ҳам мўминларга ярашадиган иш Оллоҳ расули туғилган ойда гўзал суҳбатлар қуриб, умматга зиёфат бериш, фақир, ғариб, етим, чорасиз ва кимсасизларга ҳар турли ёрдам билан маҳзун кўнгилларни шод қилиш, уларга садақа бериш билан севинтириш ва Қуръони қарим ўқишдир”, деган эди.

* * *

У Зот етим ва уммий эдилар Бошқа инсонлардан таълим олмадилар. Бутун башариятга қутқарувчи ва ғойиб оламнинг таржимони ва Ҳақ мактабининг устози сифатида туғилдилар.

Ҳазрати Мусо (алайҳиссалом) бир қанча аҳкомлар билан туғилган. Ҳазрати Довуд (алайҳиссалом) дуо қилиш ва муножотлари билан машҳур. Ҳазрати Исо



(алайҳиссалом) инсонларга ахлоқ ва зуҳдни ўргатиш учун юборилган.

Бутун оламга Ислом динини келтирган Муҳаммад Мустафо (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) эса буларнинг барчасини бир орада тўпладилар: аҳкомни ваъз қилдилар, нафсларни тозалаш орқали порлоқ қалб билан Оллоҳга дуо қилишни, энг гўзал ахлоқни ҳаёт тарзлари билан инсонларга ўргатдилар. Дунё ёлғонларига алданмасликни тавсия қилдилар. Қисқача қилиб айтганда, бутун пайғамбарларнинг салоҳият ва вазифаларини шахсларида ва ҳаётларида жамладилар. Насаб ва одоб асллари, жамол ва камол саодати у Зотда бир орага келган эди.

Ҳеч шубҳасиз, у кишининг қирқ ёшга киришлари инсоният учун бурилиш нуқталаридан бири бўлди.

Қирқ йил жоҳил жамият ичида яшадилар. Кейинчалик у Зот кўрсатган мукамал сифатларнинг кўпини ҳали унда халқ билмасди. У киши унда ҳали бир давлат раҳбари, бир войиз, бир хотиб сифатида танилмаган эдилар. Буюк бир кўмондонликлари ҳақида гапириш у ёқда турсин, оддий аскарликлари ҳақида ҳам сўз айтилмасди.

Ўтган миллатлар ва пайғамбарлар тарихи, қиёмат кунни, жаннат ва жаҳаннам ҳақида сўз сўзланганини одамлар ҳали эшитмаган эди. Фақат ўз шахсларига оид юксак ахлоқий сифатлар билан ҳаёт кечириб келардилар, холос.

Шундай кунларнинг бирида Ҳиро ғоридан илоҳий бир таълимот олиб, тамоман янги бир вазифа билан қайтдилар.



Динларини тарғиб қилишга бошлаганларида бутун Арабистон қўрқув ва ҳаяжон ичида қолди. Мўъжизавий хитоблари одамларга сеҳр каби таъсир қилди. Шеър, адабиёт, балоғат ва баркамоллик мусобақалари у кишининг хитоблари қаршисида ҳечга айланди. Бундан кейин бирор-бир шоир мусобақада ғолиб бўлолмади, энг юксак савияда ёзилган деб ўйлаган шеърини ҳам Каъба деворига осмайдиган бўлди.

Шу тарз асрлар давомида анъана бўлиб келган шеърини мусобақалар тарих мулкига айланди. Бу иш шу даражага бориб етдики, машхур Имриул Қайснинг қизи Қуръони каримдан қисқа бир парча эшитгач, ҳайрат ва даҳшат ичида:

“Бу инсоннинг сўзи эмас! Дунёда бундай бирор сўз бўлса, отамнинг шеърлари Каъба деворларидан ўчирилиши керак. Деворлардан у шеърларни ўчириб, ўрнига бу сўзларни ёзинг”, деган эди.

* * *

Бутун оламга майдон ўқиб, Қуръон сураларига ўхшаш бир сура келтиришга чақирдилар. Оллоҳдан бошқаларни ёрдамга чақириш шарт билан Қуръон сураларидан бирига ўхшаш сура ёки ҳатто бир оят келтириш ҳақидаги қуръоний чақириқ ўша кундан бери жавобсиз қолиб келмоқда...

“Агар Биз бандамизга туширган нарсдан (Қуръондан) шак-шубҳада бўлсаларингиз, у ҳолда шунга ўхшаш биргина сура келтиринглар ва Оллоҳдан ўзга гувоҳларингизни чақиринглар – агар ростгўй бўлсаларингиз” (Бақара сураси 23-оят).



Маданиятдан узоқ жоҳил бир жамият ичида етишган бу уммий (ўқимаган, ҳарф танимайдиган) инсон ўртага кўйган илм ва ҳикмати билан ўз даврининг инсонларини ожиз қолдирди ва то қиёматга қадар кимса етиша олмайдиган ва етишиши мумкин бўлмаган бир мўъжизалар дарёси билан ўртага чиқди. Бу ҳақиқат шу билан собитки, Куръони каримда тарихий ҳодисалардан тортиб келажакда содир бўладиган бир қанча ҳол ҳам ифодасини топган ва, мана, 1400 йилдан бери ҳеч бир илмий кашф унинг ҳақиқатига зид келмади. Ҳолбуки, бугун дунёнинг энг машҳур конститутсиялари ҳам ҳар йили бир кўшимча киритиб ёки олиб ташланиб, уларда ифодаланган ғоялар янгилааниш мажбуриятида қолмоқда.

Ҳазрати Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бутун инсониятга ўзлари ер юзида Ҳақнинг халифаси эканлари ҳақиқатини ишлари билан ўргатиб кетдилар.

Энг танланган олимлар ҳам умр бўйи изланиб, инсон ва ашё ўртасидаги кенг тажрибаларидан кейингина ҳақиқий сирини идрок қила олишлари мумкин бўлган ижтимоий, маданий, иқтисодий ташкилот, жамият идораси ва халқаро алоқалар қоидаларини у Зот ўртага кўйдилар. Муҳаққакки, инсоният назарий илм ва амалий тажриба боқимидан бир нарсага эришса, у эришган натижаси ҳақиқати муҳаммадияга янада уйғун келади.

Илгари ҳеч қўлига қилич олмаган, жанг таълимини кўрмаган, урушга бир марта, ўшанда ҳам фақат томоша учун борган бу буюк Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бутун инсониятни қамрашга етарли марҳамат эгаси бўлишларига қарамай, жамият сулҳу амният келтирадиган тавҳид мужодаласи йўлида энг қаттиқ жанг-



лардан ҳам қайтмайдиган бир аскарга айландилар. Озонли аскарӣй куч билан кўпсонли душманга қарши курашиб, бутун Арабистонни бор-йўғи тўққиз йил ичида фатҳ этдилар. Даврининг жоҳил, тарқоқ кишилари юрагига сингдирган руҳӣй бир куч ва аскарӣй таълим ила футухотда мўъжизавӣй зафарлар кучдилар. Иш шу даражага бориб етдики, у кишига эргашганлар замонанинг энг ҳайбатли ва кучлиси бўлган Рум ва Форс салтанатларини тор-мор этишди. Шу тариқа у Зотнинг анча олдиндан: “Ла илаҳа иллоллоҳ денг, Рум билан Эрон сизники бўлсин”, деган мужда ва ваъдалари ҳақиқатга айланди.

Шу тариқа инсоният тарихининг бутун манфӣй шарт-шароитларига қарамай энг буюк инқилобни пайғамбаримиз Ҳазрати Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) амалга оширдилар – золимларни синдирдилар, мазлумларнинг кўзёшларини тўхтатдилар. Етимларнинг сочларига унинг муборак бармоқлари тароқ бўлди. У Зотнинг тасалли нурлари билан кўнгиллар ғамдан узоқлашди.

Меҳмет Окиф бу маназарани, қаранг, қандай гўзал таъриф этган:

Вақтоки улғайди, қирқ ёшга кирди Етим,
Бошларда кезган қонли оёқлар қуриди.
Бир нафха ила инсониятни қутқарди у Маъсум,
Бир ҳамлада қайсарлару кисроларни синдирди.
Эзилишга маҳкум ожизлар тирилди,
Туганмас туюлган зулмлар йўқ бўлди.
Оламларга раҳмат эди, ҳа, шаръи мубини
Адолат қанотин истаганлар юртига кирди.
Дунёда не бор бўлса, барини У берди,



Жамият ҳам ундан қарз, ҳар инсон ҳам қарз.
Қарздордир ундан бутун бир башарият,
Ё Раб, бизни машҳарда шу иқрор ила қайта ярат!

Бутун фазилатларни ўзида жамлаган Ҳазрати Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дунёга келмаганларида эди, инсонлар қиёматга қадар зулм ва ваҳшат ичида қолар, заиф кучлининг асири бўлиб қолаверар эди. Мувозанат ёмонлик фойдасига бузиларди. Дунё золим ва кучлилар қўлида бўларди.

Шоир бу ҳолни қандай гўзал тасвирлаган:
“Ё Расулуллоҳ, агар сен келмасайдинг дунёга,
Гуллар очилмас, булбуллар сайрамасди,
Нарсалар исмини билмасди Одам,
Борлиқдан маъно қолмас, кўмиларди мотамга”.

* * *

Йигирма етти урушда, қирқ тўрт ёки элликка яқин “сарийя” деб аталмиш кичик миқёсдаги ғазотларда иштирок этдилар. Макка фатҳи ила илдиз отган Исломият: **“Бугун сизларга динингизни комил қилдим, неъматимни бенуқсон, тўкис қилиб бердим ва сизлар учун (фақат) Исломни дин қилиб танладим”** (Моида сураси 3-) ояти билан камолга эришди.

Энди энг буюк айрилик ва энг буюк висол навбати келган эди.

Хасталанишларидан бир кун олдин Мадинанинг “Жаннутул Бакиъ” деб аталган жойидаги қабристонга бордилар. Марҳумлар учун: “Эй буюк Оллоҳ! Бу ерда ётганлардан мағфиратингни аяма”, деб дуо қилдилар.



Шу тарзда гўё марҳумлар билан видолашдилар.

Қабристондан қайтгач, саҳобалари билан видолаша бошладилар. Уларга охирги марта насихат қилдилар ва:

“Шони буюк бўлган Оллоҳ бир қулини ё дунё ва унинг зийнاتини ё-да Ҳузурдаги неъматларни танлаш ихтиёрни берди. Қул Оллоҳ ҳузурдагиларни танлади”, дедилар.

Бу сўзларни эшитган ҳассос қалбли ҳазрати Абу Бакр (розияллоху анху) Ҳазрати Пайғамбар (соллаллоху алайҳи ва саллам) ўзлари билан видолашаётганларини сезиб қолди. Бир буюк хузун ичида қолди юраги. Кўнгли ва кўзлари беихтиёр ёшга тўлди. Ҳиқиллаганича:

– Ота-онам сизга фидо бўлсин, эй Расулуллоҳ! Сиз учун ота-оналаримизни, жонларимизни, молларимизни фидо қиламиз, – деди.

Шу ерда турганлардан Абу Бакрдан бошқа ҳеч бири Ҳазрати Пайғамбарнинг (соллаллоху алайҳи ва саллам) теран ҳиссиётларини англай олмаган, бу нозикликни илғай олмаган эди. Чунки Абу Бакргина (розияллоху анху) ояти қаримада сўз юритилган Савр ғоридаги “икки кишининг иккинчиси” эди! Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам) у киши ҳақида: “Қалбимда нима бўлса, Абу Бакрга билдирдим”, деган эдилар.

Саҳобалар Оллоҳ элчисининг (соллаллоху алайҳи ва саллам) бу азиз дўстлари кўзёш тўқаётганини кўриб ҳайрат ичида:

“Оллоҳ элчиси икки яхшиликдан бирини – Раббига қовушишни танлаган солиҳ кишидан сўз юритаётганларида бу чол нимага йиғлапти экан?” дейишди.



Ҳарҳолда ҳазрати Абу Бакр (розияллоҳу анҳу) буюк видо яқинлашаётганини ҳассос ва рақиқ қалби билан сезган ва айрилиқдан шикоятчи най каби фарёд қилишга бошлаган эди (Меҳмет Осим Кўксал. Ислоҳ тарихи, XI жилд 35-36-бетлар).

Жаннати аёлларнинг сардори ҳазрати Фотима (розияллоҳу анҳа) муборак оталари Раҳмат Пайғамбари ўткинчи дунёни тарк этаётганларини туйиб чексиз изтироб чекканидан:

“Фаҳри Коинот уқбо оламига кўчишлари билан менинг устимга шундай бир мусибат келдики, агар бу мусибат қоронғулик устига келганида ранги ўзгариб кетар эди”, деган эдилар.

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бизга Қуръон ва Суннат каби икки буюк йўлбошчи қолдирдилар.

Қуръони қарим ва Суннат дунё ва охиратда саодатга элтувчи йўл ва Борлиқ Нуридан абадий бир хотирадир.

Мадинага қайтгач ётиб қолдилар. Ўн уч кун давом этган хасталиқдан сўнг ҳижрий 11 йил рабиул-аввал ойи нинг 12-куни душанбада бу фоний дунёни тарк этиб, рафиқи аълога қовушдилар.

Борлиқ Нурининг икки кураклари орасида пайғамбарларликларига оид бир нишон бор эди. Кўплаб саҳоба бу нишони ўпишнинг ишқи ва ҳасратида яшади. Имом Байҳақий бу ҳақда бундай дейди:

“Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) вафот этганларида муборак юзларида ҳеч қандай ўзгариш бўлмаганидан саҳобаи киром у Зотнинг ўлиmidан шубҳага тушди. Шунда Асмо (розияллоҳу анҳа) ку-



раклари орасидаги пайғамбарлик нишонини излай бошлади. Бу нишон ўчиб кетганини кўрганидан кейин Расулуллоҳнинг уқбо оламига абадий йўл олганлари маълум бўлди” (Термизий).

Дин камолига етган, саҳобалардан таблиғ ҳақида шахсан тасдиқ олинган, энди Жаноби Ҳақдан шахидлик сўралган эди.

Ниҳоят, Борлик Нури абадиёт оламига чақирилдилар.

Энди у Зот машҳарда, сиротда ва кавсар ҳовузи бўйида умматларини кутажаклар.

* * *

У Зот рабиул-аввалнинг 12-сида душанба куни туғилиб дунёни шарафлантирган бўлсалар, пайғамбарлик вази-фаси ҳам 12-рабиул-аввал душанба куни берилган эди.

Абу Қатода (розиаллоҳу анҳу) бундай ҳикоя қилади:

“Пайғамбардан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) душанба куни рўза тутишнинг ҳикмати ҳақида сўрашди. У киши:

“Бу кун мен туғилган ва менга пайғамбарлик берилган кундир”, деб жавоб бердилар” (Муслим).

Яна 12-рабиул-аввал душанба тонгида Мадинага кириб келдилар.

Ва ниҳоят, охират оламига ҳам 12-рабиул-аввал душанба куни йўл олдилар.

У Зотнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) туғилишлари, пайғамбарликлари, ҳижратлари ва ўлимлари



айнан 12-рабиул-аввалга тўғри келиши бу ойнинг ўзгача аҳамияти борлигига бир ишоратдир.

Жамол ва жалол тажаллиси ўлароқ севинч ҳаяжони ҳам, ғам изтироби ҳам бир кунга тўғри келган эди. Ҳа, кўнгил иклимида ўзаро қарама-қарши туйғулар – байрам нашъаси билан ҳижрон аламлари ёнма-ён кела олади. У Зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) охираат диёрида умматларини шафоат этиш учун кутмоқдалар.

Оллоҳ элчисининг бу дунёдан саодат дунёсига кўчишлари туйғули у Зотдан айрилиб қолган дунёнинг вафосизлигини Азиз Маҳмуд Худойи ҳазратлари ушбу мисраларда ифодалаганлар:

Ким кутар сендан вафони,
Ёлғон дунё сен эмасми?
Муҳаммадул Мустафони
Олган дунё сен эмасми?



ЎРНАК СИЙРАТЛАРИ ВА БОШҚА ПАЙҒАМБАРЛАР ОРАСИДАГИ ЎРИНЛАРИ

Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) сийратлари барча учун мукаммал бир ўрнақдир.

Дин бошлиғи сифатида ўрнақдирлар. Давлат бошлиғи сифатида ўрнақдирлар. Илоҳий муҳаббат боғига кирганларга ўрнақдирлар. Оллоҳнинг неъматлари ёғилганида кўрсатган шукр ва тавозелари билан ўрнақдирлар.

Оғир замон ва маконларда кўрсатган сабр ва таслимиятлари билан ўрнақдирлар. Ўлжа тарқатишда саҳийликлари ва камтарликлари ила ўрнақдирлар.

Оилаларига шафқатлари билан ўрнақдирлар. Заифларга, кимсасизларга, кулларга марҳаматлари билан ўрнақдирлар.

Айб қилганларга нисбата кечиримлилик ва тоқатлари билан ўрнақдирлар.

Агар мол-мулки кўп бой киши бўлсангиз, бутун Арабистонга ҳоким бўлган, бутун араб улуғларини ўзига муҳаббат-ла ром этган У буюк Пайғамбарнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) тавозе ва саховатларини тафаккур қилинг!

Агар заиф кишилардан бўлсангиз, Маккада золим ва зўравон мушриклар ичида яшаган Пайғамбар нинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳаётларидан ўрнақ олинг!



Агар музаффар фотиҳлардан бўлсангиз, Бадр ва Ҳунайн жанглирида душманлари устидан ғалаба ноғорасини қоққан жасорат ва таслимият пайғамбарининг ҳаётларидан ибрат олинг!

Оллоҳ кўрсатмасин, агар мағлубиятга учраб қолсангиз, у замонда Уҳуд жангида шаҳид тушган ёки яраланиб ерда ётган саҳобалари орасида шижоат ва жасорат кўрсатган Пайғамбарни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) хотирланг!

Агар муаллим бўлсангиз, масжидда Суфа аҳли саҳобаларига инжа, рақиқ ва ҳассос кўнглининг файзларини юктириб илоҳий амрларни ўргатган Пайғамбарни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) эсланг!

Агар талаба бўлсангиз, ваҳий фариштаси Жаброили Амин (алайҳиссалом) қаршисида ўтирган Пайғамбарни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) эсланг!

Агар ўғит берувчи воиз ва ишончли муршид бўлсангиз, Масжиди Набавийда саҳобаларига ҳикмат сочган Пайғамбар сўзларини (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) тингланг. У Зотнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) тотли овозларига қулоқ ва кўнгил беринг!

Агар ҳақни ҳимоя этмак, ҳақни ёймак, ҳақни тутиб кўтармак истасангиз-у, аммо ёнингизда бу хусусда сизни қўллайдиган бирор ёрдамчингиз бўлмаса, Маккада ҳар қандай ёрдамдан маҳрум бир ҳолда золимларга ҳақни эълон қилиб, уларни ҳидоятга чақирган Пайғамбарнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳаётларига бокинг!

Душмандан ғолиб келиб, унинг белини синдирган, қаршингиздагининг ўжар инкорини енгиб устун келган, ботилни паришон этиб ҳақни эълон қилган бўлсангиз,



Макка фатҳи куни ғолиб бир қўмондон бўлгани ҳолда бу муқаддас шаҳарга буюк бир тавозе билан, туяси устида сажда ҳолида, шукр қилиб кирган Пайғамбарни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кўз ўнгингизда жонлан-тиринг!

Агар катта ер эгаси деҳқон бўлсангиз ва ишларингизни йўлга қўйишни истасангиз, Бани Надр, Ҳайбар ва Фадак ерларини қўлга киритганларидан кейин уларни тинчлик ва яхшилик йўлида фойдаланадиган кишиларни иш бошига қўйган Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)дан ўрнак олинг!

Агар кимсасиз бўлсангиз, Абдуллоҳ билан Оминанинг етимлари, жигарпоралари бўлган бир гуноҳсиз болани, нурли етимни ўйланг!

Агар бўй етган ёш йигит бўлсангиз, Маккада амакиси Абу Толибнинг сурувига чўпонлик қилган пайғамбарликка номзод йигитчанинг ҳаётини эсланг!

Агар тижорат карвони ила йўлга чиққан савдогар бўлсангиз, Басра сари Шомдан йўл олган карвоннинг улуғи бўлмиш Зотдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ибрат олинг!

Агар қози ё ҳоким бўлсангиз, Макка улуғлари Ҳажари Асвадни қаерга қўямиз дея бир-бири билан жанжаллашиб қолганида ораларида ҳакамлик қилган одил ва фаросатли Зотни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир эслаб қўйинг.

Ва яна кўзингизни тақрор тарихга қаратиб, Мадинада Масжиди Набавийда қийинчилик билан кун кечираётган фақирга ҳам, мол-мулк эгаси бой кишига ҳам бир-



дай қараб, энг одил шаклда ҳукм берган Пайғамбардан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўрناق олинг!

Агар ота бўлсангиз, Фотиматуз Заҳронинг отаси, ҳазрати Ҳасан ва ҳазрати Ҳусайннинг бобоси бўлган бу Зотнинг ўз болалари ва невараларига муомалаларидан ўрناق олинг!

Ким ва қайси касб эгаси бўлсангиз ҳам, эртаю кеч ҳар онда ҳазрати Муҳаммад Мустафони (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўзингиз учун мукаммал устоз ва тўғри раҳбар сифатида кўришингиз мумкин!

У Зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) шундай бир устоздирларки, У кишининг суннатлари билан ҳар қандай хатони тўғриласа бўлади: издан чиққан ишларни ҳам, умрингизни ҳам.

У Зотнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) нури ва раҳбарлиги соясида ҳаётнинг қийинчиликларидан қутулиб, ҳақиқий саодатга қовушасиз.

Чиндан, Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) сийратлари ўхшаши йўқ ва зариф гуллардан, мушк исли чечаклардан тузилган гулдастага ўхшайди.

* * *

Агар дунёда кўзингизга инсонлараро адолат ҳоким бўлиб кўринса, кишилар қалбини бир-бирига боғлаган раҳмат ва шафқат устувор бўлса ва ёхуд бир жамоатда бойлар шафқат билан йўқсиллар ёрдамига шошаётган, кучлилар мазлумларни ҳимоя қилаётган бўлса, соғ-саломатлар чорасизларга ёрдамчи бўлса, бойлар етимларни тарбиялаб, беваларнинг қорини тўйдираётган



бўлса – ҳеч тараддудсиз билингки, бу фазилатлар уларга пайғамбарлар ва уларнинг издошларидан етишгандир.

Бу ҳақиқат Ҳазрати Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳаётларида янада кўркам бир равишда кўрилгандир. Зеро у Зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) пайғамбарликнинг камол нуқтаси эдилар. У Зотнинг камолларини инсофли ғайримуслимлар ҳам эътироф қилишга мажбур бўлган.

Инглиз олим ва табиб жаноб Карлайл “Қаҳрамонлар” номли китобида ҳар касбнинг энг устун вакиллари санаб ўтади. Шоирларнинг энг яхшиси ким, кўмондонларнинг энг машҳури ким... Ўзи насроний олими бўлса-да, пайғамбарликда энг устун шахс ўлароқ Пайғамбаримизни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кўрсатади.

Асримиз ўргаларида Ҳолландиянинг Лахей шаҳрида тўпланган илм ва фикр одамлари дунёнинг энг буюк юз одами аниқладилар. Барчаси насроний бўлган бу олимлар дунёнинг энг буюк инсон сифатида Ҳазрати Пайғамбарни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) энг буюк инсон деб эътироф қилдилар.

Асл фазилат душман ҳам тасдиқ ва эътироф этишга мажбур бўлган фазилатдир. Ҳазрати Пайғамбарнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) фазилат ва сифатларини у Зотга имон келтирмаганлар ҳам тасдиқлаган.

Чунки Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мустасно сийратлари турли муаммоларга айри-айри жавоб бера оладиган ахлоқий мукамалликлардан иборатдир. Инсон ҳаёти давомида тушиши



мумкин бўлган турли ҳолларда уларга йўл кўрсатувчи ва устоз бўла оладиган таржимаи ҳол фақат у Зотнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) сийратларидир.

Муборак ҳаётлари ер юзидаги бутун инсонлар таълим-тарбиясининг негизини ташкил этади. Бу ҳаёт нур ахтарганларнинг ҳаётига ёруғликдир. Ҳидоятлари тўғри йўлни кидирган ҳар бир киши учун ойдинлик берувчи ва коронғуликдан кутқарувчи ёруғликдир.

У Зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бутун башариятни кутқарувчи ягона устоздирлар. Иршод (Тўғри Йўлни кўрсатиш) халқалари шундай бир мактабки, у ерда инсониятнинг барча табақасидан ҳамма тоифа тўпланган. Барча халқ тили, терисининг ранги, ижтимоий келиб чиқиши ва табақасига кўра фарқларга қарамай у Зот ҳузурларида тўпланганлар. У киши даргоҳларига ҳамма тўсиқсиз кира олади. Мактаблари бир қавмга хос эмас, инсонни у инсон бўлгани учунгина ҳурматлаган илм ва ирфон маркази эди. Бунда заиф билан кучли тенг, бир-биридан фарқи йўқ эди...

Ҳазрати Пайғамбарга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) эргашганларга бир қаранг: улар орасида Ҳабашистон нажошийи (қироли), Маон улуси Фарво, Ҳимайр расиси Зулқила, Фирузи Дайлабий, Яман буюкларидан Мароқабуд, Уммон волийларидан Убайд ва Жаъфар каби мумтоз шахсиятларни ҳам, улар билан бир қаторда Билл, Ёсир, Сухайб, Ҳаббоб, Аммор, Абу Фуқайҳо каби кул ва заифларни, Сумайя, Лубайна, Зиннира, Наҳдийя, Умму Абис каби чўри аёлларни ҳам кўрасиз.

Улуғ саҳобалари ичида ўта ақлли, порлоқ фикрли ва метин феъл-хўйли кишилар билан бирга энг нозик иш-



ларга ҳам укувли, дунё сирларидан хабардор, мамлакатларни лаёқат ва закийлик билан бошқара оладиган ҳукмдорлар ҳам бор эди.

Дарҳақиқат, улар шаҳарларни идора қилдилар, вилоятларга ҳукмдор бўлдилар. Халқлар улар соясида саодатга эришдилар, адолатнинг завқини татиб кўрдилар. Бу арбоблар халқ орасида адолат ва танчлик ўрнатдилар. Одамларни бир-бири билан биродар каби ҳаёт кечиришига ундадилар ва бунга эришдилар.

1789 йили юз берган буюк франсуз инкилобинининг ғоявий асосчиларидан бири файласуф Лафайт машҳур “Инсон ҳуқуқлари баённомаси”ни ҳозирлаш олдидан дунёдаги бутун ҳуқуқ тизимларини ўрганиб чиқди ва инсон ҳуқуқи ҳар нарсадан устун эканини англаб етди ва:

“Эй Муҳаммад! Адолат ўрнатиш борасида сен етган даражага тарихда ҳеч ким ета олган эмас!” деб юборди.

* * *

Пайғамбарнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) зоҳирий тарбиялари ва ботиний таъсирлари шундай ҳаётбахш эдики, ярим ваҳший, инсонийликдан узоқ жоҳиллар жамиятини қисқа муддатда кишилик тарихи ҳали-ҳозиргача ҳавас қиладиган “саҳоба” моҳияти-ла ҳаёлга ҳам қилиб бўлмас даражадаги юксак мартабаларга олиб чиқди. Уларни бир дин, бир байроқ, бир маданият, бир ҳуқуқ ва бир идора остида бирлаштирди.

Жоҳил ва жинойтчи кишиларни маданиятли, гуноҳларга ботган ва олчоқ характерли одамларни



тақволи, яъни, Оллоҳни севадиган ва Ундан қўрқадиган фавақулда солиҳ инсонлар ҳолига келтирди.

Асрлар давомида номини эслашга арзирли бирор инсон ҳам етишиб чиқмаган бу жамиятдан Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) нурлари ва раҳбарликлари остида кўплаб дохийлар етишди. Ва бу дохийлар ўзлари олган диний фазилатни имон, илм, ирфон ҳолида дунёнинг тўрт бурчагига ёйдилар.

Чўлга инган нур сўнгсизликни соясига олароқ бутун инсониятга етказилди.

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қисқа вақт ичида дунёда ҳеч бир қирол қўлга кирита олмайдиган даражадаги имконларга эга бўлдилар. Инсонларнинг идеал бир устози ўлароқ қалбларини тўла эгаллаганлари ҳолда оёқлари остига тўшалган буюк бир дунё неъматларининг ҳеч бирига кўнгил қўймай эски камтарона ҳаётларини давом эттирдилар. Пайғамбарликдан олдин қандай яшаган бўлсалар, худди ўша каби содда кулбада фақирона ҳаёт кечиравердилар. Ҳурмо япроғи солинган тўшакда ётиб-турдилар. Оддий кийимлар кийдилар. Энг заиф киши ҳаёт тарзидан ҳам жўн умр кечирдилар. Баъзан егулик ҳеч бир нарса топилмай, очликни сезмаслик учун қоринларига тош боғлаб юрдилар.

Қилган ва қилиши мумкин бўлган бутун гуноҳлари кечирилгани ҳолда шукр ва назрда давом этдилар. Оёқлари шишиб кетгунга қадар кечалари намоз ўқир эдилар. Ғарибларнинг ёрдамчиси, етимларга ва кимсасизларга тасалли берувчи эдилар. У Зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўзларининг буюклигига қарамай энг ожиз инсонларнинг ишлари билан шахсан шуғулландилар.



Макка фатҳ қилинган куни одамлар у кишига куч ва қувват тимсоли бўлмиш зодагонларга бокқандек кўрқув билан боқиб:

– Эй Оллоҳнинг элчиси, бизга динни ўргатинг, – деб туришганида уларга:

– Кўрқманглар, биродарлар! Мен бир қирол ёки ҳукмдор эмасман. Қурайш қабиласидан қуёш тиғида қуритилган гўшт еб кун кечирган сизнинг эски қўшнингизнинг етим боласиман, – дея тарихда мисли кўрилмаган бир тавозе ўрнагини кўрсатдилар.

Яна ўша куни қари отасини орқалаб ҳузурларига келтирган ва унга имон калималарини ўргатишни илтимос қилган “ғор дўстлари” Абу Бакрга: “Шу кекса отангизни нега овора қилдингиз, ўзимиз унинг ҳузурига борсак бўлмасмиди?” дея олиш фазилатини кўрсатган эдилар.

Бутун ўлкалар севинч ила у Зотнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳимоялари остига кирди. Арабистоннинг ҳар тарафи ҳукмдарига айландилар. Истаган ҳар нарсаларини амалга оширишлари мумкин эди. Шунга қарамай, эски камтар ҳолларича қолдилар. Ўзлари ҳеч нарсага эга эмасликларини сўзлардилар. Бутун бу иш ва нарсалар Оллоҳнинг қудрат қўли остида эканини инсонларга билдирдилар.

Замон ўтиши билан қўл остиларида жуда кўп бойлик тўпланди. Дунё хазиналаридан Мадинаи мунавварага бойлик оқиб келди. Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу бойликларни эҳтиёжмандларга тарқатиб, ўзлари яна оддий кун кечиришда давом этдилар.

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):



“Уҳуд тоғича олтиним бўлса – қарзларим мустасно – уч кундан ортиқ сақламас эдим”, деган эдилар (Бухорий. “Таманно”, 2.; Муслим. “Закот”, 31).

Кунлар давомида уйларида овқат пишмаган вақтлар бўлган. Кўп ҳолларда оч уйкуга кетганлар.

Бир куни ҳазрати Умар (розияллоҳу анҳу) Саодат хужрасига зиёратга келдилар. Уй ичи бўм-бўш эди. Ерда хурмо дарахти япроқларидан тўкилган бўйра тўшалган. Ҳазрати Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) шу бўйрада, ёнбошлаганча дам олаётган эдилар. Куруқ япроқ муборак вужудларига ботиб кетган эди. Хона бурчагида озгина арпа уни бўлиб, ун халтаси ёнида сув тўрбаси осиглиқ турарди. Уйдаги бор нарса шулардан иборат эди. Бу ҳолни кўриб ҳазрати Умарнинг (розияллоҳу анҳу) кўзлари ёшланди. Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):

– Эй Умар, нега йиғляпсиз? – деб сўрадилар.

– Нега йиғламай, эй Оллоҳнинг элчиси! Қайсар ва кисролар дунё неъматлари ичида сузмоқда, Оллоҳнинг элчиси куруқ япроқлар устида ухламоқда! – дедилар Умар (розияллоҳу анҳу).

Ҳазрати Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) унга таскин бериб:

– Эй Умар, майли, кисро ва қайсар дунё неъматларидан завқлансин, сафо сурсин. Бизга охират неъматлари етади, – дедилар.

Яна бир гал шунга ўхшаш бир гап-сўздан кейин Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Дунё молини нима қиламан? Мен билан дунё мол-мулкининг ми-



соли бир дарахт соясида ухлаб, уйғонгач йўлида давом этган йўлчининг ҳолига ўхшайди”, деган эдилар.

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳаётлари бой-фақир, кучли-кучсиз барчага олий бир ўрнақдир.

Ўлганларида на бир дирҳам, на бир динор пуллари, на кўй ва қуллари бор эди. У Зотдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу бевафо дунёда бир оқ хачир, бир килич ва Фадакда вақф қилган кичик бир томорка ерлари қолди. Яъни, ворисларига тузукли мерос қолдирмаган эдилар. Ҳатто мусулмонлар бутун закотларини уларга бера бош-ламасин деб наслларига закот олишни тақиқладилар.

Булар бундан 1400 йил нарисидида – жоҳилият даврида туғилган бир саводсиз киши бугунимизнинг ва келажак бутун замонларнинг барча раҳбарлари ҳавас қиладиган, лекин ҳеч қачон ета олмайдиган даражада ўрнақ раҳбар эдилар.

Бойлик ва маишат, қироллик ва шуҳрат, роҳат ва мол-мулкка асло аҳамият бермадилар. Дунё бойликларини тавҳид мужодаласи ҳаяжони ичида унутиб, уларни мутлақо аҳамиятсиз кўрдилар.

Ҳазрати Ойшадан (розияллоҳу анҳа) ривоят қилинишича, ансор орасидаги бир бой-бадавлат аёл Пайғамбарни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) зиёрат қилишга келади ва у Зот эски бир тўшак устида ўтирганларини кўриб, орқага қайтиб кетади ва уйдан ичи жун тўлдирилган кўрпача келтиради. Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) тўшаклари ўзгариб қолганини кўриб:

“Эй Ойша! Буни эгасига қайтариб бер. Оллоҳга қасам ичаман, агар истасам, Оллоҳ таоло олтин ва ку-



муш тоғларини ихтиёримга берган бўларди”, дедилар (Ахмад ибн Ханбал. “Зухд китоби”, 30-б.).

Бу воқеа Пайғамбар (соллаллоху алайҳи ва саллам) дунё молига асло парво қилмаганларига яққол далилдир.

Устун сифатларининг яна бир ўрнаги умматларига нисбатан тилларда дoston бўлган муҳаббатларидир. Бу сеvgи ояти каримада бундай ифодаланади:

“(Эй инсонлар,) Ахир сизларга ўзларингиздан бўлган, сизларнинг қулфат-машаққат чекишингиздан қийналувчи, сизлар (Тўғри Йўлга – Ҳақ динга келишингиз)га ҳарис-ташна бўлган ва барча мўминларга марҳаматли, меҳрибон бир пайғамбар келди-ку” (Тавба сураси, 119).

Муборақ шахсиятлари башарият ичида энг ўрناق шахсият эди. Зеро, Оллоҳ таоло у муборақ Зотни инсониятга “усвай ҳасана”, яъни, энг мукамал ўрناق қилиб яратган. Шу боис ҳам уни инсонлар ичра энг ожиз ҳолдан – етим болаликдан бошлаб ҳаётнинг энг олий мақоми Давлат раислиги ва Пайғамбарлик даражасигача юксалтирди. То башарий поғоналарнинг турли босқичидаги инсонлар у Зотдан (соллаллоху алайҳи ва саллам) ўрناق ола олсин, истеъдод ва қобилияти даражасида бу ўрнаклардан фойдалансин.

Ҳазрати Пайғамбар (соллаллоху алайҳи ва саллам) файласуфлардан ва инсониятга раҳбар бўлиш умидида юрган бошқа арбоблардан фарқли ўлароқ шахсларини аста-секинлик билан мукамалликка олиб чикмаганлар. Болалик давриларидан бошлаб келажакда зиммаларига тушадиган маъсулият чегарасида ҳаракат қилиш одоби-га эга эдилар.



Ақллари ваҳий йўли билан тарбия топмаган файласуф ва арбоблар ёзган нарсалар эса кўп ҳолларда китоб саҳифаларида қолиб кетган, ҳаётга жорий қилинса ҳам, қисқа вақт ичида амалдан тушган. Қолаверса, файласуфлар инсонлар учун тўқиган “ҳаётгий қоидалар”ига на ўзлари амал қилган ва на бошқаларни бунга эргаштира олган. Одоб-ахлоқни ўз шахсларида тўплаган пайғамбарлар эса, башарият ичида мукаммал ҳаётгий ўрнак кўрсатганлар.

Масалан, файласуф Найс “Супер ҳуман” (яъни, “Мукаммал инсон”) ҳақида кўп сафиҳали асар ёзган, лекин унинг бу мукаммал инсон лойиҳаси ҳаётда ўз ўрнини топа олмаган – ғоялигича қолиб кетган.

Ислом ахлоқида эса Ҳазрати Пайғамбарнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) шахсий ҳаётлари ҳамма башарий муносабатларда мукаммалик тимсоли бўлгани учун ҳам бутун инсониятга ўрнак бўлган ва киёматга қадар ўрнак бўлишда давом этади.

Бошқа томондан, Арасту ахлоқий фалсафанинг бир қанча қонун ва қоидаларига асос солишига қарамай, илоҳий ваҳийдан узоқ бўлгани учун унинг фалсафасига ишониб ва бу қоидаларни ҳаётига тадбиқ этиб саодатга эришган бирон кишини топа олмайсиз.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) рисолат вазифаларини бошламасларидан олдин ҳам ўзларини халққа севдира олган, халқ ичида “ал-Амин” ва “ас-Сиддик” ўлароқ танилган эдилар. Қавмга динни ҳам мана шундай шахсият ўлароқ билдира бошлаганлар.

Қавмлари у Зотнинг тўғрисиўзликларини, яхши инсон эканликларини пайғамбарлик берилмасдан олдин ҳам



билар ва у Зотни ҳурмат қилар эди. “Ал-Амин” унвони-ни берган қавмлари Каъба таъмир қилинаётганида Қора тошни жойлаштиришда тортишиб қолган ва у Зотнинг ҳакамликларига ҳеч эътирозсиз рози бўлган эди.

Раҳмат пайғамбари сийратларини мушриклар ҳам тасдиқлайди

Жаноби Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) жоҳилият даври арабларининг ҳам ҳурматиға шу даражада сазовор бўлган эдиларки, мурасасиз душманлари бўлмиш Абу Жаҳл ҳам бир кунни у Зотга:

“Эй Муҳаммад! Мен сизга ёлғончисиз демоқчи эмасман. Лекин сиз келтирган нарсага эргашишни истамайман”, деган эди.

Энг мурасасиз душманлари ҳам у киши ҳақ эканларини виждонан қабул қилар, фақат нафси йўл бермагани учун даъватларига юрмас эди. Бу ҳақда Қуръони каримда бундай дейилади:

“(Эй Муҳаммад,) Уларнинг гаплари, шакшубҳасиз, сизни маҳзун қилишини биламиз. Зотан, улар сизни ёлғончи қилмайдилар, балки бу золимлар Оллоҳнинг оятларини инкор қиладилар” (Анъом сураси, 33).

* * *

628 йили форсларни енгган Визанс императори Ҳеракл ғалабадан кейин Сурияга келганида унга Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уни Исломга даъват қилувчи мактубларини етказишди.



Бу мактубни ўқиб, жаҳли чиқиш ўрнига, ундаги даъват маъноси билан қизиқиб қолган император унинг моҳиятини ўрганиш учун маккаликлардан бир неча кишини ҳузурига келтиришни амр қилди.

Ўша дамларда Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мурасасиз душманларидан Абу Суфён маккалик тижоратчиларга бош бўлиб Шомга келган эди. Ҳижратнинг 6-йили. Муслмонлар билан қурайшликлар сулҳ холида эдилар.

Ҳеракл аскарлари Абу Суфён билан йўлдошларини тутиб, қирол ҳузурига келтирди. Ҳеракл бу пайтда Шомнинг Илё бўлгасида, яъни Байтул-Макдисда эди. Румлик аёнлар ҳузурида Ҳеракл Абу Суфён ва йўлдошларини қабул қилди. Таржимон воситасида маккаликлардан бир неча сўров сўради:

– Орангизда ўзини пайғамбар эълон қилган одамга наслан яқин бўлган киши борми?

Абу Суфён:

– Унга энг яқин бўлган менман, – деб олдга чикди.

Ҳеракл:

– Йўлдошларини ҳам унга қўшиб ёнимга келтиринглар. У билан гаплашганимда ёнида туришсин, – деди.

Кейин таржимонга қараб:

– Бу одамларга айт. Мен пайғамбарлик даъвосига бўлган киши ҳақида баъзи саволлар бераман. Агар бу одам (Абу Суфён) ёлғон сўйласа, шериклари “Ёлғон гапираяпти” десинлар, – деди.

Кейинчалик “Оллоҳга қасам, шерикларим мени ёлғончи дея уялтириб юришларидан кўркмаганимда у



хақида ёлғон сўйлаган бўлар эдим”, деган Абу Суфён воқеа давомини бундай ҳикоя қилади:

“Шундан кейин Ҳеракл билан иккимиз орамизда бундай савол-жавоб бўлиб ўтди:

– Уни насаби қандай?

– Насаби улуғдир.

– Ичингизда ундан олдин ҳам шу каби даъват билан чиққан бўлганми?

– Йўқ.

– Ота-боболари ичида ҳукмдор ўтганлар борми?

– Йўқ.

– Унга эргашганлар халқнинг обрў-эътиборли кишиларими ёки бўлмаса қуйи табақасиданми?

– Қуйи табақасидан.

– Унга эргашганларнинг сони ортяптими ёки камайяптими?

– Ортиб боряпти.

– Унга эргашганлар ичида динларини ёқтирмай ундан қайтганлар борми?

– Йўқ.

– Бу даъватни бошлашдан олдин унинг ҳеч ёлғончилик қилганини биласизларми?

– Билмаймиз.

– Ҳеч сўзида турмаган пайтлари бўлармиди?

– Йўқ. Берган сўзида доимо турарди. Ҳозир биз у билан шартнома тузганмиз. Бу муддат ичида қандай ишлар қилишидан хабарсизмиз.



(Кейинчалик Абу Суфён: “Уни ёмонлаш учун орага қўшадиган бундан бошқа бирон сўз ҳам топа олмадим”, деган эди.)

– У билан ҳеч уруш қилдингизми?

– Ҳа.

– Бу урушлар нима билан якунланди?

– Баъзан у бизни мағлуб этди, баъзан эса биз уни...

– Яхши, у сизларга нима ишларга чақиради?

– Бизга “Бир Оллоҳга ибодат қилинг, ҳеч бир нарса-ни Унга шерик қилманг, оталарингиз сиғинган бутларни тарк қилинг”, дейди. Бизга намоз ўқишни, тўғрилиқни, ифбатли ва ор-номусли бўлишни ва силаи раҳмини (қариндош-уруғларни зиёрат қилишни) буюради.

Шундан кейин Ҳеракл таржимонга Абу Суфённи ишорат қилиб бундай деди:

– Унга сўйла: “Унинг насабини сўрадим, орангизда насаби улуғлардан эканини айтдинг. Пайғамбарларни ҳам зотан Оллоҳ насл-насабли кишилар орасидан танлаб олади. Ичингизда ундан олдин ҳам бундай даъват билан чиққан киши бўлганми, деб сўрадим. Йўқ, дединг. Олдин ҳам бундай даъват билан чиққан киши бўлса, ундан ўрнак олаётган бўлса керак, деб ўйлар эдим. Ота-болари ичида ҳукмдорлар бормиди, деб сўрадим. Йўқ, дединг. Агар аждодларидан бири ҳукмдор бўлганида эди, унинг салтанатини қайтариб олиш учун бу даъватни ўртага ташлаган, деб ўйлар эдим. **Бу даъватни бошлашдан олдин ҳеч ёлғон гапирар эдими, деб сўрадим. Йўқ, дединг. Шу нарсани аниқ биламанки, инсонлар ҳақида ёлғон гапирмайдиган киши Оллоҳ ҳақида ҳеч қачон ёлғон гапирмайди. Унга эргашганлар халқ ичи-**



да обрў-эътиборли кишиларми ёки қуйи табақа инсонларми, деб сўрадим. Бу инсонларнинг қуйи табақадан эканини айтдинг. Зотан, пайғамбарлар даъватига бошланишда мана шунақа тоифа инсонлар эргашади. Унга эргашганларнинг сони ортяптими, деб сўрадим. Ортяпти, дединг. Ҳақ динларнинг бир хусусияти ҳам таблиғ камолга етгунга қадар тобелар сонининг ортиб боришидир. Ораларида унинг динига киргандан кейин ортга қайтиб, динидан воз кечганлар борми, дея сўрадим. Йўқ, дединг. Имон соясида вужудга келган қалбий фароғат томир отиб тараққий қилгач ундан воз кечиб бўлмайди. Ҳеч аҳдида турмаган пайтлари бўлдими, деб сўрадим. Йўқ, дединг. Пайғамбарлар ҳам аслида шундай бўладилар – асло аҳдларидан қайтмайдилар. Сизларга нималарни амр қилади, деб сўрадим. Бизга “Бир Оллоҳга ибодат қилинг, ҳеч бир нарсани Унга шерик қилманг, оталарингиз сиғинган бутларни тарк қилинг”, дейди. Намоз ўқишни, тўғрилиқни, ифбатли ва ор-номусли бўлишни ва силаи раҳмини амр қилади, дединг. **Агар бу сўзларинг ҳақиқат бўладиган бўлса, у одам шу оёқларим остидаги ерларга кўп ўтмасдан ҳоким бўлади. Зотан, мен бу пайғамбарнинг ўртага чиқишини билар эдим, фақат сизнинг орангиздан чиқади деб ўйламасдим. Унинг ҳузурига бора олганимда эди, у билан кўришиш учун ҳар қандай машаққатга чидар эдим. Ёнида бўлганимда эди, оёқларини ювган бўлардим.**

Шундай кейин Ҳеракл Ҳазрати Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Дихя воситасида Бусра амирига юборган хатларини келтиришни буюрди. Хизматкорлар мактубни келтириб Ҳераклга бердилар.

Унда қуйидагилар ёзилган эди:



“Меҳрибон ва раҳмли Оллоҳ номи билан.

Оллоҳнинг қули ва элчиси Муҳаммаддан румликлар бошлиғи Ҳераклга.

Мен сени Исломни қабул этишга чақираман. Ислом динини қабул этсанг, камолга эришасан, Оллоҳ сенга икки қат ажр беради. Агар бу таклифни қабул қилмасанг, қўл остингдагиларнинг гуноҳи зиммангда қолади.

“Эй аҳли китоб! Бизга ҳам, сизга ҳам баб-баробар бўлган бир сўзга келингиз – ёлғиз Оллоҳгагина ибодат қилайлик. Унга ҳеч нарсани шерик қилмайлик ва бир-бировларимизни Оллоҳдан ўзга Худо қилиб олмайлик” (Ол-и Имрон сураси, 64).

Абу Суфён ҳикоясини бундай давом эттиради:

“Ҳеракл сўзларини тугатиб, мактубни ўқиб бўлгач, одамлари ғалаёнга келди. Кейин бизни ташқарига чиқаришди. Йўлдошларимга:

– Муҳаммаднинг иши кўпаядиган бўлди. Қаранглар, Бани Асфор Малики (Ҳеракл) ҳам ундан кўрқар экан, – дедим.

Шу ондан эътиборан Муҳаммад даъватида муваффақиятни қўлга киритишига ҳеч бир вақт шубҳаланмадим. Ва ниҳоят Оллоҳ таоло менга Исломни насиб этди” (Бухорий. “Китобул жиҳод”, 102-боб).

* * *

Рум императори Ҳераклнинг Ислом динига инсофли муносабати унинг шахсий фазилатларидангина келиб чиқмайди. Асли Ҳақ дин бўлган ва асоси ваҳдониятга таянган насронийликдаги бузилиш у вақтларда энди



бошланган эди. Тахминан икки юз йил давом этган ва тарихга “Иконалар ғавғоси” номи билан кирган насоролар орасидаги ўзаро низолар ҳануз битмаган, черковлар санам ва ҳайкалларга тўла бошлаган давр эди. Насронийлик ваҳдониятдан узоқлаштирилиб, “акономии саласа”, яъни “уч худолик” (таслис) тизимига қайдсиз-шартсиз бўйин сунган ва ҳақ дин шу тарзда аслидан ажралган эди.

Демак, бу вақтда эски ваҳдоният эътиқодини қалбларида қўриган кишилар ҳам бор бўлиши турган гап эди. Масалан, мушрикларнинг зулмига чидай олмай Ҳабашистонга ҳижрат қилган саҳобалар билан қўришган Ҳабашистон нажошийи ҳам Ислому динига шундай инсофли муносабатда бўлган ва қўлидаги ҳасса билан ерга чизик чизиб: “Сизларнинг динингиз билан менинг эътиқодим ўртасида мана шу чизикчалик фарқ йўқ”, деган эди.

Чунки Нажошийи ҳам насронийликнинг ваҳдоният эътиқодини муҳофаза қилган “Ариос” мазҳабига мансуб эди.

Ҳеракл ҳам шу эътиқодда бўлган эҳтимоли бор. Лекин у Ислому динига имон келтиргани ҳақида тарихий маълумотларга эга эмасмиз. Бу эса имон бир насиба масаласи эканига далилдир.

Бошқа тарафдан бу воқеа шуни кўрсатадики, Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) пайғамбарлигини тасдиқламаганлар ҳам у Зотнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг тўғрисиўзликларини ва шахсларидаги мукамалликни қабул қилишган. Ахир, Мадинага ҳижрат этаркан, бўйнидаги мушрикларнинг баъзи омонатлар-



ни эга-эгасига бериш учун ҳазрати Алини (розияллоху анху) Маккада вакил қилиб қолдирган Зот бундан бошқача бўлиши мумкин эмас!

* * *

Расулulloҳнинг (соллаллоху алайҳи ва саллам) бу ерда санаб ўтилган фазилатларини билмайдиган ғофил мусулмонларни шоир Камол Адиб Куркчи ўғли ушбу байтларида бундай тасвирлайди:

Илтифотингдан четда қолиши, эй воҳ-эй воҳ,

Икки дунёда етар ғофилга хусрон ўларок.

Оллоҳ таоло бизларни Расулига муҳаббат билан боғланган уммат айласин. Зеро у Зотнинг (соллаллоху алайҳи ва саллам) шахсияти ҳеч ким етиша олмайдиган марҳамат ва шафқат уфқидан иборатдир.

Ҳақиқатан, кишилар ҳидоят топсин деб бор кучи билан ғайрат кўрсатган Зотни ўша кишилар тошбўрон ва ҳақорат қилганида ҳам бу жоҳил инсонлар ҳақиқа чиройли дуо қилиш билан жавоб берган эдилар. Зайд ибн Хориса (розияллоху анху) ажабланиб:

“Оллоҳнинг элчиси, улар сизга ҳақорат ва зулмни раво кўрди, сиз эса уларни дуо қиляпсиз?” деб сўраганида:

“Бошқа нима ҳам қила олар эдим? Мен азоб учун эмас, раҳмат учун юборилганман”, деб жавоб қилдилар.

Жоҳиллар ҳақиқа ҳам чиройли дуо қилганлари Жаноби Пайғамбаримиз (соллаллоху алайҳи ва саллам) олий бир фидокорлик, вафокорлик, марҳамат ва шафқатнинг бошқалар чиқа олмайдиган чўққисига етишганларига далил эмасми?!



Хуллас, Кришна ва Буддани “Оллоҳ”, Исони (алай-хиссалом) “Оллоҳнинг ўғли” дея тасаввур қилганлар, хея иккиланмасдан Фиръавн ва Намрудни “Тангри” деб билганлар, ҳайвонларга, оловга, сув ва ҳаво каби табиий кучларга сиғинган бечоралар бундай фавқулодда фазилатли шахсни “илоҳ” ўлароқ қабул қилган бўлар эдилар.

Лекин Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўз шахсиятлари ҳақида шундай дер эдилар:

“Ҳеч шак-шубҳа йўқ, мен ҳам сизлар каби бир одам-дирман. Менга парвардигорингиз ёлғиз Оллоҳнинг Ўзи эканлиги ваҳий этилмоқда” (Қаҳф сураси, 110).

У Зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) пайғамбарликларининг тасдиқ жумласи бошига қатъиян “бабдуху” (қули) сўзини қўшиш билан умматлари ўтган кавмларга ўхшаб Тўғри Йўлдан адашиб кетмаслигини таъминлашга ҳаракат қилганлар.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўзлари Оллоҳнинг ожиз бир бандаси эканларини доим таъкидлар эдилар.

“Ҳеч кимса амал ва ибодат соясида жаннатга кира олмайди”, деганларида саҳобалар:

“Сиз ҳам кира олмайсизми, ё Расулуллоҳ?” дейишди.

“Ҳа, мен ҳам. Агар Оллоҳ лутф қилмаса (Унинг фазли, раҳмати ва марҳамати мени қамраб олмагунича мен ҳам жаннатга кира олмайман. Қилган амалларим мени ҳам кутқармайди)”, деганлар (Бухорий. “Рикоқ”, 18; Муслим. “Мунофиқун”, 71-72; Ибн Можа. “Зухд, 20; Доримий. “Рикоқ”, 24; Аҳмад ибн Ҳанбал. 2, 235).

Бутун инсоният тўпланиб ҳаракат қилса ҳам ўхшашини ўртага қўя олмайдиган бу ишлар манзумаси



бандаларга Оллоҳнинг бир лутфидир. Исломиё таблиғ эса ибрат, садоқат ва тўғрилиқдан иборат мукамалликдир. Қуръони карим ва Суннатнинг ҳақиқатиға етишиш фақат Ҳазрати Муҳаммаднинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўрнат ахлоқлари ва қалбий ҳисларига яқинлашиш билан амалға ошади.

Ҳеч бир инсон у Зотнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) васфларини аслидағидай тасвирлай олмади. Олий ахлоқ ва сифатларини ҳеч ким қамраб ололмади. Олиму мутаффакиру кўнгил султонлари ва ҳатто Жаброил (алайҳиссалом) у Зот йўлларидан юришни, даргоҳларида тиланчилик қилишни ўзларига бир бойлик деб билди.

Коинот Раҳматида (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бошқа бутун пайғамбарларнинг салоҳиятлари белгили бир замон ва макон учун эди. Шу боис ҳам улар шахсининг хислатлари бизгача етиб келмаган. Ҳолбуки, Жанобимиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) киёматға қадар бутун замон ва маконлар учун юборилганларидан барча хислатлари, кичик амаллари энг нозик сирларигача саҳиҳ ривоятлар билан бизға етиб келган.

Бунинг сабаби – “Охирзамон пайғамбари” ўлароқ у Зотға (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) раво кўрилган шахсият бутун инсониятға ўрнат бўлиши учундир.

Шу боис ҳам Жаноби Ҳақ Қуръони каримда ҳеч бир пайғамбарнинг номи билан қасам ичмай, Ўзининг суюкли элчиси (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳаётлари билан – “Ла амрука” (“Сенинг умринг билан”) деб қасам ичади.

Шайх Ғолиб бу ҳақиқатни ушбу сатрларида ифодалаган:



Султони русул, шоҳи мумажжадсиз, Афандим,
Бечораларга давлати сармадсиз, Афандим,
Девони илоҳийда сар-омадсиз. Афандим,
Маншури “ла амрук”-ла муайядсиз, Афандим.

(Расуллар султони, улуғлар шоҳисиз, Жаноб,
Бечораларга туганмас давлатсиз, Жаноб,
Девони илоҳийда энг олддадир жойингиз,
“Ла амрука” фармони-ла шонлангансиз, Жаноб.)

Сиз Аҳмаду Маҳмуду Муҳаммадсиз, Афандим,
Ҳақдан бизга Султони муайядсиз, Афандим.

Пайғамбаримизнинг (соллаллоху алайҳи ва саллам) бошқа пайғамбарларда бўлмаган сифатларидан яна бири – Оллоҳ таоло Қуръони каримда бошқа пайғамбарларга “Эй Одам... Эй Нух... Эй Иброҳим... Эй Мусо... Эй Довуд... Эй Исо... Эй Закариё... Эй Яҳё!” деб нидо қилгани ҳолда Пайғамбаримизнинг (соллаллоху алайҳи ва саллам) исмларини ҳеч айтмасдан “Эй Пайғамбарим... Эй Расулим... Эй Муззаммил... Эй Муддаррис...” дея хитоб қилишидир. Шу тариқа биз мусулмонларга одоб ўлчовларини билдирган.

У Зоти шарифга (соллаллоху алайҳи ва саллам) салот ва саломни асло унутмайлик! Энг даҳшатли кунда Сирот кўпригида, Кавсар ҳовузи бўйида барчамиз у Зотга (соллаллоху алайҳи ва саллам) ниҳоятда муҳтож бўламиз.



РАҲМАТ ПАЙҒАМБАРИ ХУСУСИЯТЛАРИДАН ЎРНАКЛАР

Тарихда ҳаёти энг кичик нуқталаригача ўрганилган ягона инсон ва ягона пайғамбар ҳазрати Муҳаммадирлар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам). У Зотнинг бутун феъл, сўз ва амаллари онма-он қайд қилиниб, тарихнинг ша-рафли саҳифаларига айланган.

Ҳаётлари қиёматга қадар келажак насллар учун бир ўрнак. Қуръони каримнинг Қалам сурасида у Зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳақларида бундай келган:

“Албатта, сиз улуг хулқ устидадирсиз”.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Қуръони каримни ўргатувчигина эмас, унинг йўл-йўриқларини ҳаётларига шахсан тадбиқ қилган устоз ҳамдирлар.

Жобирдан (розияллоҳу анҳу) қилинган ривоятда Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):

“Дарҳақиқат, мен гўзал хулқларни камолига етказиш учун пайғамбар қилиб юборилганман”, деган эдилар (Муваддо: 904; Байҳақий. “Ас-Сунанул-кубро”, 192).

Яҳудий уламоларидан Абдуллоҳ ибн Салом Ҳазрати Пайғамбарни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) илк кўрганида сиймоларидаги нуронийлик ва маънога маф-тун бўлган ва:



“Бу нурунийлик эгаси ёлғончи бўлиши асло мумкин эмас!” дея имон келтирган эди.

Раҳмат пайғамбарида тақво ва нафсни поклаш

Жаноби Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бутун инсоният учун илоҳий раҳмат ва мукамал бир ўрнак эканларини тепароқда айтдик. Ҳар бир мўмин-мусулмон саодатга эришиш учун истеъдоди ва қобилияти даражасида у Зотнинг ҳаётларини ўрганиши шарт. Ҳақиқати Муҳаммадийга етиб, ундан ибрат олиш учун бир қанча жиҳатларга алоҳида эътибор бериш лозим бўлади:

1. Баъзи ишлар пайғамбарларгагина хос сабр-тоқат билан амалга ошади. Бу амалларни ўрганишга ва ҳаётига жорий этишга бошқаларнинг кучи етмайди. Бунақа ишларга киришмаслик ҳақида Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) саҳобаларини огоҳлантирганлар. Масалан, доимий равишда кечалари оёқлари шишгунга қадар намоз ўқиш; ифтор қилмасдан рўза тутиш каби...

2. Ҳазрати Пайғамбарнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айрим ишлари ўзларигагина хос ҳикматлардан келиб чиққан. Масалан, тўртдан ортиқ аёлга уйланганлар, ўзлари ва оила аъзоларига закот ва садақа олишни қиёматгача ман қилганлар. Ва ҳоказо...

Шахсларигагина хосланган ишлар бу билан битмайди. Масалан, мерос масаласидаги амаллари ҳам бошқаларга ўрнак бўлмайди. “Биз пайғамбарлардан мерос қолмайди” дея тирикликларида бор нарсасини



инсонларга тарқатиб беришни ҳам бошқалар ўзларига ўрнак сифатида кўрмасликлари лозим.

Шунга ўхшаш “Ал-фақру фаҳри” дея фақирлик билан ифтихор қилишлари ҳам у Зотнинг шахсларига махсус бир ҳолдир. Бу билан фақирликни мақталган ва ташвиқ қилинган ўрнак деб бўлмайди. Аксинча, “Берган қўл олган қўлдан устундир” қоидасига кўра, бера олиш даражасига етиш, яъни машруъ йўллар билан бойлик орттириш ташвиқ қилиняпти дейилса, янада тўғридир.

Шу сабабдан ҳам фақирлик ҳақидаги ҳукмлар уни ташвиқ қилиш моҳиятида эмас, илоҳий тақдирга рози бўлиш, таваккул ва таслимиятни кўриш йўлидаги ҳукмлардир.

3. Зухд ва тақво ичида яшаш фазилат, азамат ва Пайғамбарга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) маънавий яқин бўлишга уринишдир. Айни пайтда, жамиятнинг барча аъзоларини бундай ҳаёт кечиришга мажбурлаб бўлмайди. Зеро, бу иш алоҳида истеъдод ва қобилиятни тақозо этади. Бу хосликни англамай айримлар дунё неъматларига парвосиз бўлишга чақирадиган зухд ва тақвони ижтимоий ҳаётнинг ҳаракатчанлигига зарар беради деб ўйлайди. Бундай ўйлаш хато. Чунки жамиятнинг бутун аъзолари мукаллаф бўлган шаръий қоидалар ичидаги мавжуд ҳаракатлилик ва ғайрат бундай бир тўсиқни ўртадан кўтаради.

Қолаверса, шаръий ҳукмлар ўсишни кун билан ўлчаб “Кимнинг икки куни бир-бирига ўхшаса ўшалар хусрондадир” қоидасини келтириши билан дунё неъматларига илтифотсизлик ва ҳатто таназзулсизликни ифодалайдиган зухд ва тақво ўлчовлари орасида ҳам ҳеч қандай



зиддият йўқ. Зеро, дунёга парвосизлик асл маъно эътибори билан амалий ва зоҳирийликдан кўра қалбий ва зеҳнийдир...

Худди Мавлоно Жалолиддин Румий деганларидек:

“Дунё Оллоҳдан ғофил бўлишдир. Дунё мол, пул, хотин, кийим-кечак эмас, буни бил”.

Бунга кўра, қалбни эгаллаб олмаслик ва ишлатганда исрофга йўл қўймаслик шарти билан кўп мол ва мулкка эга бўлиш зуҳд ва тақвога терс эмас. Аксинча, бойликка хирс (муҳаббат) кўнгилни буткул эгаллаб олган ва ҳатто сифиниш даражасига келтириб қўйган бўлса, мол-мулкингизнинг озлиги зуҳд ва тақвога далолат қилмайди. Пайғамбарлардан Сулаймон (алайҳиссалом), саҳобалардан Абу Бакр, Усмон, Талҳа ва Абдурахмон ибн Авф (барчаларидан Оллоҳ рози бўлсин) ҳоллари бунинг гўзал ўрнақларидир.

Лекин баъзан истиғнодан кўра кўпроқ имконсизлик туфайли зуҳд ва тақво кўриниши мумкин. Бунда у имконсизлик учун исён қилмай Жаноби Ҳақ тақдирига кўнгилдан рози бўлиш бу ҳолнинг асл маъносини кўрсатади. Буни шу тарз тушунмай, аксинча, мол-мулки бўлатуриб худди ҳеч нарсаси йўқ каби кўриниш зуҳд ва тақвони янглиш тушунишдан келиб чиқади. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айрим пайтлари очликни кетказолмай қоринларига тош боғлаб ётганлари каби ҳоллар бунга мисол бўла олади.

Бу ҳоллардан ҳам аён бўлмоқдаки, Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) инсонлар ичида энг тақволиси – Оллоҳга энг яқин бўлгани ва Ундан энг кўп кўрқадигани эдилар. Тақволари туфайли энг фақир кишилар каби яшардилар.



Ойша онамиздан (розияллоҳу анҳа) ривоят қилинган ҳадисда: “Оллоҳнинг элчиси (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) умрлари бўйича икки кун устма-уст қоринлари арпа нонига тўймай бу оламдан ўтдилар”, дейилади.

Айни чоқда Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳалол таомларни зуҳд номидан нафсга ҳаром қилишни тақиқлаганлар. Ўзлари ҳам ҳалол таомлардан ердилар, ичардилар. Лекин ҳеч бир вақт бу ҳалол экан деб қоринларини охиригача тўйдирмасдилар. Ҳатто бир марта хузурларида кекирган бир одамга қарата:

“Кекирма. Чунки бу дунёда таомни тўйиб еганлар қиёмат кунинда энг узоқ муддат оч қолади”, деган эдилар (Термизий. “Сифатул қиёма”, 37).

Бошқа бир ҳадисларида эса:

“Ҳеч бир киши меъдасидан ҳам таҳликалитоқ қоп тўлдирган эмас. Ҳолбуки, инсонга уни оёқда тутадиган бир неча лўқма етарли. Мутлақо кўп ейиши лозим бўлса, меъдасининг учдан бирини таомга, учдан бирини сувга, учдан бирини ҳавога ажратиши лозим”, дейилади (Термизий. “Зуҳд”, 46; Ибн Можа. “Ат имо”, 50).

Бутун бу насиҳатлар инсониятнинг эҳтирос ва иштаҳасини тартибга солувчи тадбирлар тўпламидир.

Оллоҳ элчиси (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) зуҳдни нақадар гўзал таърифлаганлар:

“Дунёда зоҳидлик на ҳалолни ҳаром қилиш ва на молк-мулкни тарк қилишдир...”;

“Дунёда зоҳидлик фақат Оллоҳ кўлидагига ўз кўлингидан кўпроқ ишониш; бошингга бир мусибат келгани ва ёқангни қўйиб юбормагунича Унинг ажр ва



мукофотидан том умидвор бўлишдир...” (Термизий. “Зухд”, 29).

Зухд дунёга керагидан ортиқ хирс ва орзуга йўл қўймаслик, ўткинчи дунё лаззатларига алданмаслик, дунёни қалбга жойлаштириб олмаслик, Оллоҳ ва Элчисидан бошқасига кўнгил бермаслик, бандалиқдан узоқлаштирадиган ва охиратда фойдаси тегмайдиган нарсаларни тарк этиш маъноларини билдириб, инсон номига мос ҳаёт кечириш билан ҳам қалбга, ҳам вужудга хузур берадиган бир ҳолдир. Бунинг акси ўлароқ, дунёга кўнгил қўйиш эса, ҳам қалбий, ҳам баданий ҳаётни еб битирувчи ғам ва алам тўла бир фалокатдир.

Шунинг учун Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):

“Дунёда зухд қалб ва вужудни роҳатлатади. Дунёга кўнгил қўйиш эса ғам ва қайғуни ортиради” (Аҳмад ибн Ҳанбал. “Китобул-Зухд”, 24-б.), деган эдилар.

Бошқа бир ҳадиси шарифда эса:

“Дунёда зоҳид бўл, Оллоҳ сени севсин. Халқнинг қўлидагилардан юз ўғир, инсонлар сени севсин”, дейилади (Ибн Мажо. “Зухд”, 1).

Бу ҳадиси шарифлардан маълум бўлгани каби дунё таҳлиқларига қарши олинадиган тадбирларнинг энг бирламчиси зухд экан. Шунинг учун Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ейиш учун таом топа олмаганларида рўза тутар эдилар

Ҳадиси шарифларда:

“На оқ танлининг қора танлидан, на бир миллатнинг бошқа миллатдан устунлиги бор. Устунлик фақат таквога кўрадир” (Аҳмад ибн Ҳанбал. V, 158);

“Намозни сўнг намозингни ўқиётган каби ўқи! Эртага пушаймон бўладиган сўзларни сўзлама, инсонлар ғофилона орзу қилган нарсаларини орзу қилишдан тўхтат” (Ибн Можа. “Зухд”, 15), дейилади.

“Энг мукамал инсон ким?” деб сўрашганида Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Қалби пок инсон. Гуноҳ, шубҳа, ҳийла, ёлғон ва ҳасаддан қалбини тозаллаган инсон” (Абу Довуд. “Жиход”, 5), деган эдилар.

Ҳалол ва ҳаромга жуда диққат қилганлари каби, шубҳали нарсалардан ҳам узоқ турар эдилар. Ҳатто бир марта невааралари Ҳасан бола пайти масжидда бобосининг кучоғида ўтираркан, закот учун берилган хурмолар одамларга бўлиб берилатганини томоша қилатуриб, битта хурмони оғзига солади. Шунда Оллоҳнинг элчиси (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):

“Ема! Ташла! Биз садақа емаслигимизни билмайсанми?” дея невара оғзидаги хурмони ерга ташлатган эдилар (Муслим. “Закот”, 161).

Мавлоно ҳалол лукма ҳақида бундай дейди:

“Лукмалар уруғ кабидир. Меваси фикр, тушунча ва ниятлардир”;

“Кишида ибодат ва тоатларга орзу, иштиёқ ва иштаҳа кўзғаб фэйз берадиган лукмалар ҳалол, ибодат ва тоатларга тамбал қилиб кўядиган ва қалбнинг қотишига сабаб бўлган лукмалар эса ҳаромдир”;



“Ҳаётинда ҳалол лукмаларни кўпайтир. Шубҳали ва ҳаром лукмалардан узоқ тургинки, ибодат ва тоатнинг лаззатини тотиб, кўнгил роҳатлигига эришасан”.

Жаноби Ҳақ ояти каримада:

“Дарҳақиқат, мўминлар нажот топдилар. Улар намозларида (кўрқув ва умид билан) бўйин эгувчи кишилардир” (Мўминлар сураси, 1-2), дейилади.

Оллоҳ инсониятга ҳалол қилган неъматлар саноксиз даражада кўп бўлгани ҳолда, уларга қаноат қилмай, ҳаром ва шубҳали нарсаларга қўл узатиш бандаларга ярашмайдиган ишдир.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳаром экани билинмаган, лекин ҳаром бўлиш эҳтимоли бўлган нарсаларни тарк этиш ҳақида бундай деган эдилар:

“Сизга шубҳали кўринган нарсаларни тарк қилинг, шубҳали бўлмаган нарсалардан фойдаланинг”.

Шу билан бирга, шубҳали нарсалардан кўринаман дея ҳалол неъматлардан ҳам тортиниш ёки бўлмаса ҳалол неъматлар ҳақида турли васвасага тушиш ҳам тўғри эмас.

Ислом дини ҳар хусусда бўлгани каби, бу масалада ҳам мўътадиллик ва мувозанатга буюради. Зеро Исломнинг ғояси Одам боласини қийнаш эмас, аксинча, уни ҳузур, сурур ва суқун ичида яшатишдир. Бунга эса қалб саройини қуриш билан амлага оширади. Чунки бутун гўзалликлар қалб жаҳваридадир. Бу эса Пайғамбарнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қалбий хусусиятларини, тералик ва инжаликларини ҳис этиш ва яшаш билангина мумкин дир.

* * *



Жаноби Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳеч бир гуноҳлари бўлмагани ҳолда кечалари оёқлари шишиб кетгунга қадар намоз ўқир, чарчаб қолгунлари қадар соатларча Куръон тиловат қилар эдилар. Оллоҳни энг кўп севувчи, эсловчи ва Оллоҳдан энг кўп қўрқувчи киши у Зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) эдилар.

Намоз банданинг Оллоҳ таоло билан учрашувидир. Унинг ҳузурига чиқишдир. Ҳақни севувчиларга сўнгсиз бир муҳаббат ҳаяжонидир. Бу муҳаббатдан янада кўпроқ лаззат олишни истаганлар фарз намозлари билан бирга нафл намозларни ҳам ўқишда давом этадилар.

Намоз ўқишда таслим бўлиш бор. Намоз энг бирламчи нафс тарбияси. Шунинг ўзи Ислом ҳақ дин ва намоз мутлақ бир ибодат эканига далил.

Нафсларига асир кимсалар намозга яқинлашмайди. Нафс тўсиғини ошиб ўтолмаганлар ҳам намознинг шақлигагина эришади. Чинакам намоз жуда озчиликка насиб бўлади. Бу ҳақиқатни Оллоҳ элчиси (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай ифода этганлар:

“Икки киши бир пайтда ва бир жойда икки ракатдан намоз ўқийди. Лекин ораларида ер билан осмонча фарқ бўлади”.

Ойша онамиздан (розияллоҳу анҳа) ривоят қилинади:

“Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) намоз ўқиганларида замон-замон юракларидан қозон қайнаган каби сас келар эди. Азон чақирилганида эса Оллоҳ ҳузурига чиқаётганлари туфайли атрофдагиларни танимас ҳолга тушар эдилар” (Абу Довуд. “Салот”, 157; Насайй. “Сахв”, 18).

* * *



У Зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кўпинча рўзани оч ҳолда бошлар эдилар. Баъзи кунлари эса совми висол – кунларни улаб рўза тутар эдилар. Саҳобалар ҳам шунақа қилмочи бўлишганида:

“Сизларнинг кучингиз етмайди”, деб уларни кайтарар эдилар.

Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу) ривоят қилишича, Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кетма-кет бир неча тун оч тонг оттирар, оила аҳли ҳам кўпинча кечалари ейишга бирон нарса тополмас эдилар. Зотан, нонлари ҳам арпа нон эди (Ибн Саъд. “Ат-Табақатул-кубро”, I, 400).

Анас ибн Молик (розияллоҳу анҳу) ривоятига кўра:

“Бир куни ҳазрати Фотима (розияллоҳу анҳа) Пайғамбаримизга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) озгина овқат келтирди. Шунда У Зот:

– Бу нима? – деб сўрадилар,

Фотима (розияллоҳу анҳа):

– Чўрак пиширувдим, сизга опкелмасам томоғимдан ўтмади, – дедилар.

Фахри Олам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):

– Уч кундан бери отангнинг оғзига кирган илк лукма шу бўлади, – дедилар”.

Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) ривоят қилишича, Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) баъзи кунлари очликдан қоринларига тош боғлаб юрар эдилар (Ибн Саъд. “Ат-Табақатул-кубро”, I, 400).



Рўза тутишнинг фазилати ва асл ғояси доимий итоат ичида нафс билан мужодала қилиш, уни енгишдан иборатдир.

* * *

Ҳаж ҳазрати Иброҳимнинг (алайҳиссалом) таваккулдан насиба олиш, ичимиздаги “нафс” аталган душманга ва ташқаридаги шайтоний тамойилларга тош ота олиш, тоифа ҳархилликларидан кутулиб, кафан муҳитидаги бирхилликда Раббимизга илтижо қилиш, қиёматнинг даҳшатли манзараларини кўз ўнгимизга келтириб калтирай олиш, мусулмонлар орасидаги узоклашган ва бегоналашган жамоатларни бир орага келтириш ва имон дўстлигини тиклашдан иборатдир.

Расулulloҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) видо ҳажлари ва видо хутбалари қиёматга қадар уммат адо этадиган ҳаж учун қанчалар гўзал ўрнақдир.

Видо ҳажиди Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мусулмонлар орасида ўзаро муҳаббат ва ҳуқуқнинг тамал тошларини ўрнатдилар.

Ҳажда адо этиладиган амаллар ҳам инсонни қалбий ҳаётга бошлайди. Чунки бу ибодат ҳажда ов қилмаслик, яшил майсани узмаслик, Оллоҳ яратган жониворларни безовта қилмаслик... каби шафқат, марҳамат ва муҳаббат ҳавоси билан тўладир.

Ҳазрати Умар (розияллоҳу анҳу) бир мусулмонга халақит бермаслик учун Ҳажари Асвадни ўпишдан ўзини тийган эди.



Ҳаждаги бу каби ҳол ва ҳаракатлар инсонни нафси қаршисида ёлғиз қолдиради, таъсири келажак ҳаётида кўринади.

Ҳаж адо этилган муборак маконлар эса улвий оламнинг рухоният иқлимларидир:

– Арофат афв ва илтижо мақоми;

– Муздалифа Куръони қаримда ишорат қилинган “ал-Машъарул Ҳаром”нинг рухонияти-ла раҳмат тўла бир макон;

– Мино ҳазрати Иброҳим, ҳазрати Исмоил (алайҳимуссалом) ва Ҳожар онамиз шайтонни мағлуб этган таслимият ва таваккул макони;

– Каъба Жаноби Ҳақ: “Оллоҳга сажда-ибодат қилиб, У Зотга яқин бўлинг” (Алақ сураси, 19), дея марҳамат этган намоз ибодатининг марказий истиқоматидир. Айни чоқда, Каъба бутун мусулмонларнинг, Ислом дун – ёсининг томири уриб турган ердир.

– Мадинада зиёрат қилинадиган – Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мақомлари қалбни илоҳий муҳаббат нақшлари билан зийнатлаб руҳий юксакликка эриштирадиган бир макондир. Зеро, Жаноби Ҳақ “Ҳабибим” дея хитоб қилишига фақат у Зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мушарраф бўлганлар.

Бу муборак тупроқлар ҳазрати Одамдан (алайҳиссалом) бошлаб бу ёнга қадар барча имонли қалблар рухониятлари билан озикланган, кўзёшлари билан суғорилгандир. Пайғамбарларнинг файз манбаи бўлган бу муқаддас жойлар пайғамбарлар тарихининг азиз хотиралари билан тўладир.



Хуллас, ҳаж фарзи кишини диннинг камолига улаштирадиган шомил бир ибодатдир.

Ҳаж инсон руҳи ўз оҳангини, иқлимини, рангини топадиган, асл моҳиятига эришадиган, маънавий файз ёмғирлари билан ювадиган бир ибодатдир.

* * *

Зақот мол-мулки борлардан мол-мулки йўқларга ажратилган илоҳий солиқ бўлиб, бу солиқни тўлаш билан, айни чоқда, мол-мулк ҳалоллаб ҳам олинади.

Шу билан бирга, мол-мулкли инсонлар оз-оздан ўз бойликларини жамиятнинг умумий манфаати учун ишлатган бўладилар. Шу тарзда жамиятда мувозанат, адолат ва тенглик майдонга келади.

Зақот бир йилда ортирилган фойдадан эмас, сармоянинг умумий миқдоридан олинади. Шу боис ҳам исломий тизимда ҳаракат ҳолида бўлмаган мол-мулк бўлмайди. Жамиятнинг моддий ва маънавий бойлиги доим ҳаракат ҳолида бўлгани учун ҳам жамият тараққиётга эришади.

Зақот ва инфоқнинг сирларидан бири шахсий мол-мулк керагидан ортиқ кўпайишига ва жамият вужудида зарарли ярага айланишига йўл қўймаслик чораси экандир.

Зақот уни берган ва олган кишилар орасида илоҳий муҳаббат иплари боғланишига сабаб бўлади. Бошқача қилиб айтганда, зақот имкони бўлганнинг имкони бўлмаганга қарзидир:

“Уларнинг мол-мулкларида сўрагувчи ва (молдавлатдан) маҳрум-муҳтож кишилар учун (ажратилган) ҳақ-улуш бўлар эди” (Ваз-Зорийёт сураси, 19).



Закоат ва садақа беришда одобга риоя қилиш жуда муҳимдир. Берганлар олганларга ташаккур руҳида бўлишлари керак, аксинча эмас. Чунки олувчи берувчининг фарз ибодатини амалга оширишига ёрдам бериб, ажр олишига ёрдамчи бўлади. Садақа эса берувчини касаллик ва мусибатдан кўриқлайдиган омилдир.

Қуръони каримда бу ибодатларнинг аҳамиятига эътибор берилиб:

“...садақаларни ҳам (Ўз даргоҳида) қабул қилишни...” (Тавба сураси, 104), дейилган бўлса, ҳадиси шарифда:

“Инфоқ олдин Оллоҳ кўлига, сўнгра муҳтож кўлига ўтади”, дейилади.

Инфоқ қилинар экан риё, ғурур, кибр ва манманликдан узоқ туриш лозим. Акс ҳолда, инфоқлар Оллоҳнинг кўлига тегмай, охират учун фойдасиз нарсага айланиб қолади.

Ҳазрати Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бошқаларга ўрнатган бўладиган даражада инфоқ ва зуҳд ҳаёти кечирган эдилар. Ойша онамиздан (розияллоҳу анҳа) ривоят қилинишича:

“Оллоҳ элчисининг меъдаларига бир кунда икки хил таом асло кирмасди. Гўшт еганларида бошқа нарса емаганлари каби, хурмо ва нон еганларида уларнинг устидан бошқа нарса емас эдилар” (Ибн Саъд. “Ат-Табақатул кубро”, I, 405).

Абу Надр бундай дейди: “Мен Ойша онамизнинг бундай деганини эшитдим: “Бир куни Оллоҳ элчиси билан бирга ўтирар эдик. Отам Абу Бакр бизга бир қўйнинг оёғини икром қилди. Кеча қоронғулигида Оллоҳ элчи-



си билан уни майдалашга тушдик. Бир киши: “Қандил ва чироғингиз йўқми?” деди. Мен: “Чирокқа қуйишга ёғимиз бўлганида, биз уни еган бўлар эдик”, дедим” (Ибн Саъд. “Ат-Табақатул кубро”, I, 405).

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) инфоқ қилишни жуда яхши кўрар эдилар. Ҳазрати Билолга қарата:

“Эй Билол! Инфоқ қил! Инфоқ қилиш билан аршнинг эгаси мол-мулкингни камайтиришидан қўрқма...” (Ал-Лума, 134; Абу Довуд. “Имора”, 35), деган эдилар.

Чунки Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мол-мулк тўплашга асло ҳавас қилмас эдилар. У Зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) танлаган йўл “банда-пайғамбарлик” эди. Бу ҳақиқатни ушбу сўзлар билан ифодалар эдилар:

“Банда-пайғамбарликни ё шоҳ-пайғамбарликни танлашда эркин қўйилдим. Жаброил менга мутавозе бўлишни ишора қилди. Мен банда-пайғамбар бўлишни танладим ва: “Қорним бир кун тўйсин, бир кун оч қолсин”, дедим (Ҳайсамий. “Мажмаъуз завоид”, IX, 192).

Уйини турли безаклар билан безаган қизлари Фотиманинг (розияллоҳу анҳа) уйига кирганларида Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):

“Безалган уйларга кириш бизга тш-ри келмайди” (“Асри Саодат”, II, 90), деган эдилар.

Айни чоқда, бундай камтарона ҳаёт билан асло мақтанмас эдилар. Оллоҳ таоло ўзларига берган неъматларни санар эканлар, “Ла фахра” (мактаниш йўқ), деб буюк тавозе ўрнагини кўрсатар эдилар.



Раҳмат пайғамбариде тавозеъ

Гурурнинг манбаи мақталиш ва тақдирланишдир. Бу хол одамларни талтайтирадиган сабаблардан биридир. Расулulloх (соллаллоху алайҳи ва саллам) одамлар ичида энг шарафлиси ўлароқ Оллоҳнинг мақтовига эришганларига қарамай саҳобаларига:

“Мени “Оллоҳнинг кули ва элчиси” денглар” (Бухорий, Муслим) дер эдилар.

* * *

Диннинг ғояси гўзал, зариф, ақлли инсон етиштиришдир. Бу эса Оллоҳга қулликни идрок этиш билан бўлади. Бундай натижага қалбнинг хўрпайиши ва ҳаяжонли титраши билан эришилади.

Оллоҳ таоло:

“Фақат Оллоҳ зикр қилинганда қалбларига кўрқинч тушадиган, Унинг оятлари тиловат қилинганда имонлари зиёда бўладиган ва Парвардигоригагина суянадиган кишилар (ҳақиқий) мўминлардир” (Анфол сураси, 2), дея марҳамат қилади.

“Инсон” сўзи “нисён” ва “унс” сўзларига яқиндир. Нисён “унутиш” дегани. Нисён (унутиш)нинг зидди зикр (эслаш)дир. Куръони каримнинг икки юз элликка яқин жойда эслаш (зикр) сўзи кечади. Зикр жавҳари қалб марказига ерлашса, у қалб Ҳаққа қулликни ва Ҳақни таъний бошлайди. Севган киши севгилисини ҳеч бир замон унутмайди, тилидан ва юрагидан чиқармайди. Имон ҳаётининг завқ ва сафосини яшашни истаган кўнгиллар зикрни қалбларида давом эттиради. Турганда, ўтирганда,



ётганда Оллоҳни эслаш (зикр қилиш) билан само ва аршнинг яратилиши ҳақида тафаккурга берилади ва:

“Парвардигоро, бу (борлик)ни беҳуда яратганинг йўқ! Сен (беҳуда бирон иш қилиш айбидан) поксан! Ўзинг бизни жаҳаннам азобидан асра” (Оли Имрон сураси, 191), дейди.

Қалблари Оллоҳни эслашдан ғофил кишиларни Оллоҳ таоло ҳам севмайди:

“Бас, диллари Оллоҳни эслашдан (зикр қилишдан) қотиб қолганларга ҳалокат бўлмай” (Зумар сураси, 22).

Оятда Оллоҳни эслашдан узоклашган киши инсонлик ҳайсиятини йўқотгани билдирилмоқда.

Инсонда қулликка интилиш хусусияти бор. У ё турли нарсалару улардан келадиган манфаатларга, ё Оллоҳ таолога қуллик қилади. Оллоҳ таолога қуллик одамларни нафс ва нарсаларга қул бўлишдан қутқаради.

“Хабар беринг-чи, ким ҳавойи нафсларини илоҳ қилиб олган бўлса, сиз унинг устидан вакил-қўриқчи бўлурмисиз?” (Фурқон сураси, 43).

Инсон келажигига оид бирқанча орзу ва амаллар ишташи ва бу орзу-амаллар охиратни қозониш учун эмас, фақат шу дунё учун бўлиши уни аламли бир оқибатга дучор этади.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу ҳақда бундай деган эдилар:

“Дикқат қилинг: беҳуда орзу ва амалларингиз кўпайгандан-кўпайиб сизга ажалингизни унуттириб қўймасин. Акс ҳолда қалбингиз қотиб қолади. Дикқат қилинг: ҳақиқатан ҳам (ўлим, ундан кейин тирилиш ва



охират куни) каби келажак ҳаёти яқиндир” (Ибн Можа. “Мукаддима”, 7).

Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу танбеҳларидан энг кўп насибасини олган Салмон Форсий: “Уч нарса мени ўлдиради, уч нарса мени тирилтиради”, деб туриб: “Ўлим уни кутиб тургани ҳолда узун орзулар қилиб юрганларнинг холи мени кулдиради”, деган эди.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):

“Кекса кишининг бутун кучлари заифлашса ҳам, дунёга бўлган севги ва узун орзулар масаласида кўнгли ёш қолади” (Бухорий. “Рикок”, 5; Муслим. “Закоат”, 114), деган эдилар.

Бу ҳадиси шариф “дунё севгиси” ва “узун орзулар” одам боласи умр бўйи кўнглидан узоқлаштира олмайдиган икки иш эканига ишоратдир. Вужуд заифлаб, чўкиб қолса ҳам, руҳларда қариш ва ўлиш сифати бўлмагани учун одамлар доимо ёш қолишни орзу қилади ва доимо орқада қолган умри учун ҳасрат ва надомат чекади.

Тупроқ тўкилган сувни шимиб олгани каби, нафс ҳам дунёнинг бутун лаззатларини ўзига шимиб олишни истайди. Нафс тарбияси ва қалб тозалиги билангина одам ўзига берилган неъматларга тупроққа боққан каби қарай олади. Шу тарзда қалб касофатлардан ва ёмон хаёллардан қутула олади.

* * *

Ёмонликлар имтиҳон учун яратилган. Шу боис ҳам ояти каримада:



“Жонга ва уни расо қилиб-яратиб, унга фиқс-фужурни ҳам, тақвосини ҳам илҳом қилиб-ўргатиб қўйган Зотга қасам: дарҳақиқат уни (яъни, ўз нафсини-жонини имон ва тақво билан) поклаган киши нажот топди. Ва у (фиқс-фужур билан) кўмиб хорлаган кимса номурад бўлди” (Ваш-шамс сураси, 7-10), дея марҳамат қилинади.

Эришиб бўлмас инжаликлар ва таги кўринмас чуқурликларнинг ўрнаги қилиб яратилган биз инсонларнинг юксак қийматини фақат Оллоҳга қуллик қилиш ва қалбни кўриш билан сақлаб қола билиш мумкин.

Табук сафари машаққат тўла бир сафар эди. Саҳобалар минг чақирим йўлга бориб қайтишди. Мадинага яқинлашганларида таниб бўлмас ҳолга келишган эди: терилари суяқларига ёпишган, соч ва соқоллари ўсиб кетган. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):

“Энди кичик жиҳоддан катта жиҳодга қайтйпмиз”, дедилар.

Саҳоба ҳайрат билан:

“Эй Оллоҳнинг элчиси! Бундан ҳам катта жиҳод бўлиши мумкинми?” деб сўрашди.

“Энди катта жиҳодга (нафс жиҳодига) қайтйпмиз”, деб тақрорладилар (Байҳақий ва Суютий).

Нафс жиҳоди қалбни тарбиялаш ва унга таълим бериш демакдир. Ғоя – ахлоқни юксалтириш ва комил инсонларни тарбиялаш.

Қудсий ҳадисда Оллоҳ таоло:

“Биз инсоннинг сиримиз, инсон Бизнинг сиримиздир”, дея марҳамат қилган.



Бу сир фақат ҳақиқати Муҳаммадия билан ечилади. Унга қанча яқинлаша олсак, бу сир шунча очилади. Инсон бу коинотнинг яратилиш ҳикматини англай олмаса, бу коинотга ем бўлиб кетади. Бу дунёга келишининг сабабидан хабарсиз қолган киши инсоннинг муқаддас табиатини билмай оламдан ўтади. Бундай кишилар ўзлари Оллоҳнинг ердаги халифаси эканликларини билмайди, инсоннинг яратилишидан кўзланган илоҳий ҳадафни кўра олмайди. Халифатуллоҳ йўлидан юрган кишилар эса Раббиларининг кўрар кўзи, эшитар қулоғи ҳолига келиб, инсоннинг яратилиш ғояси бўлган “восили илоллоҳ” бўлишга ҳаракат қиладилар.

Бу оламда башарий идрок билан ҳеч бир нарсанинг моҳиятини тўлиқ англаб бўлмайди. Бир нарсани тушунтириш учун ишлатадиган калималар ҳам бошқа калималар билан изоҳ қилинади.

Бутун бу изоҳга мухтож нарсаларни изоҳлаб бўлмайдиган йўллар билан изоҳлашга ҳаракат қилар эканмиз, изоҳлаб бўлмайдиганларнинг энг буюғи идрок кучимиздан ташқаридан бўлган Оллоҳ таоло эканини унутмаслигимиз лозим. Оллоҳки, бу коинотнинг ягона ва мутлақ изоҳидир.

Инсон ақли чегараланган. Ақл чегарасидан ташқаридаги сирлар оламига фақат қалбий йўл билан етишиш мумкин. Ҳазрати Иброҳимнинг (алайҳиссалом) бу холи Қуръони каримда:

“Бутун оламлар Эгасига бўйин сундим” (Бақара сураси, 131), дея ифодаланади.

Имом Ғаззолий (раҳматуллоҳи алайҳ) бу ҳолни ушбу тарз ифодалаган:



“Ақлимни ўстира-ўстира жинни бўлай дедим. Билдим, ақлнинг чегараси бор экан. Унинг ўз бошича борадиган ҳеч бир охириги нуқтаси йўқ экан. Ақлимни йўқотадиган васваса ҳолига тушдим. Сўнгра Ҳазрати Пайғамбарнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) руҳоний файзларига сиғиниб, унга буркандим. Шунда ҳар нарса ўз-ўзидан аён бўлди. Оламнинг сирини идрок қилиб, машаққатлардан қутулдим”.

Шунинг учун ҳам Иброҳим (алайҳиссалом) тилидан Қуръони каримда:

“Албатта, мен Парвардигорим (буюрган) тарафга кетгувчидирман. Унинг Ўзи мени (Тўғри Йўлга) хидоят қилур” (Вас-соффа сураси, 99), дейилади.

Ҳазрати Мавлоно ҳам ақл кучи чегарали эканини эътироф қилиб:

“Ақл хастани табибга қадар етаклаб боради. Ундан кейинги ишлар табибга ҳаволадир”, дейди.

Хулоса: пайғамбарларнинг сирлари ақлдан ташқаридадир.

Раҳмат пайғамбари ҳаётларида назокат, шафқат ва ғамхўрлик

Кўплаб саҳоба ривоятига кўра Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) инсонлар ичида энг гўзал хулкли ва энг назокатли киши бўлганлар. Юзларидан табассум аримасди. Муборак чеҳраларидан нур порлаб турарди.



Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) шу қадар ҳассос қалбли эдиларки, бир куни бир одам ерга тупурганини кўриб, хафа бўлганларидан юзлари кизариб, юришдан тўхтаб қолдилар. Саҳобалар югурганча тупук теккан жойни ўраб олишди. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) шундан кейин йўлларида давом этдилар.

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мусулмонлар тоза кийим кийсалар Оллоҳ наздида устун бўлишларини таъкидлаб, оқ рангли кийим кийишни ва марҳумларни оқ матога кафанлашни тавсия қилар эдилар. Кийим чиройли бўлишига диққат қилганлар, аммо ортиқча безанишни ва соч-соқолни тартибсиз ўстиришни ёқтирмас эдилар. Бир кун масжидда ўтирганларида соч-соқоли тартибсиз бўлиб кетган бир киши ёнларига келиб ўтирди. Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қўллари билан бу кишига соч-соқолини тартибга келтиришни ишорат қилдилар. Бу одам амрни ерига келтирганидан кейин пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):

“Бу иш инсонларнинг шайтон каби соч-соқолини тартибсиз қилиб юришидан янада яхши эмасми?”, дедилар (Али ал-Қори. “Миркот”, VIII, 261).

Бир куни яна соч-соқоли тартибсиз ҳолда юрган бир кишини кўрганларида:

“Нега бу одам сочини ювиб, тарамайди?” дея сўраган эдилар.

Рухлари назокат билан тўла бўлгани учун у Зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) тартибсизликни ҳеч ҳам ёқтирмас эдилар.



Бир куни уст-боши тартибсиз ҳолда ёнларига кирган бир кишига:

“Мол-мулқинг борми? Ҳолу қудратинг қандай?” деб сўрадилар.

Унинг моддий имконияти етарли эканини билгач:

“Оллоҳ сенга мол-мулк берган экан, бу мол-мулкнинг асари сенда кўриниб турсин”, деб огоҳлантирган эдилар (Насайй. “Зийнат”, 54; Аҳмад ибн Ҳанбал, IV, 137).

Бошқа бир ҳадисда бундай келади:

“Оллоҳ қулига берган неъматининг асарини бу қули устида кўришни севади” (Аҳмад ибн Ҳанбал, II, 182).

Бу мисоллар Ислом динида қалб тозалиги билан зохирий гўзалликнинг бир-бирига мос бўлиши кераклигига очиқ-ойдин далилдир.

Янги ва чиройли кийим кийган бир мусулмон ғурур ва кибрга кетмаслик учун бу лутф Оллоҳдан эканини идрок этган ҳолда Ҳазрати Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) каби дуо қилиши лозим. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) янги кийим кийганларида:

“Ҳеч бир куч ва қувватим бўлмагани ҳолда бу кийимни менга кийгизган Оллоҳга ҳамд бўлсин! Оллоҳ, Сендан бу кийимдан ва уни кийиб қиладиган ишларимдан яхшилик келишини тилайман. Бу кийимдан ва уни кийиб қиладиган ишларимдан ёмон келишидан Ўзингга сиғинаман” (Абу Довуд. “Либос”, 1; Термизий. “Либос”, 29).

Шунингдек, янги кийим кийганда одамлар қаршисига ғурур, кибор ва манманлик билан чиқадиған кишилар қиёмат кунида разиллик кийимини кийишини айтиб,



бундай кишиларни жаҳаннам оловидан огоҳлантирган эдилар.

Абдуллоҳ ибн Амрдан (розияллоҳу анҳу) бундай ривоят қилинади:

“Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) урф-одат бўлган ҳеч бир ёмон сўзни оғзиларига олмасдилар ва: “Бу дунёда аҳамиятсиз бўлиб кўринган назокат охират кунида жуда аҳамият касб этади”, дер эдилар”.

Билол Ҳабашийни “Қора хотиннинг ўғли” дея ҳақорат қилган Абу Зарр Гифорийга:

“Эй Абу Зарр! Сен ҳали шахсида жоҳилия даври қолган киши экансан”, деган эдилар.

Бу сўзларни эшитган Абу Зарр (розияллоҳу анҳу) бошини ерга қўйиб:

“Эй Билол! Сен оёғинг билан бошим устидан босиб ўтмагунингча уни ердан кўтармайман!” деб хатосини бу шаклда тузатмоқчи бўлди.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) назокатлари туфайли меҳмонларига шахсан ўзлари икром кўрсатар ва хизмат қилар эдилар. Болалик давриларида ҳам ҳеч бир кишига назокатсиз муомала қилмаганлар. Фақир, етим, кимсасиз ва тул аёлларга шафқатли муносабатлари билан ҳам шуҳрат қозонган эдилар.

Анас (розияллоҳу анҳу) бундай ривоят қилади:

“Ўн йил Пайғамбарнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) хизматларида бўлдим. Ишимда камчилик кўринганида ҳам бирон марта менга: “Бу ишни шундай қилсанг эди”, деганларини эшитмадим” (Абу Довуд. “Одоб”, 1).



У Зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) асирларга ҳам шафқатли эдилар, бошқалардан ҳам уларга яхши муома-ла қилишни талаб этардилар.

* * *

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) болаларни жуда яхши кўрар, улар билан хазил-хузул қилишни ёқтирар эдилар.

Ойша онамиздан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинишича, бир бадавий Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига келиб:

“Эй Оллоҳ элчиси! Сиз болаларингизни ўпиб эркалайсизми? Биз болаларимизни ўпиб эркаламаймиз”, деди.

Бунга жавобан Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):

“Оллоҳ сенинг кўнглингдан марҳамат ва шафқатни чиқариб ташлаган бўлса, мен нима ҳам қилардим”, дедилар.

Бу воқеа Ислом дини қанчалик шафқатли дин эканини кўрсатади.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир тиззаларига Усома ибн Зайдни, иккинчи тиззаларига неваралари Ҳасанни (розияллоҳу анҳума) олиб, уларни бағриларига босганча:

“Эй Оллоҳ! Буларга раҳмат ва саодат насиб айла! Чунки мен уларга яхшилик ва саодат тилайман” (Бухорий. “Адаб”, 18; Муслим. “Фазойил”, 64), дейишлари ва болаларни



каргашни тақиқлашлари қалблари шафқат, марҳамат ва севгига тўла эканига ишоратдир.

Боласи йиғлаганда онаси қийин аҳволга тушиб қолмаслиги ва тезроқ унга қарай олиши учун намозни қискартиришга рухсат беришлари, узоқ кечалари кўзда ёш билан уммат учун дуо қилишлари, бутун умрларини инсонлар жаҳаннамдан қутулиши йўлида фидо қилишлари, у Зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) шафқатларининг ёрқин далилларидандир.

Раҳмат пайғамбарининг фақирларга нисбатан назокатлари

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) фақирларни моддий ночорликдан қутқариш учун уларга иложи борича ёрдам беришга ҳаракат қилар эдилар.

Абдуллоҳ ибн Амр бундай ривоят қилади:

“Бир куни Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) масжидга кирдилар. Фақир кишилар тўпланиб бир чеккада ўтиришган эди. Уларнинг кўнглини кўтариш учун ёнларига ўтирдилар. Сухбат асноси бундай дедилар:

“Фақир муҳожирларга яхши хабарим бор! Улар жаннат боғларига бойлардан қирқ йил олдин кирадилар. Фақирларнинг мол-мулклари бўлмагани учун уларнинг ҳисоб-китоби жуда эрта тугайди” (шунга ўхшаш ҳадислар учун қаранг: (Термизий. Зухд, 37; Доримий. “Риқок”, 118).



Қиёмат куни дунё молу мулкидан ҳисоб берилишини билганлари учун Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) доимо:

“Эй Раббим! Менга фақир киши ҳаётини насиб айла. Менга фақир киши сифатида ўлишни насиб қил. Мени фақирлар билан бирга қайта тирилтир”, дея дуо қилар эдилар (Термизий. “Зухд”, 37; Ибн Можа. “Зухд”, 7).

Барча пайғамбарга жаннат қафолатланган, лекин улар ҳам берилган неъматлар ва динни етказган-етказмаганлари хусусида сўроқ-саволга тутиладилар.

Аъроф сураси 6-ояти қаримасида пайғамбарлар ҳам савол-жавобга тортилиши бундай ифодаланган:

“Энди албатта пайғамбар юборилган кишилар билан ҳам, юборилган пайғамбарлар билан ҳам савол-жавоб қилурмиз”.

Шу боис ҳазрати Сулаймон (алайҳиссалом) у кишига мол-мулк ва салтанат берилгани учун ҳам ҳисоб-китоблари узоқ давом этади ва жаннатга бошқа пайғамбарларга қараганда кейинроқ кирадилар.

* * *

Саҳобалар ичида ҳам бой-бадавлат кишилар бор эди. Улар бор мол-мулки ва жонини Оллоҳ йўлида фидо қилганлари учун Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мақтовларига мушарраф бўлишган. Шунингдек, Жаноби Ҳақ ҳам улар ҳақида севинчли хабар берган:

“Албатта, Оллоҳ мўминларнинг жонларини ва молларини улардан жаннат баробарида сотиб олди...” (Тавба сураси, 111).



Пайғамбарнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) энг яқин дўстлари, Қуръони каримда “Икковлоннинг иккинчиси” дея таърифланган ва Қурайш қабиласининг энг бойларидан бири бўлишига қарамай оддий ҳаёт кечирган ҳазрати Абу Бакр (розияллоҳу анҳу) шундай кишилардан бири эди. Ҳазрати Ойша (розияллоҳу анҳа) айтишларича, оталари вафот қилганида у кишидан на бир дирҳам, на бир динор пул қолган. У кишидан қилич ясайдиган бир қул ва бир туя мерос қолган, холос. Бу қулини ҳам вафотидан кейин ҳазрати Умарга беришни васият қилган. У дунё молу мулкани, бутун бору йўғини Оллоҳ расулига армуғон қилган, бойлигини Ҳақ йўлида сарфлаган, хоссатан Исломнинг илк ва энг қийин йилларида азият ичидаги мусулмон қулларни сотиб олиб уларни озодликка чиқарган эди.

Унинг бой-бадавлат экани зухдига тўсиқ бўлмаган, аксинча, мол-мулкани тўғри йўлда ишлатиб, бойлик ичида зоҳидона яшашнинг ўрнагини кўрсатган эди. Шу учун ҳам Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):

“Абу Бакр мустасно ким бизга ёрдами теккан бўлса ҳаққини берганмиз. Лекин бизнинг наздимизда унинг шундай бир яхшилиги бор, бу яхшилик ҳаққини унга қиёмат куни Оллоҳ таоло беражак. Ҳеч кимнинг мол-мулкидан Абу Бакрнинг мол-мулкидан фойдаланганим каби фойдаланмадим. Агар бир киши билан дўст бўлишни истасам, мутлақо Абу Бакр билан дўст бўлган бўлур эдим” (Термизий. Маноқиб, 15), деб ҳазрати Абу Бакр-ни ва мол-мулкани таърифлаган эдилар.

* * *



Шукронли, тавозели ва жўмард бойлар билан сабрли ва ор-номусли фақирлар илоҳий розиликда тенгдирлар. Жўмардлик ва марҳамат инсонларни дунё мусибатларидан кўриб, охират саодатига олиб боргани каби, сабр заҳматларига бардош берганларни ҳам охиратда яхши кунлар кутади.

Куйидаги ҳадиси шариф ҳаётнинг турли саҳифаларида калбимизни такомиллаштириш учун зарур бўлган шукр ва сабр каби кадриятларнинг маъносини очиб беради:

“Мен ҳақиқатан бутун ишлари яхшиликдан иборат бўлган мусулмонларга ҳайрон қоламан. Бу хусусият мусулмонлардан бошқа ҳеч кимда йўқ. Чунки улар ўзларига неъмат насиб қилгаинда шукр қиладилар. Бу эса яхшилик демакдир. Бошларига мусибат тушганида сабр қиладилар. Бу ҳам яхшиликнинг бир кўринишидир” (Муслим, “Зухд”, 64).

Бир куни Мадинада Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига оч-ялонғоч бир қабила келди. Оёқлари яланг, терилари суякларига ёпишган. Уларни кўриб жуда қаттиқ таъсирландилар, ранглари ўзгариб кетди. Билолга (розияллоҳу анҳу) озон айтдириб, саҳобаларини тўпладилар. Мусулмонлар бу фақирларга ёрдам кўлини чўзиб, инфоқ-эҳсон қилишди (Муслим).

Жамият иқтисодий тузилишида бой, ўрғаҳол ва фақир кишилар бўлиши табиий. Қуръони каримда ҳам, ҳадиси шарифларда ҳам, Оллоҳ таоло пайғамбар ўлароқ танлаган шахсларнинг ҳаёт тарзида ҳам бундай кишилар исломий ўлчовлар ичида қандай ҳаёт кечиришлари лозимлиги кўрсатилган. “Фуқарои собирин ва ағнийи



шокирин” (сабр қилувчи камбағаллар ва шукр қилувчи бойлар) кўп мақталган икки гуруҳдир.

Гоя – Оллоҳ берган неъматларни Унинг йўлида сарфлаш, неъматлар берилмаса сабр қилишдан иборатдир.

Абдурраҳмон ибн Авф, ҳазрати Абу Бакр ва шунга ўхшаш кишилар шукр қилувчи бой-бадавлат кишилар, Абу Зарр ал-Ғифорий, Абуд Дардо каби мусулмонлар сабр қилувчи фақирлардан эдилар (ҳаммаларидан Оллоҳ рози бўлсин). Ҳар икки тоифанинг ҳаёт тарзи бир-бирига жуда яқин бўлиб, кўлларида бор-йўқ нарсаларнинг барчасини “Оллоҳнинг мулки” ўлароқ таърифлашарди. Шунинг учун ҳам Ислом динида фақирлар ва бойларнинг ўзаро душманлиги маъқул кўрилмайди, ҳар икки ҳолга ҳам шукр қилганларга охираат саодати хабари берилган.

Оллоҳ таоло одамларга улар заифларга ёрдам бергани ва ҳақларига дуо қилгани учун ҳам неъматлар эҳсон қилади. Бу ҳақда Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай деганлар:

“Оллоҳ умматимга заифларнинг дуоси ва ихлослари туфайли ҳам ёрдам беради” (Насай. “Жиход”, 43).

Бу ҳақиқатга энг олдин ўзлари уйғун ҳаракат этар, жангларга фақир мусулмонларнинг дуолари билан чиқар ва бу туфайли ғалаба келишини умид қилар эдилар. Аҳли Суфани муҳтожликда кўриб:

“Оллоҳ ҳузурида сизларга қандай неъматлар тайёрланганини билганларингизда, эҳтиёжларингизнинг бунчалик кўп бўлишини истамас эдиларингиз” (Термизий. “Зухд”, 43), дейиш билан фақирликни мақтаб, уларга муносабатларини билдирган эдилар.



Шунингдек, мусулмонларнинг у пайтлардаги иктисодий аҳволини кўз ўнгиларига олиб:

“Сақланадиган бир уй, ейдиган бир нон, маҳрам жойларини ёпадиган бир кийим ва ичадиган сувдан бошқа нарсаларни иташга инсониятнинг ҳаққи йўқдир” (Термизий. “Зухд”, 30; Аҳмад ибн Ҳанбал. I, 62), дейишлари, Кавсар ҳовузидан илк сув ичадиганлар муҳожирларнинг фақирлари эканини билдиришлари (қаранг: Термизий. “Қиёмат”, 15) ва Оллоҳ таолонинг ифбатли фақир бандаларини севишини изҳор қилишлари сабр ва таваккулнинг қадрини билдирадиган ифодалардир.

Яна бир ҳадиси шарифда:

“Ичингизда сочи-боши тўзиган, паришон кўринишли кишилар бор, улар қўлларини кўтариб Оллоҳга қасам ичсалар, Оллоҳ уларнинг қасамини бўш қолдирмайди (яъни, бундай кишилар Жаноби Ҳақ ҳузурда “ноз аҳли”дир. Улар Жаноби Ҳақдан бирон нарсани қатъият билан қасам ичиб сўрасалар Оллоҳ таоло уларнинг истагани ерига келтиради). Баро ибн Малик ҳам шундай инсонлардан бирисидир” (Термизий. Манокӣб, 54).

Анаснинг (розияллоҳу анҳу) укаси Баронинг на ейдиган бирон нарсаси ва на ётадиган бирон жойи бор эди. Жуда оз нарса билан ҳаёт кечирарди. Мана шундай кишилар, яъни фақирликка сабр ва таваккул қилиб яшаганлар қасам ичса, Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам), Оллоҳ таоло уларни ёлғончи қилмайди, деганлар.

Шунинг учун ҳам Баро (розияллоҳу анҳу) ҳазрати Умар (розияллоҳу анҳу) замонида жанглardan бирида мусулмонлар қийин аҳволда қолганида қўмондон ундан юқоридаги ҳадис асосида қасам ичишни қайта-қайта



талаб қилган ва у: “Оллоҳга қасам, эртага биз ғалаба қиламиз ва мен у жангда шаҳид бўламан!” деб қасам ичган эди.

Ҳақиқатан ҳам эртаси куни мусулмонлар ғалаба қозонди ва ҳазрати Баро шаҳидлик мартабасига эришиб Жаноби Ҳаққа қовушди.

Шу тариқа Ҳазрати Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мўъжизаларидан яна бири юзага чиқди.

* * *

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳаётлари ибрат берувчи тўғрилиқ, дурустлик, садоқат, шафқат, марҳамат ва назокат билан тўла эди.

Хотинлари Ойшага (розияллоҳу анҳа):

“Эй Ойша! Фақирларни сев! Уларга марҳаматли бўлки, Оллоҳ таоло охират кунда сенга ҳам марҳаматли бўлсин”;

“Эй Ойша! Ҳеч бир замон муҳтожлик туфайли эшигинга келган бирини бўш қайтарма! Яримта хурмо бериб бўлса ҳам ўзингни жаҳаннам азобидан қўри”, дер эдилар (Термизий.”Зухд”, 37).

* * *

Ислом такомилчи бир тизимдир. Бу сабабдан Ислом ўзидан олдинги мусбатларни рад этмайди, яхши томонларини ривожлантириб, ёмон томонларини тузатишга ҳаракат қилади. Ислом ўртага қўйган тамал йўриқлари билан эскининг мусбат томонларини ҳимоя қилишда бир зиддият кўрмайди. Бу йўриқ ислоҳга муҳтож



кирраларни йўқ қилишни эмас, ислоҳ қилишни маъқул кўради.

Ўзига ва даъвосига тўла ишонганларгина бу усулни қўллай олади. Яъни, жамият тартибини титратадиган лаҳзалик ўзгаришлар ўрнига ўз ислоҳотларини замони-га кўра тадбиқ қила олади. Натижада юз бериши мумкин бўлган салбий ишларнинг олди олинади.

Бу ислоҳотнинг энг ярқин мисоли Ислом динининг қулдорликка бўлган муносабатидир. Ислом дини зулмдан иборат бўлган қулдорлик тузумини ислоҳ қилиши туфайли фақат унинг исми қолди. Кейинчалик эса тамоман бартараф қилинди.

Фақат номга қараб хулоса чиқариб Ислом динининг қулдорлик тузуми тарафдори дейиш жаҳолат ва ғаразгўйликдан бошқа нарса эмас. Зеро, Исломнинг қуллар учун тадбиқ қилган қонун-қоидалари бугунги замонамизда саноат ишчиларининг ҳақ-хуқуқларидан устун.

Ислом дини турли гуноҳлар каффорати сифатида қулларни озод қилиш билан бирга, қулни ҳшжайинга мутлақ хизматкорлик вазифасидан ҳам озод қилди. Шу тариқа қулнинг бошқа инсонлардан фарқи қолмади. Шунинг учун ҳам Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қулларга ўзлари ейдиган таомдан едиришни, уларга ўзлари кийган кийимлардан кийдиришни тавсия қилар эдилар. Бу билан Ислом динининг бу соҳадаги илк тадбиқчиси бўлдилар.

Зулм тузуми бўлган қулдорлик Исломнинг марҳамат ва шафқат соясида ўзининг мавжудлигини йўқотди. Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) урушларда



асир тушган қулларнинг эгаларига уларга таълим-тарбия беришни, уларни озод қилиб, кейин уйлантириб қўйишни тавсия қилардилар. Қулларга ёмон ва қўпол муносабатда бўлганлар жаннатга кирмайди, дердилар.

Ислом динида олдин гуноҳнинг сабаби ўрганилади, гуноҳкорни тузатишга ҳаракат қилинади. Ислом ҳуқуқида жазо ота-она ўз боласини жазолантиришни эслатади. Бу ердаги ғоя инсонни ижтимоий ҳаётдан узоклатиш эмас, уни қайтадан жамиятга фойдали ҳолга келтиришдир.

Аббод ибн Шураҳбил исмли бир фақир киши қорни очиб кетганидан бировнинг боғига кириб пича хурмо олиб еди ва чўнтагига ҳам бир неча хурмо олди. Боғ эгаси уни ушлаб, калтаклади. Калтакдан озорланган Аббод Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига келиб, аҳволни баён қилди. Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) боғ эгасини чақиртириб:

“Бу одамнинг жоҳил эканини билмасмидинг? У нима қилиб қўйганини ҳам билмайди (яъни, сен олдин унга ўғит беришинг лозим эди). Қорни оч бўлгани учун унинг қорнини тўйдиришинг ҳам керак эди”, деб боғ эгасини огоҳлантирган эдилар.

Боғ эгаси қилган ишига пушаймон еди ва Аббодга хурмо билан бир халта буғдой ҳам берди.

Бунда ўғри ҳимоя этилмаяпти, балки бу жиноятга олиб келган муҳит ислоҳ қилиняпти. Ҳолбуки, Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай жиноят учун қизлари Фотиманинг (розияллоҳу анҳа) қўлини кесишдан ҳам қайтмасликларини билдирганлар.



Айниқса қулларга (урушда асир тушганларга) жуда шафқатли эдилар. Саҳобаларга:

“Улар сизнинг биродарларингиздир. Ўзларингиз еган таомдан уларга едиринг, ўзларингиз кийган кийимлардан уларга кийдиринг” (Муслим. “Айман”, 36-38), дер эдилар.

Қулларни озод қилишни таъкидлар, бунинг катта ибодат эканини билдирар эдилар. Бир куни Абу Зарр (розияллоху анху) қулига қаттиқ муомала қилганини кўриб қолдилар ва хафа бўлиб:

“Эй Абу Зарр! Сен ҳали ҳам жоҳилият одатларидан воз кечмадингми? – дедилар. Кейин: – Оллоҳ яратган кишиларга зарар берма. Феълингга мос бўлмаса, уни озод қил. Унга оғир иш қилдирма, агар бундай иш қилдирсанг, ўзинг ёрдамчи бўл”, дедилар (Муслим, “Айман”, 38).

Бир киши қулини чўрисига уйлантирган эди. Кейин уларни ажратгиси келди. Пайғамбардан (соллаллоху алайҳи ва саллам) маслаҳат сўраган эди: “Уйланиш ва ажралиш ҳуқуқи сенга оид эмас, бу ишга аралашма”, деган жавоб олди.

Пайғамбар (соллаллоху алайҳи ва саллам) қул эгаларидан қуллари айбини кечиритишни истар эдилар.

Бир чўри ун олиб келиш учун хўжайини берган пулни йўқотиб қўйди. Жазо олишдан кўрқиб, уйга кета олмай, йўлда йиғлай бошлади. Бу ҳолни кўрган Пайғамбар (соллаллоху алайҳи ва саллам) чўрига у йўқотган пул миқдорида пул бердилар. Лекин барибир хавотирланиб, чўри билан бирга эгасининг уйига қадар бордилар. Унга марҳаматли бўлиш ҳақида насиҳат қилдилар. Шу тариқа хўжайин чўрининг гуноҳидан кечди.



Бу борада ушбу ҳақиқатни ҳам таъкидлаб ўтишимиз лозим:

Ислом динида қулликка оид ҳукмлар борлигининг бир ҳикмати тамоман тугатилиши имконсиз бўлган урушлар ва уларни табиий натижаси бўлган ҳарбий асирлар масаласи борлигидир. Ислом дини шафқат ва марҳамат дини бўлгани учун ҳам ҳарбий асирларга хур инсонлар каби ҳуқуқ берилишини истайди. Шу сабабдан, масалан, Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қуллари Зайдни озод қилганларидан кейин ҳам Зайд у кишидан ажралмаган, отаси қайта-қайта ялинса ҳам, ватанига қайтмаган ва вафот этгунига қадар у Зотнинг ёнларидан айрилмаган.

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай деганлар:

“Қўл остингизда яшаб, овқтингизни тайёрлайдиганларнинг ҳаққини беринг. Улар билан бирга овқатланинг. Бундай қила олмасангиз, бир луқма овқатни мойга ботириб, уларга беринг. Уларга иззат-икром кўрсатинг.

Оллоҳ таоло уларни сизга хизматчи қилиб тайинлагандир. Оллоҳ истаганда эди сизларни уларга хизматчи қилган бўлурди” (Ғаззолий. “Кимёи саодат”).

Шунинг учун кўп саҳоба банда ҳаққидан кўрқиб қулини озод қилиб юборган. Ислом дини ўзининг бу сиёсати билан инсоният тарихида мисли кўрилмаган бир фазилат армуғон этганди.



Раҳмат пайғамбарининг аёлларга муносабатлари

Жоҳилият даврида аёллар хўрлик устига хўрлик кўриб яшарди. Катта бўлганида фоҳиша бўлиб кетади деб айрим зодагонлар қиз чақалоқларини тириклай кўмиб ташлар эди. Тошга айланган юраклар жаҳолат туфайли бир мусибатдан кутулиш учун ундан-да баттарроқ жиноятга қўл урар эди. Бу ҳақда Қуръони каримнинг Наҳл сураси 58-оятисида бундай марҳамат қилинади:

“Қачон бировларига қиз (кўргани ҳақида) хушхабар берилса, ғазабга тўлиб, юзлари қорайиб кетар”.

Чўриларга эса кадр-қийматсиз кўғирчоқ каби қаралар эди. Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) амрлари билан аёллар учун ҳуқуқлар жорий этилди. Аёллар жамиятда иффат ва фазилат ўрнагига айландилар. Оналик шараф мартабасига кўтарилди. “Жаннат оналар оёғи остидадир (Аҳмад ибн Ҳанбал, III, 429), ҳадиси шарифи билан аёллар лойиқ мартабага чиқарилди.

Хоссатан, Пайғамбарнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) аёлларга муносабатлари қандай бўлаганини ушбу мисолдан ҳам кўрсак бўлади:

“Бир саёҳат давомида Анжаша исмли қул кўшиқ хиргойи қилиб, туяларнинг юришини тезлаштирди. Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) югуриб бораётган туялар устида ўтирган аёлларнинг қийин аҳволга тушиб қолганларини кўриб: “Эй Анжаша! Дикқатли бўл, шишалар синмасин!”, дедилар” (Бухорий. “Олоб”, 95).

Бошқа бир ҳадисларида бундай келган:



“Менга бу дунёда аёллар ва муаттар ҳид сеvimли қилинди. Намоз эса кўзимнинг нури бўлди” (Насий. “Иш-ротун-нисо”, 10; Аҳмад ибн Ҳанбал. III, 129).

Ҳаёт бахт ва ҳузур ичида ўтишида солиҳа аёллар аҳамияти катта. Солиҳа аёл уйидаги мол-мулкни кўриydi, уйни тартибга солиб, насл ва номусларни муҳофаза қилади. Оилага руҳоний кайфият беради.

Оилада бахтиёрлик оналарнинг юзидаги табасум билан бошланади. Болалар йўлиққан ҳар хил қийинчиликлар уларнинг шафқатли нигоҳида эриб кетади. Фарзандларига саодат ва ҳаёт нуруни она қалбидек акс эттирадиган бошқа кўзгу борми?

Оналар Оллоҳ таолонинг марҳаматидан энг кўп насиб олган. Уларнинг бахти, фазилати оналик билан бошланади. Шунинг учун ҳам “Жаннат оналар оёғи остидадир” ҳадиси шарифи аёллар учун айтилган энг буюк илтифот ҳисобланади.

Муаттар ҳидлар – руҳларни шодлантирадиган бир омилдир. Фаришталар ҳам муаттар ҳидларнинг шайдосидирлар.

Намоз ўқиш эса Оллоҳ таоло билан банда ўртасидаги мулоқотдан иборат бўлиб, руҳнинг меърожга чиққан онидир.

Ҳадиси шарифларда:

“Сизнинг орангизда энг хайрли кишилар оилаларига энг гўзал муомала қилган кишилардир” (Ибн Можа. “Никоҳ”, 50; Доримий. “Никоҳ”, 55); “Кижининг ўз нафси, оиласи, болалари учун қилган инфоқи садақадир”, дейилади.



Бу орқали Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) соғлом оила фақат муҳаббат тамали устига курилиши мумкинлигини ифода қилганлар.

Раҳмат пайғамбарининг хайвонларга муносабатлари

Жоҳилият даври одамлари хайвонларга шафқатсиз муносабатда бўлишарди. Тирик хайвонларни раҳмсизларча гўштини ва думни кесиб еяверишар, хайвонларни ўзаро уруштириб мусобақа ташкил этишар эди.

Виждонларни тирнайдиган бундай манзараларга Ҳазрати Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) нуқта қўйдилар.

Бугун ҳам содир бўлиб турадиган хўроз, туя ва хўкиз уриштириш каби тамошалар жоҳилият давридан қолган хунук мерослардир.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир куни йўлда юзига тамға урилган эшак кўрдилар ва:

“Уни тамғалаганларга Оллоҳнинг лаънати бўлсин” дедилар (Бухорий. “Забонх”, 25).

Қуш уясидан тухум олган саҳобага:

“Бу тухумдан жўжа чиқади. Уни жойига қўй”, дедилар.

Очликда териси суягига ёпишиб қолган туя эгасига:

“Тили йўқ бу хайвонлар ҳақида Оллоҳдан кўрк”, деган эдилар.



Абдуллоҳ ибн Жаъфар (розияллоҳу анҳу) ҳикоя қилади:

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир куни ансордан бирининг боғига кирдилар. У ерда бир туя боғлаб кўйилган экан. Туя Оллоҳнинг элчисини (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кўриб олдинига ингради, сўнг кўзидан ёш кела бошлади. Оллоҳ элчиси (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) туя ёнига бориб бошини силадилар. Шунда туянинг кўзёшлари тўхтади. Кейин Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) туя эгасини излаб топдилар ва унга:

“Сенга бу ҳайвонни мулк қилиб берган Оллоҳдан кўркмайсанми? Бу туя сенинг уришингдан шикоят қилди”, дедилар.

Бошқа ҳадиси шарифда эса:

“Сенга кимлар жаҳаннамдан ва жаҳаннам ҳам ундан узоқ бўлишини айттайми? – деб сўрадилар ва кетидан: – Улар нозик, шафқатли, марҳаматли, одамижон ва юмшоқ феълли кишилардир” (Аҳмад ибн Ҳанбал. I, 145), дедилар.

* * *

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) раҳмли ва раҳмсиз кишиларни бундай таърифлаганлар:

“Гуноҳкор бир аёл чўлда сувсизликдан тили билан кумни ялаётган бир итни кўрди. Унга меҳрибонлик билан ковушида сув келтириб чанқоғини кетказди. Жаноби Ҳақ ҳам бу аёлнинг гуноҳларини кечирди. Бошқа аёл эса мушугига эътибор бермай уни оч қолдирди (Ҳатто ердаги ҳашоратларни ейишга ҳам имкон бермади). Натижада мушук очликдан ўлди. Бу аёл раҳмсизлиги ту-



файли жаҳаннамга йўл олди” (Бухорий. “Анбиё”, 54; Муслим. “Салом”, 151, 154; “Бирр”, 133; Насайи. “Қусуф”, 14).

Бу икки ҳадис ўртага қўйган ҳақиқат шуки, комил бир мусулмоннинг марҳамати ваҳший ҳайвонларни ҳам ўз ичига оладиган даражада кенг бўлиши керак. Шунинг учун ҳам Ислолда илон ва чаён каби инсон ҳаёти учун таҳликали бўлган ҳайвонларни азоб чекмаслиги учун бир уришда ўлдиришга буюрилган. “Икки уришда ўлдирган янада оз, уч уришда ўлдирган ундан-да оз савоб олади”, дейилади (Имом Ғаззолий. “Кимёи саодат”).

Зарарли ҳайвонларни ўлдиришда ҳам марҳаматли бўлишнинг тавсия қилиниши чексиз шафқатга намуна эмасми?

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳайвонларга шафқатсиз муносабатда бўлишни севмаганлари каби уларни баддуо қилишни ҳам тақиқлар эдилар. Шунинг учун ҳам Батнубуват ғазвасига кетаётганда ансордан бир киши туяга миниш навбати унга етганида секин кетаётган туяни лаънатлади. Шунда Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) у ансорийни туядан тушириб, бундай дедилар:

“Ортиқ лаънатланган туя билан бизга йўлдош бўлма! Асло нафсларингизни, бола-чақа ва молларингизни баддуо қилманглар” (Муслим. “Зухд”, 74).

Бу ҳадиси шариф Ислол динидаги марҳаматнинг сўнгисизлигига ишоратдир.

Махлуқотга марҳамат ва шафқатни амр қилган Ислол динининг жамятдаги натижасини ғарблик саёҳатчи Клауд Фарер бундай таърифлайди:



“Истанбулга борганингизда мусулмон ёки ғайримусулмон маҳаллада кетаётганингизни у ердаги итлар ва мушукларнинг сизга муносабатидан билиб олишингиз мумкин. Агар мушук ва итлар сизга яқинлашиб сиз билан ўйнай бошласа, билингки, бу мусулмон маҳалласидир. Агар улар сизни кўрганда ўзларини химоя қилиб, хурпайиб олсалар, бу ғайримуслимлар маҳалласидир”.

Насроний саёҳатчи тасдиқлаган бу ҳол “Яратган туфайли яратилганларга марҳамат, шафқат ва севги кўрсатиш” коидасининг аксидир.

Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ахлоқлари билан ахлоқланиб “Орифлар султони” деган унвон олган Боязид Бистомийнинг ушбу ҳоли бунга қандай яхши ўрнақдир:

Бир куни Боязид бозордан ўта туриб бир хачирни ўласи ҳолда ураётганларини кўриб қолади. Таёқ зарбидан ҳайвоннинг орқасидан қон кела бошлайди. Буни кўрган Боязид Бистомий изтиробга тушади. Ҳайвоннинг аҳволига шу қадар ачинадики, шафқати туфайли унинг ҳам болдиридан қон оқа бошлайди.

Бир мусулмоннинг мумтоз сифати марҳаматли бўлишдир. Бир ишга қўл уришдан олдин айтилган “бисмиллоҳ” Оллоҳнинг марҳамат эгаси эканини хотирлатади. Марҳаматли бўлиш мусулмон шахсининг айрилмас хусусиятидир.

Оллоҳ дўстларидан Фудайл ибн Иёднинг ушбу ҳоли мўмин кишининг қалби қандай бўлишига нақадар гўзал ўрнақдир:



Уни йиғлаётган ҳолида кўришди.

– Нега йиғламоқдасиз? – деб сўрашди.

– Менга зулм қилган бир мусулмонга жоним ачиганидан йиғламоқдаман. У қиёмат куни расво бўлишидан қайғудаман, – деб жавоб берди.

Бутун бу ҳоллар муҳаммадий қалб тарбиясининг инжа ўрнакларидир.

Шунинг учун ҳам Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир гал:

“Сиз ердагиларга марҳаматли бўлингки, кўкдаги Зот ҳам сизга марҳаматли бўлсин” (Термизий. “Бирр”, 16), деган эдилар.

Раҳмат пайғамбарининг етимларга муносабатлари

Қуръони каримда етимларнинг ҳаққини кўриш ҳақида оятлар келган:

“Бас, энди сиз ҳам етимга қаҳр қилманг” (Ваз-зуҳа сураси, 9).

Ҳадиси шарифда бундай дейилади:

“Энг яхши уй етимнинг боши силанган уй, энг ёмон уй етимнинг кўзёши оққан уй” (Ибн Можа. “Адаб”, 6).

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) доимо саҳобалардан бундай деб сўраб турар эдилар:

“Бугун бир етимнинг бошини силадингизми? Бир касални зиёрат қилдингизми? Бир жанозада иштирок этдингизми?” (Табароний. “Соҳибул Жомъ”, 80);



“Ким қўл остидаги етим қиз ва болага яхши қараса, у ва мен жаннатда мана бундай бирга бўламиз” (Бухорий. “Адаб”, 24), деб икки бармоқларини жуплаб кўрсатар эдилар.

Бир кишининг меҳрсиз эканидан шикоят қилинганида, Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) унга бағритошликдан кутулиш чораси сифатида:

“Етимнинг бошини силасин, фақирларнинг қорнини тўйдирсин”, деб тайинлаб юбордилар (Аҳмад ибн Ҳанбал. II, 263).

Ҳазрати Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дунёга келибқ етим қолишлари билан етимлик дунё ва охирада иззат ва шарафга эга бўлди.

Шоир Муҳаммад Арслон ушбу мисраларида етимларнинг ҳолини қандай гўзал таърифлайди:

“Етимнинг эгаси Оллоҳдир,
Етимни ранжитиш гуноҳдир.
Етимни кучсиз деб ўйлама,
Етимнинг кўзёши силоҳдир”.

Раҳмат пайғамбарининг қўшни ҳаққи хусусидаги тавсиялари

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қўшнилари узоқ вақт ҳақида жуда диққатли бўлишга даъват қилар эдилар:

“Жаброил менга доимо қўшни ҳаққини беришни тавсия қиларди. Аҳвол шу даражага борар эдики, мен ўлсам қўшнилари мол-мулкимдан мерос олсалар керак деб ўйлар эдим” (Бухорий. “Адаб”, 28; Муслим. “Бирр”, 140);



“Сизда кофир қўшнингизнинг бир, мусулмон қўшнингизнинг икки ҳаққи бор. Ҳам мусулмон, ҳам қариндош қўшнингизнинг эса уч ҳаққи бор” (Суютий. “Жомийус сағир”, I, 146).

Қўшинининг деразасидан қарамаслик, овқат ҳиди билан унга азият бермаслик, унга ёқмайдиган ҳаракатларни қилмаслик қўшни ҳақларидандир.

Саҳоба Абу Зарр Ғифорий (розияллоҳу анху) бундай деган:

“Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) овқат пиширганимда унга кўпроқ сув қўйишни ва қўшниларга инфоқ қилишимни амр қилдилар” (Ибн Можа, “Атғума”, 58).

Абу Зарр Ғифорий саҳобалар ичида бир фақир киши эди. Уйда бўлса ўзига етадиган миқдорда озиқ-овқат бўлар, овқатига фақат сувни кўпроқ қуя олиши мумкин эди. Ҳадиси шарифда йўқсиллик ҳам қўшни ҳаққига амал қилишга тўсик бўла олмаслиги таъкидланмоқда.

* * *

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) нафақат тирикларга, ўтганларга нисбатан ҳам марҳаматли эдилар.

Бу оламдан ўтган киши учун энг буюк андиша унинг тириклигида бировдан олиб тўлай олмаган қарзлари, яъни банда ҳаққидир. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир кишининг жаноза намозини ўқишни бошламасдан олдин унинг қарзи бор-йўқлигини сўрар, бўлса, эгасига қайтарилганидан кейингина жаноза намозини ўқир эдилар.



Ўлик бўйнида қарз, яъни, банда ҳаққи билан қабрга кетиши Пайғамбаримизни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) жуда ҳам ташвишлантирарди.

У Зот мана шундай буюк бир марҳамат ва шафқат пайғамбари эдилар.

Раҳмат пайғамбарининг душман ва кофирларга муносабатлари

Абу Басра ал-Ғифорий мусулмон бўлишдан олдинги аҳволи ҳақида бундай ҳикоя қилган:

“Мадинага келиб Пайғамбарнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) меҳмони бўлдим. У кеча етти эчкининг сунтини мен ичдим. Менинг бу очкўзлигимга Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳеч бир нарса демадилар. Ўзлари у кеча оч ётдилар, юзларида хафагарчилик ва норозилик аломати йўқ эди. Бундай улуғ ахлоқдан таъсирланиб мен ҳам мусулмонликни қабул қилдим...”

Пайғамбармиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бутун оламларга раҳмат ўлароқ юборилганлари учун у Зотнинг севги ва марҳаматлари бутун жонлиларга бирдай улашлар эди.

Бир куни у Зотдан бирини баддуо қилишлари истанилди. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):

“Мен дунёга кишиларни баддуо қилиш учун юборилмадим. Мен раҳмат пайғамбариман” (Муслим. “Фадойил”, 126; Термизий. “Да’ават”, 118), дедилар.



Ислом динини ёйиш учун Тоифга борганларида жоҳил, бутпараст ва худбин Тоиф халқи у Зотга тош ота бошлади. Ҳазрати Жаброил пайғамбаримизга:

“Шу икки тоғни бу халқнинг устига йикитиб уларни ҳалок қилайми?”, деганларида Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бунга рози бўлмай, ўзларига тош отаётган халқ ҳақида:

“Эй Оллоҳ, бу қавми тўғри йўлга бошла! Мен бу халқнинг наслдан мўмин бир умматим бўлишини истайман”, деб дуо қилдилар. Бу дуо соясида Тоиф халқи орадан кўп ўтмай мусулмонликни қабул қилган эди.

Раҳмат пайғамбарининг кечирувчанликлари

Жаноби Ҳақ кечирувчанларни севади. Банда қилган хатолари туфайли қалбдан изтироб чекадиган бўлса, Жаноби Оллоҳ унинг тавбасини қабул қилади. Қуръони каримда ҳам кўп ерда: ”Оллоҳ таоло мағфиратлидир ва бандаларининг мағфират қилиниши истайди”, дейилди.

Мағфиратнинг шарти пушаймон бўлиб, Оллоҳнинг амрларига итоат қилиш ва ҳаром ишлардан узоқ туришдир.

Кечиришнинг энг гўзал ўрнақларини Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳаётларида кўрамиз. Уҳуд жангида амакилари ҳазрати Ҳамзанинг (розияллоҳу анҳу) жигарини тишлашгача бориб етган Ҳиндни Макка фатҳ қилинганидан кейин имонга келгани учун кечи-



риб юборган эдилар. Ҳинд Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) орқа тарафларига ўтиб:

“Ё Расулуллоҳ, мени танидингизми?” деган эди.

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Ухуд жангидан беш йил ўтган бўлса ҳам Ҳинднинг севинч кичқириғини унута олмаганларини билдириш учун:

“Мен у кичқирикни унута оламанми?” дея жавоб берганлар. Аммо калимаи тавҳид ҳурмати Ҳиндни кечирган эдилар.

Шунингдек, фатҳдан кейин нима бўлишини қизиқиб қутаётган Макка халқидан:

“Эй Қурайш аҳли. Энди сизга қандай муносабатда бўлишимни кутмоқдасиз?” деб сўрадилар.

Қурайшликлар: “Биз сендан хайр кутамиз, яхши муносабатда бўласан деб ўйлаймиз. Чунки сен карам ва яхшилик эгаси бўлган биродаримизсан. Карам ва яхшилик эгаси бўлган кишининг ўғлисан”, дейишди.

Бунга жавобан Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):

“Мен ҳам ҳазрати Юсуф ўз акаларига айтган сўзларни сизга айтишни истайман: Бугун сизлар учун ҳеч қандай айблов йўқдир. Боринглар, барчангиз озодсиз”, дедилар.

Абу Жаҳлнинг ўғли Икрима Ислом динининг ашаддий душманларидан эди. Макка фатҳ қилинганидан кейин Яманга қочди. Хотини мусулмонликни қабул қилди, эрини ҳам Маккага қайтарди, сўнгра биргалашиб Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) хузурларига келди. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Икримани хурсанд кутиб олдилар ва:



“Эй кўчманчи суворий, хуш келдинг!” дедилар ва мусулмонларга қилган зулмларини юзига солмай уни афв қилдилар.

Ҳабир ибн Асад ҳам Ислом дини душманларидан эди. Маккадан Мадинага хижрат қилинаётган пайтда қасддан Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қизлари Зайнабни (розияллоҳу анҳа) туядан итариб йиқитган, Зайнаб хомилали бўлгани учун боласи тушиб, ўзи оғир шаклда яраланган эдилар. Ҳабир ибн Асад бунга ўхшаш яна кўп жиноят содир этган эди. Макка фатҳ қилинганидан кейин қочмоқчи бўлди, лекин эплай олмади. Кейинчалик имонга келиб, Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига келди. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уни кечирдилар.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) доимо:

“Оллоҳ, умматимни кечир, чунки улар билмайди”, (Ибн Можа. Манасик, 56; Аҳмад ибн Ҳанбал. IV, 14), деб дуо қилардилар.

Ҳаммама исмли киши мусулмонликни қабул қилганидан кейин Макка мушриклари билан тижорий алоқаларини тўхтатиб қўйди. Маккаликлар бу ҳолдан шикоят қилишди. Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Ҳаммамага хат ёзиб, тижорат ишларини давом эттиришини тайинладилар. Ҳолбуки, бу мушриклар уч йил бўйича мусулмонларни очлик ичида азоб чекишга мажбур қилган эди. Шунга қарамай, Оллоҳ элчиси (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) буларни ҳам кечирдилар. Бундай фазилат қаршисида улар барчаси кейинчалик мусулмон бўлди.



Ҳайбарда бир яҳудий аёл Оллоҳ элчисининг овқатларига заҳар солди. Овқатни оғизга солганларидан кейин унинг заҳарли эканини билиб қолдилар. Яҳудий аёл айбини бўйнига олди. Лекин барибир Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу аёлни ҳам кечириб юбордилар. Чунки Қуръони каримда:

“(Эй Муҳаммад,) марҳаматли бўлинг, яхшиликка буюринг ва жоҳиллардан юз ўгининг” (Аъроф сураси, 199), дейилган.

Ҳазрати Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Қуръон ахлоқининг жонли ўрнаги эдилар. Ўзларига қарши қилинган бутун жиноятларни тараддуд этмасдан кечириб юборардилар. Лекин жамиятга қарши қилинган жиноятларни ҳақ ғолиб келгунга ва эгаси ҳаққини олгунга қадар таъқиб этар эдилар.

Саҳобалар ичида энг яхши кўрганлари Усома (розияллоҳу анҳу) орага тушиб, машҳур бир оиланинг ўғрилиқ қилган қизини афв қилишларини сўраб мурожаат қилганида Пайғамбарамиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) хафа бўлганларидан юзлари сарғайиб кетди ва қатъий бир тарзда:

“Бу ўғрилиқни қизим Фотима қилганида ҳам қўлини кесган бўлардим” (Бухорий. “Худуд”, 12), дедилар.

Раҳмат пайғамбарининг жўмардликлари

Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу) Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) жўмардликлари ҳақида бундай деган:



“Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) инсонларнинг энг жўмарди эдилар. Айниқса, рамазон ойида янада бўлиб кетардилар. Умирлари давомида ўзларидан бирон нарса сўраган кишининг кўлини қурук қайтармаганлар” (Бухорий. “Байдул-вахий”, 5-6; Насоий. “Сий-ам”, 2).

Пайғамбаримизнинг ахлоқий хусусиятларидан бири ҳам шу – бирон нарса сўраган кишининг кўлини қурук қайтармаслик, ҳеч бўлмаганда табассум билан муҳтож кишининг кўнглини олиш. Бунга мисол тариқасида ушбу воқеани келтириш мумкин:

“Бир болача Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига келиб, онаси бир кўйлак сўраётганини айтди. У пайтлар Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) устларидаги кўйлақларидан бошқа кўйлақлари йўқ эди. Болага бошқа пайт келишини айтиб қайтариб юбордилар. Лекин кўп ўтмай бола қайтиб келди ва онаси Пайғамбардан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўша кийиб юрган кўйлакни беришларини сўраганини айтди. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳужраи саодатга кириб кийиб юрган кўйлақларини ечиб болага бердилар.

Бу вақтда Билал (розияллоҳу анҳу) азон чақири бошладилар. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кўйлаксиз қолганлари учун жамоат ҳузурига чиқа олмадилар. Саҳобалардан бир қисми ажабланиб ҳужраи саодатга киришди ва Пайғамбарни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кўйлаксиз ҳолда кўришди” (“Тафсири Ҳозин”, ҳазрати Жобирдан).



Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўзларини бир инфоқ-эхсон ходими ўрнида кўрар, ҳар нарсанинг эгаси молу мулкни берган Оллоҳ эканини таъкидлашдан чарчамас эдилар. Бир куни ёнларига бир киши келиб, у Зотга тегишли эчкилардан бирини истади. Барча эчкиларни бериб юбордилар. Бу одам қавмига қайтиб ҳайрат билан:

“Муҳаммад камбағал бўлиб қолишдан қўрқмайдиган даражада жўмард экан!” деди.

Яна бир киши келиб Пайғамбаримиздан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир нарсалар беришларини сўради. Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) беражак бир нарсалари йўқ эди. Бирор кишидан қарз ол, қарзингни мен ўтаб бераман ваъда бердилар.

Иброҳим (алайҳиссалом) каби, ҳеч бир замон овқатни ёлғиз ҳолда, меҳмонларсиз емас эдилар. Вафот қилган кишиларнинг қарзларини тўлатар ёки ўзлари тўлар эдилар. Қарзи тўланмаганларнинг жаноза намозини ўқимасдилар. Бир гал бундай деганлари ривоят этилади:

“Жўмард инсон Оллоҳга, жаннатга ва инсонларга яқин, жаҳаннам оловидан узоқдир. Хасис эса Оллоҳдан, жаннатдан, инсонлардан узоқ, жаҳаннам оловига яқиндир” (Термизий. “Бирр”, 40);

“Ҳақиқий мусулмонда мана шу икки сифат асло бўлмайди: бири хасислик, иккинчиси ёмон феъллик”, (Термизий. “Бирр”, 41).

Ўзларининг ҳиссаларига тушган ғаниматни кишиларга тарқатиб бермагунларича тиниб-тинчимасдилар.



Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) вафот қилганларида у Зотдан бир арпа нони мерос қолган эди. Ойша онамиз (розияллоҳу анҳа) бу ноннинг баракаси ҳақида:

“У билан узок вақт эҳтиёжимни қаршиладим”, деган эдилар.

Раҳмат пайғамбарида самимият, тўғрилиқ ва дурустлиқ

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) гуноҳ, савоб, амр ва наҳий нима эканини билмаган кишилар ҳолидан хафа бўлардилар. Эшикма-эшиқ юриб Оллоҳнинг динини тарғиб қилар эканлар, баъзан жоҳил кимсалар эшигини у кишига очмас эди. Шундай паллалари у Зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўзларига қарши қилинган ҳурматсизликлардан эмас, бу жоҳил кишиларнинг ғафлати учун хафа бўлардилар. Бундайларга:

“Мен (Қуръонни етказганим учун) сизлардан бирон ажр-ҳақ сўрамайман...” (Сод сураси, 86), дейиш билан бу ишларни фақат Оллоҳ ризоси учун қилаётганларини таъкидлар эдилар.

Тўғрилиқ ва дурустлиқда ҳеч ким Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) даражаларига ета олмаган.

Ўзлари етим бўлиб ўсдилар. Амакилари Абу Толибнинг ёнида тижорат ишларини ўргандилар. Олди-сотдидаги тўғрилиқлари билан машҳур бўлиб, Макка аҳли у



Зотга жоҳилият даврида ҳам “ал-Амин” (ишончли) деб таъриф берган эди.

У кишини фақирлар ҳам, бойлар ҳам “ал-Амин” дерди. Макканинг энг шарафли аёлларидан Хадича (розияллоҳу анҳа) ҳам у Зотнинг дурустликларига ҳайрон қолган, ўзига уйланишни у кишига таклиф қилган эди.

Хадича онамиз (розияллоҳу анҳа) ҳаётлари давомида Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ёрдамчилари бўлдилар. Илк ваҳий келиши билан ҳайрат ичида қолган Пайғамбаримизга тасалли бериб, тинчлан-тирган ҳам шу онамиз эдилар.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) топ-тоза ҳаёт кечирдилар. Пайғамбарликларини нафсига учиб қабул қилмаган кишилар ҳам виждонан у кишининг самимиятларини тасдиқлаш мажбуриятида қоларди.

Ислом нозил бўлганидан кейинги 1400 йиллик вақт ичида Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дурустликларини инкор қилган киши бўлмади.

Ислом душманлари бўлмиш яҳудийлар ҳам ўзаро келиша олмай қолганида Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига келарди. Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) улар ихтилофга тушган масалаларни чиройли ҳал қилиб берардилар. Яъни, у Зот яҳудий ва насронийларга нисбатан ҳам одил муносабатда бўлар эдилар.

Ҳазрати Алига (розияллоҳу анҳу) адолат ҳақида:

“Ихтилофга тушган ҳар икки тарафни эшитмай туриб қарор берма! Чунки тўғри қарорни ҳар икки тараф-



ни эшитгандан кейин бера оласан” (Аҳмад ибн Ҳанбал. I, 90), дея насиҳат қилганлар.

Маккадан Мадинага ҳижрат қилар эканлар, ўзларига омонат қўйилган тақинчоғу зеб-зийнатларни эга-эгаларига қайтариб бериш учун ҳазрати Алини вакил қилиб тайинладилар.

Душманлари ҳам у кишининг дурустликларига ҳайрон қолишар эди.

Раҳмат пайғамбарда ҳаё

Саҳобалар айтишларича, Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бошига рўмол ўраган қиздан ҳам ҳаёлироқ эдилар. Ҳеч бир замон баланд овоз билан гапирмасдилар. Одамлар ёнидан секин, табассум билан ўтардилар. Ўзларига ёқмаган қўпол сўз эшитганларида ҳам одамларнинг юзига қараб бир сўз айтмасдилар. Юзидаги ифодалар у кишининг ҳолидан хабар бергани учун яқинлари сўз ва ҳаракатларига диққат қилардилар. Ҳаёллари сабаб бўлиб, бирон марта ҳам қаҳқаҳа отиб кулмаган эдилар. Фақат табассум билан чекланардилар.

Бир ҳадиси шарифларида:

“Ҳаё имондандир ва ҳаёли киши жаннатдадир. Ҳаёсизлик бағритошлиқдандир, бағритош кишилар эса жаҳаннамдадирлар” (Бухорий. “Имон”, 16), деган эдилар.

Бошқа ҳадисларида эса:

“Ҳаё ва имон бир орададир, бири кетса, иккинчиси ҳам қолмайди” (Суютий. “Ал-Жомиус-Сағир”, I, 53), дейиш билан ҳаёнинг аҳамиятини таъкидлаганлар ва:



“Қўпол сўз айбдан бошқа нарса келтирмайди. Ҳаё ва одоб эса борган жойларини зийнатлайди” (Муслим. “Бирр”, 78; Абу Довуд. “Жиход”, 1), деган эдилар.

Ҳақиқий ҳаё “ўлимни эслаш” билан қўлга киритилади. “ўлимни эслаш” эса дунёга муҳаббатни қалбдан чиқаришга сабабдир.

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) саҳобаларини доимо Оллоҳдан том ҳаё қилишга чақирар эдилар. Бир марта саҳобалар Оллоҳга қарши давомли ҳаё ҳолида ҳамд қилишларини айтишганида Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳақиқий ҳаё шунингдек вужуднинг бутун аъзоларини ҳаромдан қўриш, ўлимни доимо эсда тутишдан иборат эканини айтган эдилар ва охиратни орзу қилган кишининг бу дунё севгисини тарк қилишини ва фақат шу ҳолда Оллоҳ қаршисида ҳақиқий ҳаёли бўлиш мумкинлигини таъкидлаган эдилар (Термизий. “Сифатул киёма”, 24)

Раҳмат пайғамбарининг одамларнинг яхшилигини истадаги хассосиятлари

Ҳазрати Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) одамлар чеккан азиятдан алам туйибгина қолмай, улар муваффақиятга эришганида ҳам хассослик кўрсатар эдилар. Қуръони каримда Пайғамбарнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу сифатлари ҳақида бундай марҳамат қилинади:

“(Эй инсонлар,) Ахир сизларга ўзларингиздан бўлган, сизларнинг қулфат-машаққат чекишингиздан қийналувчи, сизларнинг (Тўғри Йўл – Ҳақ динга



келишингизга) **харис-ташна бўлган бир пайғамбар келди-ку**” (Тавба сураси, 128).

Бу оятда Оллоҳ таоло Ўз пайғамбарини Ўзига хос бўлган “Рауф ва Марҳаматли” исмлари билан тақдим этади.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) доимо одамларга ютуқ тилар эдилар. Қачон уларни агар ўз фазилат ва яхшиликлари га лойиқ ишлар қилаётганини кўрсалар, бундан хузур ва сурур туяр эдилар.

Оллоҳ элчисининг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай эришиб бўлмайдиган ахлоқлари қобиляти ва қанчалик севишига қараб саҳобалари шахсида ҳам намён кўринган. Ҳазрати Усмонни (розияллоҳу анҳу) Ҳудайбия жангида Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) элчи қилиб Маккага юборган эдилар. Ҳазрати Усмон мушрикларга Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ва саҳобалар Каъбани тавоф учун келганларини айтганида мушриклар фақат у кишининг ўзига тавоф қилишга рухсат берди. Лекин ҳазрати Усмон (розияллоҳу анҳу):

“Оллоҳ элчиси тавоф қилмагунларича мен ҳам тавоф қилмайман. Ҳазрати Пайғамбар қабул қилинмайдиган жойда мен ҳам йўқман!” деб бу таклифни рад этганлар.

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу вақтда саҳобаларнинг байъатларини қабул қилаётган эдилар. Ҳазрати Усмон (розияллоҳу анҳу) ораларида йўқлиги учун Оллоҳ расули икки қўлларини бир-бирининг устига қўйиб: “Оллоҳ, бу байъат Усмон учундир! Шубҳасиз, у Сенинг ва расулингнинг хизматидадир”, дедилар.



Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бошқа оддий йўлбошчилар каби фақат яхшилик тарафдори эмас, умматга бутун куч-ғайратлари билан дастак бўлган бир йўлбошчи эдилар. Бир саҳоба Пайғамбардан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўз аҳволининг яхши ёки ёмонлигини қандай ўргана олиши мумкинлигини сўради. Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) унга:

“Охиратга оид ишларни қулай бажарсанг-у, бу дунёга оид ишларни бажаришда қийналсанг, билки, аҳволинг жуда яхшидир. Агар охиратга оид ишларни қийналиб бажарсанг-у, бу дунёга оид ишларни осон бажарадиган бўлсанг, ёмон аҳволда экансан”, деб жавоб бердилар.

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўз феъл ва ахлоқлари билан бутун инсониятни қамраб олган раҳбар, йўл кўрсатувчи эдилар. Ҳидоят йўлидаги ҳар хил машаққат ва қийинчиликларнинг энг буюғи у Зотнинг елкаларида эди. Ўзларига берилган илоҳий вазифани мукамал равишда адо қилардилар. Бу масалада шундай сабр ва ғайрат кўрсатар эдиларки, баъзан ўзларини бу қадар хароб қилмаслик учун илоҳий огоҳлантиришлар нозил бўларди:

(Эй Муҳаммад,) **Эҳтимол сиз (Макка мушриклари) мўмин бўлмаганлари учун ўзингизни ҳалок қилгувчидирсиз**” (Шуаро сураси, 3).

Бу ояти карима Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дунёдаги ҳар бир кишининг Оллоҳга имон келтиришини, бу орқали уларни жаҳаннам азобидан қутқаришни қанчалик истаганларига далилдир.

Абу Жаҳл Оллоҳ элчисига (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳужум қилганини эшитган амакилари ҳазрати



Ҳамза (розияллоҳу анҳу) қариндошлик туйғулари жўшиб Абу Жаҳлни ёй билан урган эди. Кейин Расулulloҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):

“Эй Муҳаммад, энди роҳат юравер, Абу Жаҳлдан ўчингни олдим”, деди.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):

“Менинг ўч олиш билан ишим йўқ. Лекин сиз мусулмонликни қабул қилсангиз, ўшанда чинакам роҳат олар эдим”, дедилар.

Ҳазрати Ҳамза бундаин назокатли жавобдан таъсирланиб мусулмон бўлди.

Пайғамбарнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бутун амаллари моддий эҳтиёжлардан ва интиқомлардан узоқ бўлиб, ўз шахсларига оид ҳеч бир орзулари йўқ эди. Ҳаётларида бирон марта ҳам шахсларига йўналган жиноятлар учун интиқом олмаганлар. Бир ҳадисларида:

“Сизларни камчиликларингизни юзларингизга айтмай сассиз тарбия қиламан”, деган эдилар.

Ҳақиқатан ҳам Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) саҳобаларнинг хатоларини юзларига ҳеч қачон айтмас эдилар. Бунинг ўрнига: “Менга нима бўлди, сизларни бу ҳолда кўрмоқдаман”, каби ифодалар қўллаб, хатоли ишларда ҳам камчиликни ўзларига олиб, шу йўл билан теварақларидагиларнинг хатоларини тузатишга уринар эдилар.

Қаршиларидаги одамга насихат қилатуриб уни хафа қилмаслик пайида бўладиган Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳаматнинг жонли ўрнаги эдилар.



Бу сифатлари амалларида бўлгани каби ваъзларида ҳам ўз ифодасини топган эди. Қуйида Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) инсонларга хитобатларидан бир бўлак келтирамиз:

“Эй имон келтирганлар! Оллоҳ сизларни кўрсин! Сизларни ёмонликлардан кўрсин! Оллоҳ ёрдамчиларингиз бўлсин! Сизларни улуғласин! Сизларга йўл кўрсатсин! Сизларга ўзи тинчлик берсин! Сизларни ҳар қандай қийинчиликлардан узоқлаштирсин ва динингизни сизлар учун кўрсин...”

Оламларга раҳмат ўлароқ юборилган Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Оллоҳнинг “Ғофур” ва “Раҳмат” исмлари тажаллисига мазҳар инсон ўлароқ Ислом динини инкор қилувчилар учун ҳам куйинар, улар жаҳаннамга тушмасинлар деб дуо қилар эдилар. Бунга жавобан яна илоҳий огоҳлантириш нозил бўлди:

“(Эй Муҳаммад,) **Агар улар ушбу сўзга – Қуръонга имон келтирмасалар, эҳтимол сиз уларнинг ортидан афсус-надомат билан ўзингизни ҳалок қилурсиз** (бундай қилиш сизга тўғри келмайди)” (Қаҳф сураси, 6).

Шунинг учун ҳам Пайғамбаримиздан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) энг кўп ўрнак олган ҳазрати Абу Бакр (розияллоҳу анҳу):

“Эй Раббим, қиёмат куни вужудимни жаҳаннамда мендан бошқа киши сиғмайдиган даражада катта қил”, деб дуо қилганлари ривоят этилади.

Пайғамбаримиздан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) таълим олган саҳобаларнинг кейинчалик билганларини бутун дунёга ёйишлари Расулulloҳнинг “Яратган



туфайли яратилганларни севиш” таълимотларининг энг олий ўрнагидир.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) билан бир пайтда яшаган барча инсонлар у Зотнинг олижанобликлари ва жўмардликларидан ўз насибаларини олган эдилар. У Зотнинг яхшиликлари ва муҳаббатлари дарё каби тошар, ҳеч ким Пайғамбарнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ёнларидан оч ҳолда ёки яхшилик кўрмай айрилмас эди.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир қанча илоҳий мўъжизалар кўрсатиш билан бирга инсон шахсиятини тарбиялаш орқали уларга маданият, шараф йўлларини ҳам ўргатган эдилар. Бу нарса инсонларни тарбия қилишда ўзига хос бир инқилоб эди.

Шу сабабдан ҳам Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) таълимотлари араб чўллари билан чегараланиб қолмай бутун замон ва маконларни ўз ичига камраб олгандир. Расулulloҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) фикрлари ва ҳислари маконларга ва моддий ўлчовларга сиғмайдиган даражада буюқдир. Юз ва минг йиллар ўтган бўлса ҳам у Зотнинг таълимотлари башариёт ва инсониятни ўз ичига олишда давом этиб келмоқда. Бу таълимот ҳаётнинг зид қирралари ичра қурган мувозанатида ҳеч бир камчилик йўқ. Шунинг учун ҳам инсоният тарихида Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) каби шахс ўрнагини бошқа топиб бўлмайд.

Инсонлар қурган жамиятларда ҳаётнинг турли қирраларида маҳорат ва устунлик кўрсатган қаҳрамонлар бордир, лекин Пайғамбарнинг (соллаллоҳу алайҳи ва



саллам) шахслари бутун устунликлар бир ерда тўпланган ўрнак бир шахсиятдир.

Муҳтарам ўқувчилар!

Биз бу ерда Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мумтоз шахсиятларининг сифатларини санаганимиз сайин унинг мутлақ ҳақиқатини охиригача ифода-далай олмаслигимизни биламиз. Уни охиригача ифода-лашга кучимиз етмаслигини ҳам биламиз. Бизнинг ишимиз фақат яхши ният ва ғайратдан иборат, холос. Чунки Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) шахсиятлари сўнгсизлик оламидан бир ўрнакдир.

Оллоҳ таоло бу оламнинг самоларида қанот қоқишни ҳаммамизга насиб айласин! Омин!!!



ҲИЛЯИ ШАРИФА

“Ҳиля” лугатда “зийнат”, “безак” ва “руҳ гўзаллиги” маъноларини билдиради. Амалда эса бу сўз Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) одам боласининг сўз бойлиги етгани даражада юз гўзалликларини таъриф этишдан иборатдир.

Ҳазрати Фотима (розиялоҳу анҳа) Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) вафотларидан олдин:

– Эй Оллоҳнинг элчиси! Бундан кейин юзингизни кўриш менга насиб бўлмайди, – дея йиғлаганларида Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳазрати Алини (розияллоҳу анҳу) ёнларига чақириб:

– Эй Али! Ҳилямни таъриф қилингки, васфларимни эшитиш мени кўриш кабидир, – деган эдилар.

Наҳифий шундай дейди:

“Таҳқиқан бир киши ҳиляи шарифа ёзса ва давомли унга назар ташлаб юрса, Оллоҳ таоло бу кишини хас-талиқ ва қийинчиликлардан, бевақт ўлимдан кўрийди. Агар бир ерга борганларида ёзганларини ўзи билан олиб юрса, доимо Оллоҳ таолонинг муҳофазасида бўлади”.

Кўпгина Ислол олимлари ҳиляи шарифанинг сон-саноксиз фазилатлари ҳақида баҳс юритганлар. Ҳатто Пайғамбарни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) тушида кўриш учун ҳиляи шарифани ёд олиш анъанаси ҳозиргача баъзи ўлкаларда мавжуддир.



Шу билан бирга, башарий сўзлар ва умуман башари-ятнинг Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) азиз сиймоларини таъриф этишга ва қамраб олишга етмаслигини ҳам унутмаслик керак бўлади.

Ҳазрати Мавлононинг муриди бўлган Гуржу Хотуннинг қўмондон эри Қайсарига ҳарбий хизматга юборилади. Гуржу Хотун Селжукли саройининг машҳур рассоми ва наққоши Айнул Давлани яширинча расмини чизиб келиш учун ҳазрати Мавлоно хузурига юборади. Рассом бор гапни Мавлоно ҳазратларига айтиб беради. У зот табассум билан:

“Сенга айтилганларни истаган шаклингда бажаргин”, дейди.

Рассом расм чизишга тушади. Лекин чизган расми қаршисидаги инсонга ҳеч ҳам ўхшамаганини кўриб, ишни қайтадан бошлайди. Шу тарика рассом ҳазрати Мавлононинг ўз иши давомида йигирма мартага яқин шакл-шамойили ўзгарганига гувоҳ бўлади. Бундай ҳол қаршисида ўзининг ожизлигини тушунган рассом ишидан воз кечишга мажбур бўлади. Ҳазрати Мавлононинг қўлларига ёпишади, чунки санъати бу сиймо қаршисида ҳеч нарсага арзимай қолган эди.

Бу ҳодисадан кейин рассом ғафлат ҳолидан ўйғонади. Ҳайрат, даҳшат ва титраган ҳолда чуқур ўйга толади ва хаёлий бир оламнинг сайёҳига айланади. Бу ҳол ичида рассом ўзига ўзи:

“Бу диннинг авлиёси бундай бўлса, пайғамбари қандай бўлган экан?” дейди. Сўнгра рассом ихтиёрсиз равишда Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳақларида ўйга толади.



Ажабо, ёзилган шамоили шарифалар Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳақиқатларини қанчалик ифода қила олади?!

Муҳаққакки, шамойили шарифани ҳар ким кўнглидаги муҳаббат нисбатида ва калималар сиғдира оладиган даражада ифодалай олади.

Биз ҳам ожизлигимизга қарамай ривоятлардан бизга етиб келган шудринг томчилари нисбатида ҳиляи шарифани ифодалашга уриндик...

Муборак шамойили шарифалари

Турли ривоятларда хулосатан бундай дейилади:

Расули Акрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) узунга яқин ўрта бўйли эдилар. Туғилишдан вужудлари келишган, кўркам эди. Кўкрак қафаслари кенг, икки елкаларининг ораси очиқ эди. Икки курак суяклари ўртасида пайғамбарликларига оид муҳр-хол бор эди. Суяклари ва бўғинлари йирик-йирик эди.

Тери ранглари гул каби оч сарик, нуроний ва порлоқ, ипак каби юмшоқ эди. Муборак вужудлари доимо тоза ва вужудларидан келган ҳиддан инсонлар ҳузур олар эдилар. Вужудларига хушбўй ҳидли нарса сурсалар-сурмасалар таналари энг гўзал ҳидлардан ҳам латофатлироқ эди. У Зот билан бир марта кўришган киши кун давомида вужудларидан таралган латиф ҳиддан завқ олиб юрарди. Гўё гуллар ҳидларини у Зотнинг танасидан олган эдилар. Муборак кўллари билан бир боланинг бошини си-



ласалар, бу бола ёқимли ҳиди билан бошқа болалардан ажралиб турарди.

Терлаган пайтларида вужудлари шудринг тўла барг каби бўларди.

Соқоллари қалин эди. Бир тутамдан узун бўлмасди. Вафот қилганларида соч ва соқолларида йигирмага яқин оқ тук бор эди.

Қошлари ҳилол каби бўлиб, икки қошларининг ўртаси очиқ эди. Тишлари инжа-инжа бўлиб, доимо мисвок қўлланар ва бошқаларга ҳам қўлланишни тавсия қилар эдилар.

Киприклари узун ва қора эди. Кўзлари катта, қорачиғи қоп-қора, оқи оппоқ эди. Кўзларида илоҳий қудрат қўли билан азалда чизилган сурма бор каби эди.

Мустасно руҳий яратилишнинг қамоли каби вужудларининг жамоли ҳам тенгсиз эди.

Сиймолари кечалари ўн тўрт кунлик ой каби порлаб турарди. Ҳазрати Ойша (розияллоҳу анҳа) бу ҳақда бундай деганлар:

“Расулуллоҳнинг юзларидан шу қадар нур таралар эдики, қоронғу кечаларда ипни игнага у кишининг юзларидан тушган нур ёрдамида ўтказар эдим”.

Икки курак суяклари орасида пайғамбарликларига оид илоҳий бир нишон бор эди. Кўплаб саҳобалар бу нишонни ўпиш орзусида яшар эдилар. Вафот қилганларида бу муҳрнинг йўқ бўлиб кетиши охирагга йўл олганларига тасдиқ бўлган эди (Термизий).

Ҳасадларида вафот қилганларидан кейин ҳам ҳеч қандай ўзгариш бўлмади. Ҳазрати Абу Бакр (розияллоҳу



анху) маҳзун, кўзи ва кўнгли ёшланган ҳолда “Борлик Нури”га қарата:

“Ҳаётингиз каби ўлимингиз ҳам қандай гўзал, эй Расулуллоҳ!” дея пешоналарига лабларини теккизган эдилар.

Олий ахлоқ ва муносабатларидан баъзилари

Муборак юзлари юзларнинг энг гўзали ва тозаси эди. Яхудий олимларидан Абдуллоҳ ибн Салом хижратдан кейин қизиқиш билан Пайғамбарни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кўришни истаган ва муборак чеҳраларини кўриб:

“Бу юз ёлғон гапирмайди!” дея мусулмон бўлган эди.

Абу Рамсанинг ўғли ҳам шундай деган:

“Менга Ҳазрати Пайғамбарни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кўрсатдилар. Мен у Нури Муборакни кўрган пайтимда “Бу олий Зот Оллоҳнинг набийси ва ҳақ пайғамбаридир!” дедим”.

Чунки у Зотнинг юзларидаги гўзаллик, ҳайбат, нуронийлик ва латофат шу даражада эдики, Оллоҳнинг пайғамбари эканликларига доир бошқа бир мўъжизага, далил ва бўҳронга эҳтиёж қолмас эди.

Оллоҳ расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир нарсани ёқтирмаганлари дарҳол юзларидан маълум бўлар, бир нарсани маъқуллаганларини ҳам юз мамнунликларидан билиб олиш мумкин эди.



Илк яратилган руҳ нури у кишининг руҳ нурлари эди. Жисмларида куч, қувватли ҳаё ва мудҳиш бир азим бир орага тўпланган эди. Рўмол ўраган бокира қиздан ҳам одобли эдилар.

Қалб дунёларининг теранлигини эса изоҳ қилишнинг имкони йўқ.

Юзларида малоҳат нури, сўзларида салобат, ҳаракатларида латофат, тилларида ва калималарида балоғат мавжуд эди. Мулоим ва мутовазе эдилар. Ҳеч қачон қажқаж отиб кулмасдилар. Юзларида доимо табассум бўларди.

У Зотни тасодифан кўрган киши ҳайрат ичида қоларди. У Зот билан улфатлик ва суҳбат қилган киши у Зотга жон ва кўнгилдан муҳаббат қўяр эди. Даражаларига кўра фазилат соҳибларига эҳтиром кўрсатар эдилар. Қариндошларига жуда кўп нарсаларни иқром қилардилар. Аҳли байтларига ва саҳобаларига қандай муомала қилсалар, қолганларга ҳам шундай муомала қилар эдилар.

Хизматкорларига жуда яхши муносабатда бўлардилар. Ўзлари нима кийиб, нима есалар, уларга ҳам ўша кийим ва ўша таомдан берар эдилар. Жўмард, иқром соҳиби, шафқатли ва марҳаматли, лозим бўлганда жасур, лозим бўлганда эса ҳалим эдилар.

Алҳосил, суръатлари гўзал, сийратлари мукамал, тенги яратилмаган муборак вужудлари бор эди. Заруратсиз сўз сўзламасдилар. Сукунат ҳоли узун давом этарди. Бир гапни бошласалар, ярим қолдирмай охиригача айтар эдилар. Кўп маънони оз сўзларда ифодалар эдилар. Сўзлари дона-дона бўларди. Оз ҳам, кўп ҳам гапир-



масдилар. Яратилишдан юмшоқ табиатли бўлсалар ҳам, кўринишлари ғоят салобатли ва ҳайбатли эди.

Аччиқлансалар ўринларидан турмасдилар. Ҳаққа эътироз қилинишидан, ҳақнинг оёқости этилишидан бошқа ҳолларга жаҳллари чиқмасди. Кимса фарқ қилмайдиган даражада бўлса-да ҳақ оёқости қилинганида жаҳллари чиқар, адолат қарор топмагунича жаҳлларидан тушмас эдилар.

Асло ўзлари учун аччиёланмасдилар. Ўзларини мудофаа қилмасдилар, кимса билан бу ҳақда талашиб-тортишмасдилар.

У Зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳеч кимнинг ховли-уйига эгасидан рухсат олмай туриб кирмас эдилар.

Ўз уйларига келганларида ҳам вақтларини учга бўлар эдилар: бирини Оллоҳга ибодат қилишга, иккинчисини оилаларига ва учинчисини эса ўзларига айирар эдилар. Ўзлари учун ажратган вақтларини барча инсонлар билан бирга ўтказар, ҳеч кимни бундан маҳрум қилмасликка ҳаракат қилар эдилар. Ўзлари билан кўришган барча инсонларнинг кўнглини фатҳ қилардилар.

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳар ҳол ва ҳаракатларида зикр билан машғул бўлардилар. Аниқ бир ерда ўтириш одатга айланиб қолмаслиги учун масжиднинг ҳар ерида ўтирар эдилар. Одамлар кейинчалик айрим жой ва мақомларни муқаддаслаштириб олмасин деб ҳамда ўтиришларда кибрланишга олиб келадиган ҳаракатларга йўл қўймаслик учун:

“Бир маконнинг шарафи у ерда ўтирган кишининг шарафи учун етарлидир”, дер эдилар.



Одамлар ўтирган бирон уйга кирсалар, қаерда бўш жой бўлса ўша жойга ўтирар эдилар, ҳаммага шундай қилишни тавсия қилардилар.

Ким у Зотдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир эҳтиёжи учун бир нарса сўраса, хоҳ аҳамиятли, хоҳ аҳамиятсиз нарса бўлсин, бу эҳтиёжни бажармай тинчимас эдилар, агар эҳтиёжни ҳал қилиш қўлларидан келмаса, ҳеч бўлмаганда гўзал сўз билан эҳтиёж соҳибининг кўнглини олишга ҳаракат қилардилар.

У Зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳар кишига ҳамдард эдилар. Инсонлар қандай мақом ва мавқеда бўлишларига қарамай – бой-камбағал, олим-жоҳил у Зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларида инсонийлик муомаласи кўрар эди. Бутун мажлислари илм, ҳилм, ҳаё, сабр, таваккул ва хавфсизлик ҳукм сурган бир макон ҳолини оларди.

Айб ва камчиликлари учун ҳеч кимни айбламас эдилар. Огоҳлантиришга эҳтиёж сезганларида қаршиларидаги кишини ранжитмасликка уриниб, бунни зариф бир имо билан билдирардилар. Бирон кимсанинг кўзлардан пана қолган камчилигини ўзлари кавалаштирмасдилар, бошқалардан ҳам шуни талаб қилар эдилар.

Савоб келадиган масалалардан бошқа масалалар ҳақида гапирмас эдилар. У Зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) сўз сўзлаганларида мажлисдагилар шунчалик диққат билан эшитар эдики, ҳазрати Умар (розиаллоҳу анҳу) таъбирича, бошларига қуш кўнса соатлар давомида хуркмай у жойда тураверарди. У Зотдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) саҳобаларига ўтган одоб ва тарбия шу даражада эдики, бирон масалада Пайғамбарга



(соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳадеб савол беришдан тийилишар, чўлдан бирон саҳройи араб келиб Жаноби Расулulloҳнинг суҳбатларига қўшилса ҳам, у Зотнинг файз ва руҳониятларидан истифода этсак дея кутиб ўтираверишар эди.

Тенгсиз жасорат ва шижоатлари

У Зотдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) буюкрок қахрамонни тасаввур қилиш имконсиздир.

Қўркув ва даҳшат у Зотга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бегона, йўқ ҳукмида эди. Фавкулудда ходисалар рўй берганда сабр ва сабот кўрсатар, кўркув ва шошқалоқлик билан ноўрин ҳаракатлар қилмас эдилар.

Жонларига ёмон қасд қилиб келган мушриклар орасидан Ёсин сурасининг ушбу икки оятини ўқиб бемалол ўтиб кетган эдилар:

“Дарҳақиқат, биз уларнинг бўйинларига, то иякларигача (етадиган) кишанларни уриб қўйдик, бас, улар ғўддайиб қолдилар (яъни, улар Ҳаққа бўйин эгмаслар)” (8-оят);

“Ва Биз уларнинг олдиларидан бир тўсиқ-парда, ортларидан бир тўсиқ-парда қилиб қўйдик. Бас, улар кўра олмаслар” (9-оят).

Ҳазрати Алидан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади:

“Бадр жангида уруш шиддат билан давом этар экан, биз баъзан Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) орқаларига яширинардик. Ҳаммамизнинг энг жасури-



миз у киши эдилар. Душманга энг яқин ерда ҳам у киши турардилар”.

У Зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) “Эълои калиматуллоҳ” (Оллоҳ Сўзини олий қилиш) учун доимо энг олдинги сафларда жанг қилар эдилар. Ҳунайн ғазосининг бошланғич қисмида мусулмонлар сафи бузилса ҳам, Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳеч матонатларини ўзгартирмай ўзларини душман сафларига томон отган, уловларини душман томонга ҳайдаб саҳобаларнинг шижоатларини орттирган, ниҳоят, илоҳий тайинга кўра ғалаба қўлга киритилган эди.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):

“Қудрат ва иродаси билан яшаганимиз Оллоҳга қасам бўлсинки, Оллоҳ йўлида шаҳид бўлиб қайта тирилишни ва сўнгра яна шаҳид бўлишни орзу қилардим”, деганлар.

Юқорида ожизона сўзлар воситасида таърифлашга ҳаракат қилганимиз зотнинг сифатлари Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) шахсиятларининг идрокимизга томчилаган шудринглари дидир. Оллоҳга етиша олишнинг сири Оллоҳнинг Китобига ва Борлиқ Нурининг юксак ахлоқига тоза қалб билан яқинлашишда, Оллоҳ ва расули севган нарсаларни севиш, севамаган нарсаларидан эса нафратланишда дидир. Булар орасидаги фарқ аълои иллийин ва асфали сафилин орасидаги фарқ кабидир. Оллоҳ расулининг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳисларига яқинлаша олишнинг шарти ҳам у Зотга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) муҳаббат ва у Зотга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) зид бўлган нарсалардан нафрат қилишдир.



ДОСТОНЛАРДА БИТГУЛИК МУҲАББАТЛАРИНИНГ НУРЛИ ТАРАННУМЛАРИ

Ҳақиқати Муҳаммадияга ақлдан ҳам кўра кўпрок муҳаббат ва ишқ билан етиб бўлади. Пайғамбаримизга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) эргашишнинг шараф, гашт ва лаззатини тотиш учун қанийди кейин келсаму у Зотга уммат бўлсайдим деб орзу қилган пайғамбарлар ҳам ўтган. У кишининг нур жамоллари ошиқлари назарида бутун борликни соя ҳолига келтириб қўйган, кўнгиллар у Зотнинг энг кичик истакларига ҳам:

“Отам ва онам сизга фидо бўлсин, эй Оллоҳнинг элчиси!” деб жавоб берар эди.

Оллоҳ расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўзларига кўнгил қўйгувчилар то қиёматга қадар давом этишини куйидаги ҳадисларида билдирганлар:

“Мендан кейин умматимдан мени бир марта кўриш учун уй аҳлини ва молу мулкани фидо қилишга ҳозир турадиган неча инсонлар туғилажак”.

Парвардигоримиз биз ожиз бандаларини ҳам бу ҳадисда ифодаланган кишилар қаторида қилсин! Омин!

Аслида насроний бўлгани ҳолда ҳақиқати муҳаммадиянинг идроки лаззатига эришганидан сўнг кўзи ёшли бир мўмин ва ёниқ бир Пайғамбар ошиғи ҳолига келиб “Яман Бобо” исмини олган яқин замон-



ларнинг мунгли бир шоирининг ушбу мисралари жуда гўзалдир:

“Сувсиз қолсам, ёнган чўлларда жон берсам, алам қилмас,
Ёнартоғлар ёнар бағримда, уммонлар ҳам нам қилмас,
Оловлар ёғса кўклардан ва мен куйсам, асар қилмас,
Жамолинг-ла фароҳнок этгин, ки ёндим, эй Расулуллоҳ!

Не давлатдир ишқингда юмиб кўз, йўлингда жон бермак,
Насиб этмасми, султоним, даргоҳингда жон бермак,
Сўнаркан кўзларим осон бўлур оҳингда жон бермак,
Жамолинг-ла фароҳнок этгин, ки ёндим, эй Расулуллоҳ!

Бўйин эгдим, паришонман, бу дарднинг сенда тадбири,
Лабим қовурулди оташдан дўнар пойингда тазкири,
Не лей кўнглинг мурод айларса талтиф айла Қитмири,
Жамолинг-ла фароҳнок этгин, ки ёндим, эй Расулуллоҳ!

Пайғамбаримизни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) саҳобалари шу қадар севишар эдики, бу севгини изоҳлашнинг имкони йўқ. Бундай севги фақат илоҳий мухаббат ва файз билангина амалга ошиши мумкиндир.

Динор ўғиллари қабиласидан эрини, отаси ва укасини Ухуд жангида шаҳид берган аёлнинг Пайғамбаримизга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бўлган мухаббати бунга бир ўрнақдир. Саҳобалар яқинларининг ўлим хабарини айтиш ва унга тасалли бериш учун келганларида аёл илк ўлароқ:

“Расулуллоҳ соғ-саломатмилар?” деб сўради. Кейин:

“Менга у кишини кўрсатинглар”, деб нидо қилди.



Расулуллоҳни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кўрганидан кейин эса:

“Ўзингга шукр, эй Оллоҳ! Агар мен Пайғамбарни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) соғ-саломат кўрмаганимда эди, бу ҳаётда ҳеч бир нарса менга тасалли бера олмасди”, деди.

Бундай жўшқин муҳаббатни ҳадиси шарифларни ривоят қилиш жараёнида ҳам кўришимиз мумкин. Саҳобани киёматда Ҳазрати Пайғамбардан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир ҳадис ривоят қилар эканлар, билмасдан хато қилиб қўйишларидан ва янглиш гапни Пайғамбарга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) нисбат бериб қўйишдан кўркиб юзлари сарғаяр ва оёқлари титрар эди. Масалан, Абдуллоҳ ибн Маъсуд: “Қола Расулуллоҳ” (Оллоҳнинг элчиси дедилар) дея бошлаши билан мудҳиш титроқ ичида қоларди. Шу боис ҳам саҳобалар кўп ривоятларида “шундай” ёки “шу каби”, “шунга яқин”, “шу шаклда” ифодаларини қўллашар эди.

Чунки у Зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) шундай пайғамбар эдиларки, кесилган хурмо дарахти тўнқаси устига чиқиб хутба ўқиганларида дарахт танасидан “ёшлар” оқарди. Умматлари сувсиз қолганида бармоқлари орасидан мўъжизавий шаклда барака сувлари чиққан. Дастурхонларида ўтирганлар луқманинг тасбеҳларини эшитишган.

Қиёматда махшар имоми у Зотдирлар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)!..

Гуноҳкорлар шафоатчиси у Зотдирлар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)!..



Уммати учун “Умматим... умматим...” деб йиғлаган у Зотдирлар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)!..

Ливаул ҳамд байроғи у Зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қўлларида!..

Барча пайғамбар у Зотнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) сояларида!..

Жаннат эшикларини очажак илк қўл у Зотнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қўлларида!..

Рухий такомил муҳаббат биландир. Аммо буюк бир тоққа ўхшайдиган бу асоснинг ёнида айни катталиқда бир тубсиз жарлик ҳам бор. Бир ёнда улкан тоғ, бир ёнда тубсиз жарлик...

Бу жарлик – нафрат...

Муҳаббат билан нафрат иккиси бир ерда...

Биз нафратланган нарсамиз муқобилига муҳаббат қўйишга эмас, асл муҳаббат қўйган нарсамизнинг зиддидан нафрат қилишга буюрилганмиз.

Чунки муҳаббат бирламчидир, ўнг қанотдир. Нафрат кейиндадир ва чап қанотдир. Мусулмон эса мана шу икки қанот билан учиб бораётган кишидир.

Муҳаббат қўйган ё нафратланганимиз кимсалар жасад тузилиши жиҳатидан ораларида бир фарқ йўқ. Лекин бири нур, бошқаси қурум ўчоғи бўлиш эътибори ила ораларидаги фарқ чексиздир.

Оллоҳнинг элчисига (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) муҳаббатимиз ва у кишининг зидларига нафратимиз бунга мисол бўла олади.

Эскидан муҳрларга байт ёздириш одати бор эди. Базами олам Волида Султон Жаноби Ҳақнинг бу олами



Муҳаммад нури учун яратганини ифодалаш мақсадида ўз муҳрига қуйидаги сатрларни ёздирган:

Муҳаббатдан Муҳаммад бўлди ҳосил,
Муҳаммадсиз муҳаббатдан не ҳосил?

Сўнги даврнинг буюк машойихларидан Манаманда шаҳид тушган Муҳаммад Асъад Эрбилий қалбида Пайғамбарга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) нисбатан туйган буюк муҳаббатнинг қовурувчи алангасида ёнишини, қаранг, қандай гўзал ифодалаган:

Тажаллои жамолингдан, Ҳабибим, навбаҳор оташ,
Гул оташ, булбул оташ, сунбул оташ, хоқу хор оташ

(Ҳабибим, сенинг гўзаллигининг тажалли этиб кўринишидан (Сенга ошиқ бўлган) илкбаҳор ҳам ёнди, гул ҳам ёнди, булбул ҳам ёнди, сумбул ҳам ёнди, тупрок ва тиканлар ҳам ёнди...)

Шуои офтобингдир ёққан бил жумла ушокни,
Дил оташ, сийна оташ, ҳам ду чашии ашқбор оташ

(Бутун ошиқларни ёндирган у муборак юзинг – кўёшинг нуридир. У туфайли кўнгили ёнди, юрак ёнди, икки кўз ишқинг билан ёнди.)

На мумкин бунча оташ билан шаҳиди ишқни ювмоқ,
Жасад оташ, кафан оташ, ҳам оби хушгувор оташ.

(Бу қадар олов билан ишқ шаҳидларини ювиш мумкинми? Жасад ёнди, кафан ёнди, шаҳидлар ювиладиган гул суви ҳам бу оловда ёндилар.)

Фузулий ҳам машҳур “Сув” қасидасида бу ишқ оловида ёнишни бундай таърифлаган:



Сочма, эй кўз, ашқдан кўнглимдаги ўтларга сув,
Ки бу денгли туташган ўтларга қилмас чора сув.

(Эй кўз, Оллоҳнинг расулига бўлган муҳаббат туфай-
ли кўнглимда туташган оловларга сув тўкма. Чунки бу
ишқнинг оловини сув билан ўчира олмайсан.)

Об гундир гунбади даввор ранги билмазам,
Ё муҳит ўлмиш кўзимдан гунбади дуввора сув.

(Кўзларим бу ишқдан шу қадар ёш тўкмоқдаки, тепа-
да айланган мовий кубба сув рангида кўринмоқда. Ёки
кўзларимдан тўкилган ёшлар самога ранг бермоқдами?)

Сувга урсин боғбон сувзарни захмат чекмасин,
Бир гул очилмас юзинг дек верса минг гулзора сув.

(Боғбон боғни сувлаш учун бекорга уринмасин. Зеро,
минг боғни сувлаганда ҳам юзинг каби бир гулнинг очи-
лиши имконсиздир.)

Даст басу орзуси билан ўлирсам, дўстлар,
Кўза айланг тупроғим беринг онунла ёра сув.

(Эй дўстлар, у Зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)
кўлини ўпиш орзуси билан ўлсам, тупроғимдан бир кўза
ясангки, у олий Зот бу кўзадан сув ичганда унинг шафо-
ати менга насиб бўлсин.)

Ҳақи пойига етамдир умрлардир мутассил,
Бошини тошдан тошга уриб кезар овора сув.

(У Зотнинг оёқлари теккан муборак ерларга етай деб
сувлар умр бўйи тошлар орасида оворадирлар.)

* * *



Ислом тарихининг саҳобалар давридан кейин энг мухташам қисмини ташкил қилган Усмонли давлатида подшоҳдан чўпонга қадар Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) севгиси билан ёнар эдилар. Бу давлат подшоҳлари Расулуллоҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) сонсиз саловат келтириш билан бирга у Зотнинг номлари тилга олинганида ўнг қўлларини юраклари устига қўйиш, муборак мавлуд кунлари эсга олинганларида ўринларидан туришни одат ҳолига келтиргандилар. Усмонли подшоҳлари Мадинаи мунавварадан мактуб келганда ўринларидан туриб таҳорат қилишар, кейин мактубни қўлларига олишар эди.

Шунингдек, Усмонлилар Масжиди Набавий таъмирланаётганида ишга киришиш олдидан таҳорат олиб, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) руҳларини безовта қилмаслик учун болғаларига латта ўраб, сўнг ишлаши мисли кўрилмаган одоб ва ахлоқ намунасидир.

Усмонлилар даврида Мадинаи мунавварага яқинлашган қарвон аҳли шаҳарга киришдан олдин тўхтаб, ўзларини муборак шаҳарнинг ҳавосидан олишга шайлашар, кейин шаҳарга кириб Расулуллоҳни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) зиёрат қилишар эди. Қайтишда эса шифо ва табаррук ўлароқ ул муборак шаҳар тупроғидан олиб қайтишар эди.

Шунингдек, Мадинаи мунавварни кўришга ўзларини мукаллаф деб билган Усмонли подшоҳлари аравалари Мадинаи мунавварага яқинлашганида отларидан тушиб, шаҳарга пиёда киришар эди.

Усмонли подшоҳлари бошига ўраган салланинг учи супурги шаклида эканининг моҳиятини биламизми ҳозир? Бу билан Ҳарамайни шарифайн (Икки шараф-



ли икки Ҳарам)нинг супурувчиси эканларини ифода қилишар ва икки Ҳарамни супуриб-тозаловчиларнинг маошларини ўз бойликларидан беришар эди.

Жаҳон подшоҳи Ёвуз Султон Хон ўзини Ҳақиқати Муҳаммадияга эриштира оладиган бир вали зотни дунёдаги бутун даражалардан юқори қўйиб:

“Подшоҳи олам бўлиш бир қуруқ гафво эмиш,
Бир валига дўст бўлиш жумладан аъло эмиш”,

дея Оллоҳ ва расулининг дўстларига яқинлашиш аҳамиятини таъкидлаган эди.

Ҳазрати Ойша (розияллоҳу анҳа) Пайғамбарнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) нурли юзларини бундай таърифлаганлар:

“Зулайҳони айблаб, ўзлари Юсуфни кўргандан кейин унинг ишқида қўлларини кесганлар Расулуллоҳнинг муборак юзларини кўрганларида юракларини парчалаган бўлурлар эди”.

Ҳадис олими, мужтаҳид Имом Нававий (раҳимаҳуллоҳ) Расулуллоҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) руҳан шу қадар яқинлашган эдики, масалан, тарвузни пичоқ билан кесиб еганларми ёки ерга уриб ёриб еганларми эканини билмагани учун умр бўйи тарвуз емай ўтган.

Ўрта Осиёдан Болқонларга қадар Ислом динининг нуруни ва файзини кўнгилларда яшнатган буюк вали зот Аҳмад Яссавий 63 ёшга кирганидан кейин ҳаётини Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳаётларига ўхшатиш учун ўзларига тамсилий қабр қаздириб:



“Менга бу ёшдан кейин тупроқ устида яшашнинг кераги йўқ”, деган ва колган умрини тупроқ остида ўтказган эди.

Имом Молик (роҳимаҳуллоҳ) Пайғамбарга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) хурмат юзасидан Мадинаи мунавварада улов минмай, ялангоёқ ҳолда пиёда юрар эди. Ҳадиси шариф ҳақида савол сўрагани келганларга бирданига ҳадис сўйламай, олдин таҳорат олиб, салласини ўрар, қўл-юзига муаттар ҳидли нарсалар суриб, баланд жойга чиқиб ўтирар ва шу тарзда меҳмонларни қабул қилар эди. Шу тариқа ўзини Оллоҳ расулининг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) руҳониятларига киришга ҳозирлар, муборак сўзларини айтиш учун сўнг даражада одобга риоя қилар эди. Равзада имомлик қилганида паст овоз билан гапирар, ўша давр халифаси Абу Жаъфар Мансур баланд овозда гапирганида:

“Эй Халифа, бу маконда баланд овоз билан гапирманг! Оллоҳнинг пайғамбар ҳузурида баланд овоз билан гапирмаслик ҳақидаги огоҳлантириш ояти сиздан фазилатлироқ бўлган саҳобалар учун туширилган эди”, деб одобга чақирган эди.

Шунингдек, Имом Молик ўзига зулм қилган Мадина волийининг ҳаққини ҳалол қилиб:

“Расулulloҳнинг невараларига Маҳшарда даъвочи бўлишдан уяламан”, деган эди.

Шоир Набий ҳаж йўлчилигида карвон Мадинаи мунавварага яқинлашганида бир қўмондоннинг ғафлат билан оёғини Мадинаи мунаввара томонга узатиб ухлатганини кўриб, жуда хафа бўлади. Буюк афсус билан



ушбу сатрларни ёзади ва бу орқали ўзининг Расулуллоҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) муҳаббатини баён этади:

Тарки одобдан сақлан, кўйи маҳбуби Худодир бу,
Назаргоҳи илоҳийдир, мақоми Мустафодир бу.

(Жаноби Ҳақнинг назаргоҳи ва Оллоҳнинг севиклиси пайғамбар Муҳаммад Мустафонинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мақоми ва юртида одобсизлик қилманг.)

Муурооти адаб шарти билан кир, Наби, бу даргоҳга,
Матофи қудсиёндир, бусегоҳи анбиёдир бу.

(Эй Наби, бу жойга одоб қоидаларига риоя этиб кир. Бу ер тавоф этиладиган мукаддас ердир, пайғамбарларнинг остонаси ўпиладиган пайғамбарлар маконидир.)

Шоир юрагидан тўкилган бу самимий сатрларга жавобан Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мўъжизавий ишоратлари билан Равза муаззини бомдод намози азонидан кейин бу сатрларни миноралардан ўқийди. Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу илтифоти шоир Набига шу қадар таъсир қиладики, кўзларида ёш билан муборак шаҳарга қадам босади...

Жамодот (жонсиз борлиқлар) ҳам ҳурмат ва иззат кўрсатар эдилар. Ҳазрати Алидан (розияллоҳу анҳу) шундай ривоят қилинади:

“Маккада Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) билан айланиб юрар эдик. Бир куни бирга Маккадан ташқарига чиқдик. Ёнларидан ўтар эканмиз, ҳар тош ва дарахт Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га:

“Ассолату вассаламу алайка, ё Расулаллоҳ”, дея салом берар эди”.



Сулаймон Чалабий ҳам:

“Бир ажаб нурки, куёш парвонаси...” мисраси орқали куёшнинг ҳам у Зот атрофида парвона эканини ифодалайди.

Расулulloҳнинг меърожга кўтарилиши туфайли самовий оламдагиларнинг шавқ ва ҳаяжонини шоир Камол Адиб Қурқчи ўғли бундай ифодалайди:

Шаб’и меърожда сиймосини сайр этди дея,
Бурканур ерларга кўк саждаи шукрон ўлароқ...

(Меърож кечаси Расулulloҳ сиймосининг томошасидан кўлга киритган файз ила, у Зотнинг шонини юксалтмак ниятида кўк Расулulloҳ оёқ босган ерга шукр саждасига бурканади.)

Жон отар ҳар кеча Рухул Қудус ихромга кириб,
Ҳарамии муҳтарами кўйина меҳмон ўлароқ...

(Ҳазрати Жаброил (алайҳиссалом) Ҳазрати Пайғамбарнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига меҳмон бўлиб кирмак учун ҳар кеча ҳаяжон билан ихромга киради.)

Бир кўрган яна бир марта кўрсам дея, Оллоҳ, Оллоҳ,
Йўқотар ақлини руҳсорига ҳайрон ўлароқ...

(Ҳазрати Пайғамбарни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир кўрганлар у Зотнинг гул юзларига ҳайрон қолиб ақллариини йўқотадилар. “Оллоҳ, Оллоҳ, кошки яна бир марта кўрсам”, деб ҳаяжон билан кутадилар.)

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) яратилишдаги маъжозий муҳаббатларни такомил эттириш билан улвийлаштирган илоҳий муҳаббатнинг тажалли мар-



казидир. Муҳаққакки, мўмин Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қаршиларида илоҳий туйғуларга фарқ бўлар экан, руҳлари у Зотнинг руҳонияти билан кўшилиш, у Зотнинг муҳаббатидан ҳисса олиш йўлига киради.

Ҳазрати Мавлоно:

“Икки дунё бир кўнгил учун яратилгандир. “Сен бўлмаганингда, сен бўлмаганингда бу дунёни яратмас эдим” ифодасининг маъносини тушунинглар, эй инсонлар!” деган эди.



ХУЛОСА

Бутун бу айтилганлардан умумий хулоса будир:

Пайғамбаримизни (соллаллоху алайҳи ва саллам), озгина бўлса-да бизга у Зотни эслатадиган ҳар бир нарса-ни қанча эъозласак оз. Зеро, у Зот (соллаллоху алайҳи ва саллам) “Мутаъол”, яъни хаёл ва идрок қилиниши имконсиз бўлган Оллоҳ “Ҳабибим” дейишига муяссар бўлган пайғамбардирлар.

Шунингдек, Оллоҳ таоло Пайғамбар (соллаллоху алайҳи ва саллам) ҳақларида:

“Албатта, Оллоҳ ҳам, Унинг фаришталари ҳам пайғамбарга дуою саловат айтадилар. Эй мўминлар, сизлар ҳам у Зотга саловат ва салом айтинглар” (Ахзоб сураси, 56), дея марҳамат қилади.

Бу Куръоний ҳақиқат қаршисида Пайғамбарнинг (соллаллоху алайҳи ва саллам) фазл ва камолига яқинлашиш, уни идрок қилиш ва таърифга сиғдириш калималарнинг имконидан ташқаридадир. Бу баҳсни сукунатнинг сўнгсизлигида нуқталашдан бошқа чора йўқдир. У Зотни (соллаллоху алайҳи ва саллам) тасвирлашда инсонлар ожиз эканлар, бизнинг бу уринишларимиз ҳам уммондан бир томчи холос...

Оллоҳ расулидан (соллаллоху алайҳи ва саллам) бошқаларга кўнгил кўймайдиган, бегона боғларнинг



сохта гулларига алданмайдиган мусулмонлар нақадар бахтиёрдирлар!...

Ҳар заррамингла Унинг руҳониятига яқинлашиб, Парвардигоримизга юзланайлик...

Унинг муҳаббатини ҳужжат ўрнида кўриб, Парвардигоримизга ёлворайлик..

У мозийдаги, ҳолдаги ва истикболдаги бутун борликларга:

Муборак бўлсин!

Барокат бўлсин!

Раҳмат бўлсин!

Ул Саййидул кавнайн Муҳаммад Мустафога саловат!

Ул Расулус сақолайн Муҳаммад Мустафога саловат!

Ул Имомул Ҳарамайн Муҳаммад Мустафога саловат!

Ул Жаддул Ҳасанайн Муҳаммад Мустафога саловат!

Эй Бор Парвардигоро, бизларни Маҳшарда шу иқроп билан қайта тирилтир!



РАҲМАТ ПАЙҒАМБАРИНИНГ ҚУРЪОНИЙ МЎЪЖИЗАЛАРИ

Жаноби Ҳақ бандаларини ҳидоятга қовуштириш учун уларга бир қанча устун сифатлар бериш билан бирга ораларидан мустасно ўлароқ яратилган солиҳ кишиларни раҳбар сифатида тайин қилган. Бундай солиҳ инсонларнинг ваҳийга мушарраф бўлганлари “пайғамбар” дейилади. Инсон сифатида умматларига ўрнак бу муборақ элчилари зиммасига Оллоҳ таоло ушбу уч вазифани юклаган:

- а) Оллоҳнинг оятларини ўқиш (таблиғ);
- б) нафсларни тарбия қилиш билан тозалаш;
- в) Китоб ва ҳикматни ўргатиш (Жума сураси, 2).

Оллоҳ таоло ҳазрати Одамдан (алайҳиссалом) бошлаб инсониятга мустасно ёрдам ўлароқ пайғамбарлар юбориб туради, шу йўл билан бутун инсон зотини камровида ушлаб туради. Ҳазрати Одам (алайҳиссалом) ҳам илк инсон, ҳам илк пайғамбар эдилар.

Пайғамбарлар келтирган илоҳий ҳақиқатларни уларнинг умматлари замон ўтиши билан ўзгартириб юборишавергани учун илоҳий ҳақиқатларни янги пайғамбарлар воситаси билан такрор тушириб туриши Оллоҳнинг одати-суннатидир. Бу иш ҳазрати Одамдан (алайҳиссалом) бошланиб, пайғамбаримиз Муҳаммад



Мустафога (солаллоҳу алайҳи ва саллам) қадар давом этган.

Қуръони каримда учтаси тахминий йигирма саккиз пайғамбарнинг номи эсланиши билан бирга уларнинг умумий сони ривоятларга кўра бир юз йигирма мингга яқиндир. Шунини айтиб ўтиш керакки, ҳар бир қавмни ҳидоятга даъват этувчи пайғамбар юборилгани исломий бир ҳақиқатдир. Акс ҳолда, яъни қавмларни ҳидоятга даъват қилувчи пайғамбар юбормай ва уларни огоҳлантирмай туриб ҳидоятга терс йўлдан юрдинг дея жазолантириши илоҳий адолатга мос иш бўлмас эди.

Илоҳий таблиғлар пайғамбаримиз Муҳаммадга (солаллоҳу алайҳи ва саллам) нозил бўлиши билан бирга бу иш охирига, Ислом дини бундан кейинги бутун замонлар ва маконлар дини ўлароқ Оллоҳ таоло тайин қилган ва шунинг учун ҳам бу сўнгги илоҳий Китобда инсоният дуч келадиган барча муаммоларга жавоб бор. Қуръони карим бир мўъжиза эканининг маъноси ҳам шундан иборат.

Ҳар бир пайғамбар ўз замонасига кўра бир қанча фазилатларга эга бўлгани маълум. Ҳазрати Исо (алайҳиссалом) яшаган замонда энг мақбул илм тиб илми ва энг фазилатли кишилар ҳам хасталарни даволайдиган табиблар эди. Шунинг учун у кишига (алайҳиссалом) табибларни ҳам ожиз қолдирадиган мўъжизалар берилди. Ҳазрати Мусога (алайҳиссалом) сеҳрчи-жодугарларни ҳам мағлуб қиладиган мўъжизалар берилиши ҳам айни ҳикмат доирасидандир.

Пайғамбаримиз (солаллоҳу алайҳи ва саллам) набийликлари эса қиёматга қадар бутун замон ва макон-



ларни ўз ичига олгани учун у Зотга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўзларидан бурун ўтган барча пайғамбарда бор бўлган салоҳият, иқтидор ва мўъжизалар қўшиб берилган. Айни чоқда, ҳар ким у кишидан ўрнак ола биладиган даражада оддий инсон эдилар. Шу боис ҳам динни тарғиб қилишда жуда оддий – инсоний усулларни қўллаганлар.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) замонларида сўзни маромини келтириб ва раvon сўзлаш, яъни шеър айтиш маҳорати кучайган эди. Жамиятда сўз усталари обрў ва эътиборга сазовор эдилар. Илоҳий мўъжизалардан мақсад инсонларга таъсир этиш ва улар ичида энг устун ва обрўлиларини ҳам ром қилиш бўлгани учун Пайғамбаримизга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир қанча бошқа мўъжизалар билан бир қаторда барча мўъжизалардан устун бўлган Қуръони карим туширилди. Шунинг учун ҳам саодат асрида Қуръони каримни эшитган инсофлилар ҳеч шак-шубҳасиз биринкетин у кишига имон келтира бошлашди.

Ҳазрати Умарнинг (розияллоҳу анҳу) ёмон ният билан йўлга тушиб, Қуръони карим сураларини эшитгач яшин тезлигида бир эътиқодий қутбдан иккинчисига ўтиши бу ҳодисанинг энг жонли мисолидир.

Пайғамбарнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) муборак бармоқларидан сув оқиб чиқиши, озгина овқат юзларча кишини тўйдириши, дарахтлар у Зотга таъзим қилиб: “Ассалому алайка, йа Расулаллоҳ!” дейиши, Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) устида хутба ўқиган минбарнинг, суянган устуннинг инграши каби мўъжизалар ҳаммаси бир ён-у, то қиёматга қадар



Ўзгармайдиган Қуръони карим мўъжизаси бир ёндир. Яъни, Қуръони карим мўъжизалар мўъжизаси – энг устун мўъжизадир!

Бу хусус ояти карималарда бундай ифодаланади:

“Улар (кофирлар): “Унга (яъни, Муҳаммадга) ҳам Парвардигори оят-мўъжизалар туширса эди”, дедилар. Айтинг: “Оят-мўъжизалар ёлғиз Оллоҳнинг хузуридадир. Мен эса фақат (осийларни Оллоҳнинг азобидан) очиқ огоҳлонтиргувчиман, холос”” (Анкабут сураси, 50);

“Ахир уларга тиловат қилинаётган шу Китобни Биз сизга нозил қилганимиз улар учун етарли эмасми? Албатта, бу Китобда имон келтирадиган қавм учун раҳмат ва эслатма бордир” (Анкабут сураси, 51).

Бу ояти карималар ваҳийни илк эшитган арабларнинг даҳшат ичида Пайғамбаримиздан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) далил ишташларига жавобан нозил бўлган ва энг буюк мўъжизанинг Қуръони карим эканини очиқ-ойдин ифодалаган эди. Чунки Қуръони карим тамоман илоҳий бўлиб, ваҳийдир.

Ваҳий Оллоҳ таолонинг ҳидоят йўлини кўрсатадиган амр ва тақиқларини пайғамбарлари воситаси билан инсонларга сирли равишда билдиришидир. Инсонлар ақли маълум чегарага эга бўлгани учун илоҳий ва руҳий ҳақиқатларни идрок қилишдан ожиздир. Шунинг учун ҳам бу ҳақиқатларни Оллоҳ таоло пайғамбарларига ваҳий йўли билан билдиради. Бу маънода Қуръони карим илоҳий ҳақиқатларни ўзида жамлаган мўъжиза Китобдир.



Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳар ваҳий келганида башарий ҳолатдан узоқлашиб гўё фа-ришталар ҳолига ўтгандек бўлардилар. Шу боис у кишининг ҳолларида инсонларни ажаблантирадиган ман-заралар намоён бўларди.

Муборак вужудлари оғирлашиб кетарди. Масалан, бир гал ваҳий Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) туяда кетаётган пайтларида туша бошлади ва ваҳийнинг залворидан туя чўкиб қолди. Оёққа турмоқчи бўлганида эса оёқлари букилиб, синадиган даражага етди.

Зайд ибн Собитдан (розияллоҳу анҳу) бундай ривоят қилинади:

“Бир куни Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ёнларида эдим. Одамлар тиқилинч бўлгани учун (тизза-ма-тизза ўтирганимиздан) тиззалари тиззамнинг устида эди. Бирдан Пайғамбарга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ваҳий келганини ҳис қилдим – вужудлари болдир суягим синадиган даражада оғирлашиб кетди. Оллоҳга қасамки, ёнимда Пайғамбардан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бошқа киши бўлганида оғриқдан дод-вой чекиб, оёқларимни тортиб олган бўлардим” (Бухорий, Термизий).

Баъзан Оллоҳ элчиси (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ваҳий келганида шуурларини йўқотмаган ҳолда истиғроқ (яъни, ҳушдан кетгудай даражада ваҳий ҳолатига ғарқ) ҳолига тушар, димокларидан турли товушлар чиқиб, гўё арилар тўдаси виз-виз учган каби бўлар, кун совуқлигига қарамай муборак пешоналаридан терлар оқар эди.

Бундай ҳолни тутқаноқ (эпилепсия) деб баҳолашга уринган дин душманлари ҳам йўқ эмас. Аммо ваҳий



ҳолати билан тутқаноқ касаллиги ҳолати бутунлай бошқа-бошқа хусусиятдадир. Бу икки ҳолат ўртасида ҳеч қандай алоқа йўқ. Чунки:

1. Тутқаноққа чалинган хаста ҳушдан кетиб кейин ўзига келганида вужудида чарчоқ ва оғриқ ҳис қилади, руҳий дунёси остин-устин бўлганидан аччиқ изтироб чекади.

Ҳолбуки, Пайғамбаримизда (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кечадиган ваҳий ҳолатида бу каби кечинмалар бўлмайди. Аксинча, у Зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) икки ваҳий ўртасидаги вақт бекор кетаётгандай яна янги ваҳий келишини иштиёқ билан кутадилар, ваҳий келганида эса таърифлаб бўлмас даражада севинар эдилар.

2. Баъзан эса ваҳий келганида ҳам ундай ҳоллар юз бермайди, балки ҳар кунгидай табиий ҳолда яшаб юраверадилар.

3. Тиб илмидан маълумки, тутқаноқ хастаси ҳушидан кетганида тушуниш ва идрок қилиш қобилиятларини тамоман йўқотиб, атрофида бўлаётган нарсаларни билмайди. Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) эса ўзларига туширилган ваҳийни – башарий ҳуқуқ, ахлоқ, ибодат, қисса ва насихат каби жуда кўп яхшиликларни ўз ичига олган Қуръон оятларини одамларга етказарбилдирар эдилар.

Шундай экан, эси бор одам ўзи ўйлаб кўрсин: энг кичик сурасининг ҳам ўхшашини келтиришдан инсонлар ва жинлар ожиз бўлган бу Сўз тутқаноқ (эпилепсия) ҳолатининг маҳсули бўлиши мумкинми?! Асло!

4. Тутқаноқ билан хасталанган киши у хуруж килганида қаттиқ титрай бошлайди. Ваҳий асносида эса



бу нарса содир бўлмайди. Демак, ғайридинларнинг иддаолари таги пуч, бўш гаплардир, ўта катта тухматдир.

5. Шунингдек, тутқаноқ (эпилепсия) тутиб колганида хаста маъносиз сўзлар сўзлайди, ваҳий ҳолатида эса Пайғамбарда (соллаллоху алайҳи ва саллам) эса бундай ҳол ҳеч қачон кузатилмаган! Шу қиёсдан ҳам тухматчиларнинг иддаоларини бўшга чиқарадиган бошқа бир далил ўртага чиқади: яъни, у кишига нозил бўлган Қуръони карим бутун башариятни ожиз қолдирадиган даражадаги мукаммал маъноли Сўзлардир.

Қолаверса, шу нарса бир ҳақиқатки, дунёдан ҳар асрда юзминглаб тутқаноқ хастаси яшаб ўтади, аммо улар орасида қиёматгача коинотга ҳукм қиладиган мукаммал бир динни ўртага қўйган Пайғамбаримиз (соллаллоху алайҳи ва саллам) каби бирор шахс йўқдир.

1848 йили ғарб руҳонийларидан бири Франсуз Илмлар академиясига мурожаат қилиб, Пайғамбаримизга (соллаллоху алайҳи ва саллам) туширилган оятлар ваҳий эмас, тутқаноқ (эпилепсия) хасталиги хуружи натижаси экани ҳақида хулоса чиқариб беришни талаб қилганида франсиялик олимлар узун текширишлар натижасида инсоф билан хулоса чиқариб, Ҳазрати Пайғамбаримиздаги (соллаллоху алайҳи ва саллам) бу ҳол хасталик эмаслигини айтган эдилар. Улар 6666 оят нозил бўлиши каби буюк “хуруж”га бир хаста вужуд асло бардош бера олмаслигини илмий ва далилий йўллар билан исботлаб, ғарблик руҳонийнинг даъвосини рад қилган эдилар (Бу олимларнинг ушбу хулосасини проф. Ферудун Нофиз турк тилига таржима қилган).



Ваҳий тамоман илоҳий бир ҳодисадир. Башарий ҳол ва жараёнлардан буткул мустасно ва ташқаридадир. У сунъийлик имкони бўлмаган илоҳий бир ҳодисадир.

Шунинг учун ҳам Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) башариятга келтирган Қуръони карим таърифга сиғмайдиган даражада мўъжизаларга тўла.

Қуйида сирини идрок қилишдан ожиз бўлганимиз Каломуллоҳнинг нозил бўлиши билан алоқали баъзи мисоллар келтирмақчимиз.

I. Балоғат ва услуб

Қуръони карим мўъжиза эканини кўрсатадиган энг муҳим томонлардан бири унинг балоғати ва услубидир.

Балоғат муҳитга, мақсадга, мавзуга ва тингловчига қараб, яъни, ҳолат талаб этган шаклда энг уйғун сўзни айтишдир. Қуръони карим баҳс этган бутун хусусларда буни энг чиройли тарзда амалга оширгандир.

Қуръони карим фасоҳат жиҳатидан ҳам шоҳ Китобдир. Ундаги сўзлар, жумлалар ва уларнинг маъноларида кичик бўлса-да камчилик топиш маҳол иш.

Қуръони карим тил жиҳатидан ҳам мўъжиза Китобдир. Замонининг балоғат ва фасоҳатда тенги бўлмаган арабларни ва қиёматга қадар келадиган барча инсонунинг жинларни ўзига ўхшаш бирон сўз келтиришига чақирди, аммо қаршисига ҳеч ким чиқа олмади!

Бу хусусда илк ўлароқ Қуръони каримнинг Ват-тур сураси 34-оятда:



“У ҳолда агар ростгўй бўлсалар, ўзлари ҳам ўша (Қуръонга) ўхшаш бирон сўз – Китоб келтирсинларчи?” дея марҳамат қилинган эди.

Бу илоҳий хитоб қаршисида мушриклар ожиз қолишганидан кейин Жаноби Ҳақ уларнинг ожизиятини янада ошкорроқ қилди:

“Ёки: “Уни (яъни, Қуръонни Муҳаммад) тўқиб чиқарган”, дейдиларми? Айтинг: “У ҳолда, агар ростгўй бўлсангизлар, Оллоҳдан ўзга кучингиз етган барча бутларни (ёрдамга) чорлаб шунга ўхшаш ўнтагина “тўқилган” сура келтирингиз” (Худ сураси, 13).

Шунингдек, Юнус сураси 38-ояти каримасида бу ҳақиқат такрорланади:

“Ёки: “Уни (Муҳаммад) тўқиб чиқарган”, дейдиларми? Айтинг (эй Муҳаммад): “У ҳолда, агар ростгўй бўлсангизлар, Оллоҳдан ўзга кучингиз етган барча бутларни (ёрдамга) чорлаб шу (Қуръон)га ўхшаш биргина сура келтиринглар”.

Бақара сураси 23-оятида бу ҳақиқат яна бир марта такрорланагач, ниҳоят Ал-Исро сураси 88-оятида бу масалага нукта қўйилади:

“Айтинг: “Қасамки, агар бор инсу жин мана шу Қуръоннинг ўхшашини келтириш йўлида бирлашиб, бир-бирларига ёрдамчи бўлсалар-да, унинг ўхшашини келтира олмаслар!”

Бу даъват қаршисида бутун мункирлар (инкор этувчилар) мағлубиятга учраб, бугунга қадар Қуръон сура-ларига ўхшаш бирон нарса келтира олмаганлар ва келтира олмайдилар ҳам.



Қуръони карим сураларига ўхшатма (назира) ёзишга уринган Мусайлама тул Қаззоб (Ёлғончи Мусайлама) ва унга ўхшашлар эл ичида қулгига қолиб, “асар”лари аскияга мавзу бўлишдан нарига ўтмай, сохтакорликлари ошқор бўлган эди.

Қуръони каримнинг бир қанча суралари “Алиф, Лам, Мим, Ра, Ҳа, Ё, Син” каби “хуруфи муқаттаот” деб аталадиган ҳарфлар билан бошланган. Улардан баъзилари ўша сураларнинг бир ояти ҳисобланади. Муташибих ҳам деб аталадиган бундай оятларнинг маъноларини фақат Оллоҳ таоло билади. Бу масалада баъзи уламолар бундай фикрлар билдирган:

1. Оллоҳ таоло айрим суралар бошида бу ҳарфларни келтириш билан инс ва жинлар оламига бундай майдон ўқимокда:

“Қўлингиздаги Қуръоннинг калималари мана шу оддий ҳарфлардан ташкил топган. Марҳамат, агар кучингиз ва қобилиятингиз етса, сиз ҳам шунга ўхшаш нарсани келтиринг”.

2. Бу ҳарфлар ўзидан кейин келадиган мавзуларга ҳозирланишда диққатни тўплайдиган бир адабий усулдир. Зеро, баъзан сўзни пардали бошлаб ва масалани сирли имодан кейин изоҳ қилиш бу масалага янада кўпроқ диққат қилишга ёрдамчи бўлади.

3. Бу ҳарфлар таълим ҳарфлар билан бошланишига ишорат қилади. Зеро, араблар у кунга қадар ҳарфларнинг бу шаклда танҳо-танҳо ўқилишини билмасдилар. Буни уларга илк ўлароқ Қуръони карим ўргатди.



Хулоса қилиб айтганда, ҳуруфи муқаттаотнинг тўла сирини Жаноби Ҳақгина билади. Улар бутун башарият-ни ожиз қолдирган Қуръон ҳикматларидан биридир.

Услуб хусусиятлари

Қуръони карим шеър ҳам, насрий асар ҳам эмас. Аксинча, ҳам назмнинг, ҳам насрнинг хусусиятларини ўзида тўплаган бир услуби ва бу услубга ҳоким мудҳиш бир оҳанги ва ич мусиқаси бор. Одам қачон Қуръон ўқиса, бу ич оҳанг таъсирини руҳининг то энг чуқур ерларида ҳам ҳис қилади.

Қуръон назмида энг оз миқдорда бўлса ҳам илгарилаб кетиш ё секинлаб қолиш дарҳол унинг оҳангини бузади. Замонамизнинг машҳур уламоларидан мухтарам Муҳаммад Ҳамидуллоҳ Қуръон оҳанги билан боғлиқ бундай бир ҳодисани ҳикоя қилади:

“Мусулмонликни қабул қилган бир фаранг мусиқачиси Наср сурасини ўқишда “фи диниллаҳи афважа... фасаббиҳ...” деб ихфо қоидасини бузиб ажратиб ўқиш мусиқий жиҳатдан яхши эмаслигини айтди. Унга бу ерда “афважа” дея тўхталмаслигини, аслида “афважан-в-фасаббиҳ” (“н” ва “ф” ҳарфлари бир-бирига мос тушмай, шунинг учун ҳам “н”дан сўнгра “ф” таллаффуз этилмай туриб энгил бир “в” ҳарфи) ўқилишини изоҳ қилдим. Шундан кейин бу мусиқашунос биродаримиз дарҳол бундай деди:

— Имонимни тозаладим. Бу изоҳдан кейин мусиқийлик боқимдан ҳам Қуръони каримга ҳеч бир эътирозим қолмади. Унинг оҳанги башарий васфлардан



устун ўлчовга эгадир. Қуръон гўё оҳанглар тўпламидир. Бундай мукамал улуғ Қуръон ўрнига башарий бир нарсани қўйиш кимнинг ҳам хаёлига келиши мумкин?

Қуръони карим бу хусусияти билан инсонлар қалбига фавқулудда таъсир қилган эди. Араблар уни Расулulloҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) муборак оғизларидан эшитиб, жамоат-жамоат ҳолида Ислom динига кирган эдилар. Бутун мушриклар унга ўхшаш бирон нарса келтира олмаганларидан кейин Қуръони каримнинг балоғат ва фасоҳатини виждонан қабул қилган, аммо Қуръонни бир етимга нафсларини тобе этмаслик учунгина рад этган эди.

Мушрикларнинг бошлиқларидан Валид ибн Муғира Қуръонни тинглаганидан кейин куфрий ўжарлиги сабаби билан (Қуръонда таъкидлангани каби):

“Чунки (у Қуръонни эшитгач, бу илоҳий Китобга қандай тухмат қилиш тўғрисида) **ўйлади, режа тузди. Ҳалок қилингур, қандай режа тузди-я? Яна ҳалок қилингур қандай режа тузди-я? Сўнгра** у (ўйлаган режаларига) **қаради. Сўнгра** (Қуръондан бирон айб топа олмагач, пешонасини) **тириштирди ва** (афтини) **буриштирди. Сўнгра** (Ҳақдан) **юз ўгирди ва кибр-хаво қилди. Бас, у: “Бу** (Қуръон Оллоҳнинг сўзи эмас, балки) **фақат** (аввалгиларидан) **нақл қилинаётган бир сеҳрдир. Бу фақат башарнинг сўзидир”, деди**” (Муд-дассир сураси, 18-25).

Шунга қарамай, виждонининг овозига қулоқ солган пайтлари хайрат ва даҳшат ичида:

“Оллоҳга қасам, салгина олдин Муҳаммаддан бир сўз эшитдим: на инсон сўзи, на жин сўзи у! Бу сўзнинг



бир ширинлиги бор. Юқориси мевали, асоси тўла, замини сувлик. У шубҳасиз ғолиб келади, ҳеч ким ундан устун бўла олмайди!” дейиш билан Қуръони каримнинг эришиб бўлмайдиган балоғатини эътироф қилишга виждонан мажбур бўлган эди.

Халқни Қуръон тинглашдан ман қилган ақлсиз мушриклар барибир қизиқишлари устун келиб, кечалари Каъбада Қуръон ўқийдиган Пайғамбарга (соллаллоху алайҳи ва саллам) бир неча марта қулоқ солишган, тасодифан бир-бирини кўриб қолганида бир-бирини айблаб, кейин:

“Бу ҳолимизни ҳеч ким билмасин. Халқ бизнинг бу ҳолимиздан хабардор бўладиган бўлса одамлар ичида расво бўламиз ва сўзимизни кимса тингламайдиган бўлиб қолади”, деб, қилган ишларидан пушаймон бўлиб, бошқа бундай қилмасликка келишиб олар эди.

Қуръон услуби чексиз даражада таъсирли бўлгани учун бошқалар уни эшитиб қолмасин деб мушриклар ғала-ғовур кўтарар ёки турли бўлмағур баҳоналар билан Қуръон ўқишга изн бермас эди.

Қуръондаги бу оҳанг ва мусиқа ундаги товуш тартибидан, яъни, сўзларнинг, ҳарфларнинг, сукун ва ҳаракаларнинг, узун ва қиска бўғинларнинг энг уйғун шаклда тизилиш услубидан келиб чиққан. Кўп ҳолларда бир товушдан бошқасига ўтишда ҳосил бўлган оҳанги билан қалбларни ром қилади. Маъносини тушунмаганлар ҳам бу тенги йўқ садони эшитиб ўзларини унутадилар.

* * *



Қуръон услубида маъно ва лафз мувозанати бор. У англиштиши истаган ҳар маънони, энг кучли ва гўзал шаклда ифодалайдиган лафзни ўзгартириб бўлмайдиган бир куч билан ишлатади. Шу шаклда лафз ва маъно орасида мувозанатни “калом” сифатининг фақат эгасига хос тарзи билан ифодалайди.

Қуръони карим қисса, ваъз-насихат, тарих, илоҳий ҳукмлар, мантиқ, мунозара, охират, жаннат ва жаҳаннам каби мавзуларни, қўрқитувчи ва мужда берувчи оятларни маъноларига кўра ўз услубининг турли даражалари ичида фасоҳат ва балоғатнинг айни оҳангини қўриган ҳолда ифодалайди. Бу ҳам Қуръон илоҳий калом эканининг бир исботидир.

Қуръони карим айни пайтда турли замонларда яшган, илмий савияси ҳар хил бўлган инсонларга уларнинг савияларига кўра хитоб қилади. Турли савиядаги кўп киши иштирок этган мажлисда Қуръони карим оятлари ўқилганида иштирокчиларнинг ҳар бири ўз идрокига кўра Қуръоннинг маъноси бузилмаган ҳолда турлича англаб олади.

Қуръон услубида бир неча такрор нукталар борки, бу орқали ифодаланган ҳақиқатлар инсонларнинг зеҳни ва қалбларига нақш бўлиб қолади.

Қуръон услуби ҳам ақлга, ҳам қалбга бир хил даражада хитоб қилгани учун уни ўқиган ва эшитганлар ундан бирдай хузур ва нашъа олади.

Қуръон услуби Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳадиси шарифлари услубидан жуда фарқлидир. Айрим дин душманлари даъво қилаётганидек агар Қуръони карим Пайғамбар



(соллаллоху алайҳи ва саллам) сўзи бўлганида эди, унда ҳар томондан у кишининг ҳадисларига ўхшаши керак эди. Ҳолбуки, бундай ўхшашлик йўқ ва бўлиши мумкин ҳам эмас. Зеро, илоҳий Сўз билан инсоннинг сўзи ўртасидаги фарқни Пайғамбаримиз (соллаллоху алайҳи ва саллам) ўзлари бир гал: “Холиқ ва махлук” орасидаги фарқ, деб атаган эдилар. Ҳазрати Пайғамбаримизнинг (соллаллоху алайҳи ва саллам) ҳадиси шарифлари инсонлар сўзлари ичида энг устуни бўлишига қарамай, уларни балоғат ва фасоҳат жиҳатидан илоҳий Сўзга асло қиёслаб бўлмайди.

Башарий тақлиди мавжуд бўлмагани учун Қуръони карим ўзини “ичида ҳеч бир шубҳа бўлмаган Китоб” ўлароқ таърифлайди:

“Алиф, лом, мим. (Ҳақ эканлигига) ҳеч қандай шак-шубҳа бўлмаган ушбу Китоб ғойибга ишонадиган, намозни тўқис адо этадиган ва Биз ризқ қилиб берган нарсалардан инфоқ-эхсон қиладиган тақволи кишилар учун раҳбар-йўлбошчидир” (Бақара сураси, 1-2).

Қуръонда бир-бирига зид, қарама-қарши маъноли, камчиликли сўзлар ва эгрилик топилмайди. Шунинг учун ҳам ояти карималарда:

“Ахир улар Қуръон ҳақида фикр юритмайдиларми? Агар у Оллоҳдан бошқа биров томонидан бўлса эди, ундан кўп қарама-қаршиликларни топган бўлар эдилар-ку?” (Нисо сураси, 82);

“Аниқки, Биз ушбу Қуръонда одамлар учун турли мисоллар келтирдик. Шояд эслатма-ибрат олсалар. (Биз уни) бирон эгрилик эгаси бўлмаган арабий



Қуръон ҳолида (нозил қилдик)” (Зумар сураси, 27-28), дейилади.

Қуръони каримни қиёматга қадар кўриб-асраш Оллоҳ таолонинг зиммасидадир. У ботил аралашиси асло мумкин бўлмаган жуда улуғ ва ҳикматли бир Китобдир. Шунинг учун ҳам ояти карималарда:

“Албатта, бу эслатмани (яъни, Қуръонни) Биз Ўзимиз нозил қилдик ва шубҳасиз, Ўзимиз уни сақлагувчимиз” (Хижр сураси, 9);

“...Шак-шубҳасиз, у азиз-қудратли Китобдир. Ун-га олдидан ҳам, ортидан ҳам (ҳеч қандай) ботилноҳақлик келмас (яъни, Қуръони каримнинг ҳеч қайси томонидан бирон китоб ёки ҳужжат келиб уни ботил қила олмайди, чунки уни) ҳикмат ва ҳамду сано эгаси нозил қилган” (Фуссилат сураси, 41-42).

Қуръони карим ифода, маъно ва ҳукм жиҳатидан ҳам бир бутунликни ташкил қилади. Инсонлар айтадиган сўзлар эса гўзаллик ва қофия жиҳатидан доимо айни даражада бўлмайди. Бу сўзлар уларни ёзган ёки сўйлаган кишининг аҳволи ва ҳиссиётига кўра ўзгариб туради.

Қуръоннинг услуби ва ифодаси бошдан-охиригача ўхшаши йўқ гўзаллик ва уйғунлик ичидадир. Оятлардаги маъно, ҳукм ва хабарлар яратилиш бошидан охирагача қадар ҳар нарсани ўз ичига олгани ҳолда бир-бирига мос ва уйғундир. Бу ҳақиқатларни тушиниб етишнинг ўзигина Қуръони каримда башарий аралашув йўқлигини, уни Оллоҳ таоло туширганини идрок қилиш учун етарлидир.



Қуръони каримнинг бу хусусиятлари у нозил бўлган кундан бошлаб қиёматга қадар давом этажак. Оллоҳ тало уни ҳар қандай бузилиш ва таъсирлардан қўриyajак. Шунинг учун ҳам етмиш йил худосизлик ва коммунизм зулми остида яшаган Ислому ўлкаларида Қуръон ўқиш ва ўқитиш таъқиқлангани ҳолда улуғ Каломуллоҳ илоҳий таъминот остида бўлгани учун энг кичик бир ўзгаришга учрамаган.

II. Қуръони каримнинг башарий аралашувлардан поклиги

Қуръони каримга ҳатто Ҳазрати Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳам бирон ўзгартириш киритмаганлар, кирита олмас эдилар ҳам. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳаётларида бу хусусни исботлайдиган кўплаб мисоллар бор.

Ваҳийнинг кечикиши

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳаётларида шундай воқеалар бўлар эдики, шу онда жавоб беришлари керак бўлса ҳам ваҳий келиши кечикар эди. Масалан, тухмат ҳодисасида бўлгани каби.

Бани Мусталик ғазвасидан қайтишда мунофиқлар ҳазрати Ойша (розияллоҳу анҳу) онамизга номус масаласида тухмат килдилар. Бу ҳақдаги миш-мишлар ҳар томонга тарқалиб, мусулмонлар изтироб ичида қолишди.



Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу ҳақда эҳтиёт билан:

“Мен унинг ҳақида яхшиликдан бошқа нарсага гувоҳ бўлмаганман”, дейишдан нарига ўта олмас эдилар.

Ишни тадқиқ ва таҳлил қилиб, саҳобалар билан кенгаширдан кейин ҳазрати Ойшага қарата:

“Менга қара, эй Ойша! Сен ҳақингда баъзи сўзлар эшитдим. Агар маъсум бўлсанг, Оллоҳ сени софликка чиқаражак. Агар гуноҳга ботган бўлсанг, Оллоҳдан афв иста”, дедилар.

Бу ғойибни билмаган бир башарий ифода эмас эди. Асл ҳақиқат эса Оллоҳ таоло билдирган замон маълум бўлажакдир.

Нихоят, орадан бир ой ўтиб Нур сураси нозил бўлди. Ҳазрати Ойша онамизнинг маъсумлиги маълум бўлди. Агар Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Қуръони каримга ўз истақларича қўшимча ёки ўзгартириш киритишни истаганларида эди, бу тухмат ёйилган пайтда ўз сўзларини ваҳий деб эълон қилиб, ҳиссиётларига кўра ҳаракат қила олар эдилар.

Яна бир мисол:

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Каъба қибла бўлишини истар эдилар. Бунинг учун ҳижратнинг ўн олтинчи ойига қадар кутиш мажбуриятида қолдилар. Шундан кейин қибла Байтул Макдисдан Каъба томонга ўзгартирилди. Жаноби Ҳақ Расулulloҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) орзуларини қабул қилиб, ушбу оятларни туширди:



“Ғоҳо юзингиз самода кезганини кўрамиз. Бас, албатта, Биз сизни ўзингиз рози бўладиган қиблага бурамиз. Юзингизни Масжид ал-Ҳаром (Макка) томонга буринг! (Эй мўминлар) сизлар ҳам қаерда бўлсангизлар, юзларингизни у тарафга буринглар! Китоб берилган Зотлар албатта бунинг Парвардигорларидан (келган ҳақ ҳукм) эканини биладилар. Оллоҳ улар қилаётган амаллардан ғофил эмасдир” (Бақара сураси, 144).

* * *

Коинотда содир бўладиган бутун жараёнлар илоҳий иродага мос равишда содир бўлади. Кузда дарахт япроқларининг тушиши ҳам илоҳий иродага боғлиқдир. Акс ҳолда коинотда тартибсизлик келиб чиқади. Пайғамбарларнинг ҳам бутун амал ва ҳаракатлари Оллоҳнинг иродаси билан амалга ошади.

Ояти каримада бу ҳақда бундай дейилади:

“Ва у (сизларга келтираётган Қуръонни) ўз ҳавойи хоҳиши билан сўзламас. У (Қуръон) (фақат Оллоҳдан пайғамбарга) ваҳий қилинаётган (туширилаётган) бир ваҳийдир” (Ван-нажм сураси, 3-4).

Пайғамбарлар тирикликларида улар келтирган китобларга инсоний аралашувни тасаввур қилиш имконсиз. Таврот, Инжил ва шунга ўхшаш китоблардаги ўзгартиришлар пайғамбарлар вафотидан кейин содир бўлган. Қуръони карим ҳақида эса Жаноби Ҳақ:

“Албатта, бу эслатмани (яъни, Қуръонни) Биз Ўзимиз нозил қилдик ва шубҳасиз, Ўзимиз уни сақлагувчимиз” (Ҳижр сураси, 9), дея марҳамат қилди ва



шу тарзда уни қиёматга қадар Ўз таъминотига олганини ва башарий ўзгартиришлардан кўријағини эълон этди.

* * *

Табук ҳарбида узрсиз орқада қолган уч кишининг аҳволи ҳам диққатни ўзига тортади. Булар Каъб ибн Малик, Мурора ибн Раби, Ҳилол ибн Умайя эдилар.

Тавбалари қабул қилингунига қадар уларга “биров билан гаплашиш тақиқланди”. Саҳобалар улар билан кўришишмас ва ҳатто саломлашишмас эди. Бу уч киши ўзлари ҳақида ояти карима нозил бўлгунига қадар кутишга мажбур бўлдилар.

Бу кутиш эллик кун давом этди ва шундан кейин тавбалари қабул қилингани ҳақида оят тушди:

“Яна, ўша уч кишининг (тавбаларини ҳам қабул қилдики), то уларга кенг ер торлик қилиб қолгунча ва диллари сиқилиб, Оллоҳнинг (ғазабидан) фақат Ўзига тавба қилиш билан қутулиш мумкин эканини билгунларича (тавбалари) қолдирилган эди (яъни, тавба қилишга муваффақ бўлмаган эдилар). Сўнгра (Оллоҳ) тавба қилиш учун уларга тавба йўлини очди. Албатта, Оллоҳ тавбаларни қабул қилгувчи, меҳрибондир” (Тавба сураси, 118).

Агар Пайғамбар (соллаллоху алайҳи ва саллам) ваҳийга аралашув имконлари бўлса эди, эллик кун кутмай ўз билганларича яхши ёки ёмон ҳукмдан бирини берган бўлар эдилар.

Оллоҳ таоло Қуръонда башарий аралашув йўқлигини Ал-Ҳааққа сурасининг 44 – 47-оятларида мана бундай ёзилиб билдирган:



“Агар (пайғамбар) бизнинг шаънимизга (Биз айтмаган) айрим сўзларни тўқиб олганида; Албатта, Биз унинг ўнг қўлидан ушлаган, сўнгра албатта унинг шохтомирини узиб ташлаган бўлур эдик. У ҳолда сизлардан бирон киши ундан (яъни, пайғамбардан ҳалокатни) тўса олгувчи бўлмас эди”.

Ваҳий Ҳазрати Пайғамбарни огоҳлантириши

Баъзан ваҳий Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) орзу қилмаган шаклда нозил бўларди. Қуръон баъзан Расулulloҳнинг нуқтаи назарлари хато эканини ҳам билдирарди. Баъзан у киши истамаган нарсани амр қилар, агар бу ҳақда тараддудга тушсалар, шиддатли тарзда огоҳлантирар эди. Бу ишлар ҳатто энг аҳамиятсиз саналган нарсалар учун ҳам содир бўларди.

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) аммалари Умайманинг қизи, асранди ўғиллари Зайд ибн Хорисанинг хотини Зайнаб бинти Жаҳшнинг кейинчалик ўзларига хотин бўлишини ваҳий йўли билан билганлари ҳолда буни жамият тўғри тушунмаслигини ўйлаб сир сақлаганларида бунга жавобан қуйидаги оят нозил бўлди:

“Эй Муҳаммад,) Эсланг, сиз Оллоҳ (Исломга ҳидоят қилиш билан) инъом-марҳамат қилган ва сиз (қулликдан озод қилиб, ўзингизга ўғил қилиб олиш билан) инъом қилган кишига (яъни, Зайд ибн Хорисага): “Жуфтингни ўз ҳузурингда ушлагин (яъни, талоқ қилишга шошмагин), Оллоҳдан қўрқкин”, деб



Оллоҳ ошкор қилгувчи бўлган нарсани ичингизга яширган эдингиз ва Оллоҳдан қўрқингиз ҳақроқ бўлгани ҳолда, сиз одамлардан (яъни, уларнинг таъна қилишидан) қўрққан эдингиз. Бас, қачонки, Зайд ундан (яъни, Зайнабдан) ҳожатини адо қилгач (яъни, уни талоқ қилгач), Биз сизни унга уйлантирдик. Токи мўминларга асранди болалари ўз хотинларидан ҳожатларини адо қилишгач (яъни, уларни талоқ қилишгач), уларнинг (хотинларига уйланишларида) танглик бўлмаслиги учун (шундай қилдик). Ва Оллоҳнинг амри иродаси қилингувчи бўлди” (Ахзоб сураси, 37).

Бу танбеҳ билан илоҳий муродни сир сақлаш хато экани билдирилди ва одамларга ҳам эълон этиш амр қилинди.

Болаларни асраб ўғил ё қиз қилиб олиш жоҳилият давридан қолган одат эди. Бу ояти карима билан Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўзларига авлодликка қабул қилган Зайд ибн Хорисанинг талоқ қилинган хотинига уйланишлари буюрилиб, Ислом ҳуқуқида “табанни”, яъни, асранди болалар ҳеч қачон ўғил ё қиз бўлмаслиги, уларни асл отаси номи билан чақириш лозимлиги қонуни ўртага қўйилди, асраб ва авлод қилиб олиш бекор қилинди.

Шунингдек, Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу ҳақда Видо хутбаларида:

“Чақалоқ кимнинг ётоғида туғилган бўлса, ўшанга оиддир”, деган эдилар.

Бир куни Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) аёллари Зайнаб бинти Жаҳш (розияллоҳу анҳа) уйида



асал шарбати ичдилар ва шу сабаб билан бу аёлларининг уйида узоқроқ қолдилар. Бу ҳолга рашклари келган аёллари оналаримиз Ойша ва Ҳафсалар ўзаро келишиб, Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ёнларига келганларида муборак оғизларидан мағафир (саримсоқ ҳидига ўхшаш ҳиди бўлган таом) ҳиди келаётганини айтдилар. Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мағафир емаганларини айтдилар. Сўнг ўйлаб: “Демак, асаларилар мағафир еган экан”, дедилар ва қайта асал емасликка қасам ичдилар. Бу қасам хато эканини билдириш мақсадида мана бу ояти карима нозил бўлди:

“Эй пайғамбар, нега сиз жуфтларингизнинг розилигини истаб, Оллоҳ сиз учун ҳалол қилганни ҳаром қилиб олурсиз? Оллоҳ мағфиратли, меҳрибондир”
(Таҳрим сураси, 1).

Агар Қуръонда башарий бир аралашув бўлганида эди, бу ояти карималар Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳиссиётларига кўра ифодаланган бўлар эди.

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Табук жангига боришни истамаган саксон кишининг баҳоналарини қабул қилганларида эса ушбу илоҳий огоҳлантириш нозил бўлди:

“(Эй Муҳаммад,) Оллоҳ сизни афв қилди. (Лекин) нима учун то сизга ростгўй кишилар аниқ бўлиб, ёлғончиларни ҳам аниқ билгунингизча (яъни, уларнинг ёлғон қасамларига ишониб) уларга (жиҳодга чиқмаслик учун) изн бердингиз?” (Тавба сураси, 119).

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) амакилари Абу Толиб учун афв тилашни истаганларида:



“На пайғамбар ва на мўминлар – агар мушриклар кариндошлари бўлса ҳам – уларнинг дўзах эгалари эканликлари аниқ маълум бўлганидан кейин у мушриклар учун мағфират сўрашлари жоиз эмасдир” (Тавба сураси, 113).

Бу ерда ҳам Оллоҳ элчиси (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) илоҳий йўл билан огоҳлантирилдилар.

Яна Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мунофиқларнинг бошлиғи Абдуллоҳ ибн Убай ибн Салулнинг солиҳ ва содик ўғли Абдуллоҳнинг қайта-қайта илтимосига кўра унинг отасига жаноза намозини энди ўқимокчи бўлиб турганларида огоҳлантирувчи ушбу ояти карималар нозил бўлган:

“Улардан биронтаси ўлса, зинҳор унинг (жаноза) намозини ўқиманг ва қабри устига ҳам бориб турманг! Чунки улар Оллоҳ ва унинг пайғамбарига кофир бўлдилар ва итоатсиз ҳолларида ўлдилар” (Тавба сураси, 84).

Бу мисоллар ва бу ояти карималар Қуръони карим башарий аралашувлардан нақадар узоқ эканини кўрсатиш учун етарлидир.

Бадр урушида мусулмонлар етмиш кофирни асир олишди. Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу асирларга қандай муомала қилиш ҳақида саҳобалари билан маслаҳатлашдилар. Ҳазрати Умар (розияллоҳу анху) асирларни ўлдиришни, бошқа саҳобалар эса улардан жон эвазига фидя олиб қўйиб юборишни таклиф этишди. Ниҳоят, фидя олиб уларни қўйиб юборишга қарор қилинди. Бунга жавобан:



“Бирон пайғамбар учун (аввалдан) то ерда ғолиб бўлмагунича асир олиш жоиз эмас эди. (Эй мўминлар,) сизлар дунё нарсаларини истамокдасиз, Оллоҳ эса охират (неъматлари сизларники бўлиши)-ни истайди. Оллоҳ қудратли, ҳикматлидир” (Анфол сураси, 67);

“Агар Оллоҳнинг ҳукми азалийсида (билмасдан қилинган хатони кечириши) ёзиб қўйилмаганида эди, албатта сизларга товон олганларнинг сабабли улуг азоб етган бўлур эди” (Анфол сураси, 68).

Бу огоҳлантирувчи оятларнинг тушишига сабаб:

1. Бадр урушида олинган асирлар, гарчи улар учун фидя олиб бўлса-да, қўйиб юборилса, бу билан душман харбий жиҳатдан кучайиб кетиши муқаррар экани;

2. Исломда урушнинг сабаби “эълои калиматуллоҳ” (яъни, Оллоҳ Сўзини олий қилиш) ва тавҳидни ёйиш учундир. Ғоя бундай бўлатуриб фидя олароқ асирларни қўйиб юбориш тижорат ишига ўхшагани учун мусулмонларга ўз ғояларидан узоқлашганларини билдиришдан иборат эди.

Юқоридаги оятлар каби бу ояти карималар ҳам Қуръоннинг башарий аралашувдан пок эканига қатъий бир далилдир.

Бу оятлар нозил бўлмаган пайтда Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир мужтаҳид холида эдилар. Бу оятда танкид қилинган хусус асирларга чиқарилган ҳукмнинг мазмунига оиддир. Бу ерда тўғри бўлганини танлаш ўрнига манфаатга майл бор. Оятда асирлар ҳақида қарорнинг хато қарор экани билдирилганидан кейин унинг татбиқоти қабул қилинмоқда. Бу эса Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ва



саҳобаларнинг қалбини роҳатлатди. Шунинг учун ҳам бу ояти карималарда ўзига хос огоҳлантириш усули бордир.

Кейинги оятларда бу хато афв қилингани баён қилинади:

“Энди ўлжа қилиб олган нарсаларингизни ҳалол-пок ҳолда еяверинглар ва Оллоҳдан қўрқинглар! Албатта, Оллоҳ мағфиратли, меҳрибондир” (Анфол сураси, 69).

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Қурайш раҳбарларига Ислом динини тушинтирар эканлар, сал олдинроқ мусулмон бўлган кўзлари ожиз Абдуллоҳ ибн Умми Мактум (розияллоҳу анху) у кишидан панд-насихат истади. Лекин қаршисидаги обрўли кишиларни ранжитишни истамаган Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу кишига эътибор бермадилар. Бу киши қайта-қайта илтимос қилавергач, Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) юзларини ундан бошқа томонга буриб олдилар. Шунда зудлик билан ушбу оятлар нозил бўлди:

“Энди (ўз мол-мулки билан) имондан истиғно қилиб турган кимсага келсак; Бас, сиз ўшанга иқбол қилиб юзланмоқдасиз! Ҳолбуки, у (ўзининг куфридан) покланмаслиги сабабли сизга бирон зиён етмас! Энди (Оллоҳдан) қўрққан ҳолида олдингизга югуриб-елиб келган кишига келсак; Бас, сиз ундан чалғиб юз ўгириб олмоқдасиз! Йўқ, (сиз асло бундай қилманг). Албатта, (Қуръон оятлари) бир панд-насихатдир. Бас, ким хоҳласа ундан панд-насихат олур” (Абаса сураси, 5-12).



Бу ояти карималардаги огоҳлантириш ва танқид Пайғамбарга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) тегишли бир залладир. Залла – пайғамбарлар қилган ғайриродавий хато. Бу хатолар пайғамбарларга илоҳий бир мурод сабаби билан ва ғояга боғлиқ ҳолда содир қилдирилади.

Биринчи сабаб: пайғамбарларга жаннат аниқ ваъда қилингани ҳолда улар ўзларининг ожиз банда эканликларини ҳис қилсинлар, ўзларининг илоҳий лутфга сазовор бўлганликларини билиб, бу йўлда ғайрат кўрсатишлари учундир.

Шунинг учун ҳам ояти каримада:

“Энди, албатта, пайғамбар юборилган кишилар билан ҳам, юборилган пайғамбарлар билан ҳам савол-жавоб қилурмиз. Энди, албатта, уларга билган холимизда (қилиб ўтган ишлари ҳақида) сўйлаб берурмиз. (Зотан,) Биз ғойиб – йўқ эмас эдик (балки барча нарсага гувоҳ бўлиб турган эдик)” (Аъроф сураси, 6-7).

Иккинчи сабаб: Оллоҳ танлаб олган бандаларининг бундай огоҳлантиришларга бўйин эгиб, бунга ўхшаш ҳаракатлардан узоқ туриш билан Куръон ахлоқига эришишлари учундир.

Учинчи сабаб: уммат ўз пайғамбарлари инсоний сифатларга эга эканларини кўришлари ва уларга илоҳий сифат бермасликлари учундир.

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) фикрлари хато эканини билиб, оятлардаги аччиқ танқидлар у Зотнинг пушаймонлигини билдирувчи виждоний ифодалар бўлганида эди, ўзлари ҳақида бу қадар очиқ-ойдин фикрларни ифода қилмаган бўлур эдилар.



Яъни, бу масалаларда сукут сақлаб, ўз камчиликларини яширмасми эдилар?

Ваҳийнинг мужмал келиши

Баъзан илоҳий амрлар Пайғамбарга (соллаллоху алайҳи ва саллам) мужмал ҳолда келарди.

Мужмаллик – маъноси сирли бўлиб, баён қилинганидан кейин тушуниладиган ифодалардир.

Оллоҳ таоло тарафидан очикловчи бир баён келмагунича Пайғамбар (соллаллоху алайҳи ва саллам) мужмал оятларни ўзлари очикламас эдилар. Бунга мисол сифатида ушбу оятни кўрсатишимиз мумкин:

“Самоват ва ердаги бор нарса Оллоҳникидир. Ичингиздаги нарсани хоҳ ошкор қилинг, хоҳ яширинг, Оллоҳ сизларни ўша нарса билан ҳисоб-китоб қилади...” (Бақара сураси, 284).

Бу ояти карима нозил бўлганидан кейин қалбларидан ғайри иродавий ҳолда кечган фикрлари учун ҳам ҳисобга чекилишидан кўрққан саҳобалар:

“Ё Расулulloҳ, бу оятнинг маъноси нима”, деб сўрашди.

Пайғамбар (соллаллоху алайҳи ва саллам):

“Бунима деган гап? Ёки сизлар ҳам аҳли китобга ўхшаб “Тингладик, аммо исён қилдик” демоқчимисизлар? Сизлар “Эшитдик ва итоат этдик. Эй Роббимиз, бизларни мағфират айла, қайтиш Ўзинггадир”, денглар”, деб жавоб бердилар.



Оятнинг маъноси мужмал бўлгани учун бир очиклик келтирмадилар. Ожизлик ичида қолиб саҳобалардан Оллоҳга таслим бўлиб, таваккул қилишларини маслаҳат бердилар. Бир муддат ўтганидан кейин ушбу оятлар тушиб, сирли маъно қуйидагича очикланди:

“Оллоҳ ҳеч бир жонни тоқатидан ташқари нарсага таклиф қилмайди. (Ҳар кимнинг) қилган (яхши) амали ўзи учундир (ёмон) амали ҳам ўзининг бўйнигадир. Парвардигоро, агар унутган ва хато қилган бўлсак, бизни азобингга гирифтор айлама! Парвардигоро, бизларнинг зиммамизга биздан илгари ўтганларнинг бўйинларига қўйган юкингни юклама! Ў Парвардигоро, бизларни тоқатимиз етмайдиган нарсага зўрлама! Бизларни афв эт, (гуноҳларимизни) мағфират қил, (ҳолимизга) раҳм айла! Ўзинг ҳоҷамизсан! Бас, бу кофир қавм устига Ўзинг бизни ғолиб қил” (Бақара сураси, 286).

Саҳобалар бу оятлар нозил бўлганидан кейин қалбларидаги хавотирлардан қутулиб, “тоқатлари етадиган нисбатда” масъул эканликларини англадилар.

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) оятлар мужмал нозил бўлганида очикловчи ҳукмлар келгунича ўзларича изоҳ бермаганлари пайғамбарлик ҳақиқатларидан бири бўлиб, Қуръони каримнинг илоҳий манбадан эканлигига шак-шубҳасиз бир далилдир. Акс тақдирда бундай маълумот умуман берилмас, берилганида ҳам маълумот билан бирга очикловчи ифодалар тушган бўлар эди.

Ҳижратнинг олтинчи йилида ҳақнинг ботилдан устун келишининг бутун сабаблари ўртага чиққан, Каъбани



тавоф қилишга қарор берилган эди. Худайбияга қараб йўлга чиқилганида Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) туялари Қасва чўкиб қолди. Саҳобалар уни Ҳарамга тўғри йўлга солишга уринишса ҳам бунинг удасидан чиқа олишмади ва:

“Қасва чарчаб чўкиди”, дейишди.

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бунга жавобан:

“Қасва чарчамади. Унинг чўкиб қоладиган одати йўқ. Аммо Абраҳанинг филини тўхтатган Қасвани ҳам тўхтатди”, дедилар.

Бу Жаноби Ҳақдан Расулulloҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) келган бир ишорат эди. Яъни, Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Абраҳанинг филини Оллоҳ таоло қандай тўхтатган бўлса, бу туяни тўхтатган ҳам Оллоҳ таолодир”, демоқчи эдилар. Маккага хоҳ хужум билан, хоҳ уни мудофаа мақсадида уруш қилиб киришга изн берилмади. Бу нарса Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) пок қалбларига билдирилган бир ҳақиқат эди.

Сиртдан мағлубият бўлиб кўринган бу воқеага, Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қайтарганларига қарамай, эътироз этган ҳазрати Умарга:

“Мен Оллоҳнинг элчисиман. Унга исён қилмайман. Ёрдამчим ҳам фақат Унинг Ўзидир”, деган эдилар.

Яна, ўша пайтда мушриклар билан Худайбияда тузилган шартнома ҳам ташқаридан мусулмонларнинг зарарига тузилгандек эди. Фатҳ сураси нозил бўлиб, бу ишнинг ҳикмати ва муждалари билдирилди. Илк қарашда таслимият бўлиб кўринган бу чекинишнинг кейинча-



лик зафар ва фатҳ эканлиги маълум бўлди. Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бошда изоҳламаган бу ҳодиса моҳияти орадан икки йил ўтганидан кейин очилди. Бу сулҳдан кейин кўплаб кишилар Ислому динига кирди – бу икки йил ичида мусулмон бўлганларнинг сони бунгача мусулмон бўлганлар сонига тенг эди.

* * *

Қуръони каримда бунга ўхшаш мисоллар кўп. Қуръоний мўъжизаларни умумий ўлароқ кўриб чиқаётганимиз учун тафсилотларга тўхталмоқчи эмасмиз. Чунки Қуръоннинг ҳар мўъжизасининг тафсилоти бир китобга сиғмайдиган даражададир.

Ваҳий энди нозил бўла бошлаган пайтлари Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) оятларни унутиб қўймаслик учун уларни тез-тез такрорлар, доимо лаблари пичирлаган ҳолда бўлар эди. Агар Қуръони карим Пайғамбарнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўз ижодлари бўлганида эди, бундай қилишга эҳтиёж қолармиди?

Оллоҳ таоло қуйидаги оятлар билан Пайғамбарини (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу ишдан қайтарди, ваҳийни қўриш ишини ўз зиммасига олганини билдирди:

“(Эй Муҳаммад, Қуръонни) тезроқ (ёдлаб) олиш учун тилингизни у билан қимирлатмай-пичирлатмай қўяколинг. Зеро, уни (сизнинг дилингизда) жамлаш ҳам, (тилингизда) қироат қилдириш ҳам Бизнинг зиммамиздадир. Бас, қачон Биз (яъни, Жаброил фаришта) уни (яъни, ҳар бир ваҳийни) ўқиб битирганимиздан сўнггина уни ўқишга эргашинг. Сўнгра уни



– **Қуръонни баён қилиб бериш ҳам албатта Бизнинг зиммамиздир**” (Қиёмат сураси, 16-19);

“**(Эй Муҳаммад,) сиз (Қуръон) ваҳийси битишидан илгари қироат қилишга шошманг ва айтинг: “Парвардигорим, илмимни янада зиёда қилгин”**” (Тоҳа сураси, 114).

Бу оятлар ҳам Қуръони карим ўзидан-ўзи нозил бўлмаганининг, илоҳий манбадан туширилганининг далилидир.

* * *

Усмон ибн Мазъун вафот қилганидан кейин ансория бир аёл:

“Мен Оллоҳ таолонинг сени шарафли бир ерга қўйганига шохидман”, деди.

Буни эшитган Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):

“Уни Оллоҳ шарафли ерга олганини сен қаердан билдинг”, дедилар ва вафот қилганлар ҳақида фақат яхшилик исташ ва дуо қилиш лозимлигини ушбу сўзлари билан ифода қилдилар:

“Ҳар ўтувчи каби у ҳам ўлди, унинг оқибати яхшилик бўлишини истаймиз”.

Бу хусусда Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўзларини ҳам ожизлик ичида кўриб:

“Мен Оллоҳнинг элчиси бўлсам ҳам, оқибатим нима бўлишини билмайман”, дер эдилар.

Бу эса, Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) доимо таслимият ва ожизлик туйғулари билан яшаган-



ларига бир ишоратдир. Ҳолбуки, ўз мавқеини кучлантиришни истаган киши доимо қатъий тарзда гапиради. Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ожизлик ва дуо холида бўлар эдилар.

Демак, ғойибни билмаслигини очикча ифода қилган Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ғойибдан сон-саноксиз хабарлар келтирган Қуръони каримни ўзлари ёзганликлари инсон идрокига сиғмайдиган бир иддаодир.

III. Ғойибдан хабарлар бериши

Қуръони карим ғойибдан хабарлар беради. Бу хабарлар ҳам унинг очик мўъжиза эканини кўрсатади.

Қуръони карим ўз ичига олган мозийга оид маълумотларни айнан ҳаётда содир бўлган тарзда ифодалайди. Милодий еттинчи асрда Маккада бу маълумотларни билувчи на бир илмий муассаса ва на бир инсон бор эди. Бу воқеалар ҳақидаги тарихий маълумотлар тужжорлар орасида тилдан-тилга ўтиб юрадиган форсий ҳикоялардангина иборат эди. Ҳолбуки, Қуръондаги мозийга оид маълумотлар бир бутунлик холида бўлиб, улар ҳеч бир инсон ақли ва фаросати ёрдамида ёза оладиган маълумотлар эмас.

Шундай экан, ақлли инсон бир ўйлаб кўрсин! Жоҳил бир жамиятда туғилиб, уммий ҳолда ўсган бир инсон илоҳий бир манбадан фойдаланмай туриб Қуръоннинг маъноларига манба бўла оладими?

Йўқ! Асло бундай бўлиши мумкин эмас!



Мана шу ҳолнинг ўзи ҳам Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) келтирган бутун хабарлар Оллоҳ таолонинг даргоҳидан ваҳий қилинганига кучли бир далил-дир. Бу ҳақда ояти карималарда бундай дейилади:

“(Эй Муҳаммад,) Ғайб (номаълум) хабарлардан бўлган бу хабарни сизга Биз ваҳий қилмоқдамиз. Ҳолбуки, сиз улардан қайсилари Марямга кафил бўлишини билиш учун қаламларини (қуръа қилиб) ташлаганларида уларнинг олдида эмасдингиз ва таллашиб-тортишганларида ҳам уларнинг олдида эмасдингиз” (Юсуф сураси, 102);

“Сиз (ўзингизга Қуръон нозил қилинишидан) илгари бирон китобни тиловат қилгувчи бўлган эмас эдингиз ва ўз қўлингиз билан хат ҳам ёзган эмас эдингиз. Акс ҳолда бузғунчи кимсалар, албатта, шубҳага тушган бўлур эдилар” (Анкабут сураси, 48);

“(Эй Муҳаммад,) Биз сизга ушбу Қуръон (сураси)ни ваҳий қилиш билан қиссаларнинг энг гўзалини сўйлаб берурмиз. Ҳолбуки, у (Қуръон нозил бўлишидан)дан илгари, сиз (бу қиссадан) хабарсиз (кишилардан) бири эдингиз” (Юсуф сураси, 3).

Ҳақиқатан ҳам у пайтлар Од ва Самуд қавмининг ҳалокати ва Нух тўфони ҳақидаги маълумотлар чалачулпа ҳолда мавжуд эди. Фақат Қуръони карим буларни аниқ баён қилиб бердики, ҳатто бугунги тарих ва фалсафа илмлари ҳам буни инкор эта олмайди. Яъни, илмий ҳақиқатларга ҳам жуда мос келади.

Аҳли Китобнинг фикрига кўра, Асҳоби Каҳф ғорларда уч юз қуёш йили давомида қолишган. Қуръони карим уларнинг ғорда уч юз йил қолганини, бунга тўққиз йил



илова қилинганини ҳам билдиради. Бу тўққиз йил шамсий ва камарий йил орасидаги вақт фарқидан иборатдир.

Ояти каримада:

“Улар қахфда – ғорларида уч юз йил турдилар ва яна тўққиз йилни зиёда ҳам қилдилар” (Кахф сураси, 25).

Еттинчи асрда Маккада илм йўқ даражада, ҳар соҳада жаҳолат ҳукмрон эди. Масалан, кўшиш ё айириш каби оддий амаллар ҳам йўқ эди. Сонларни ифодаловчи рақамлар йўқ эди. Рақамлар фақат калималар билан ифодаланар ва ёзилар эди. Бу оят нозил бўлганида Макка барча нарсаларда бўлгани каби арифметикада ҳам буюк жоҳиллик ичида бўлгани учун ёзишни ва арифметикани билмаган саводсиз бир жамият ва улардан чиққан бир саводсиз Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай аниқ ҳисобни қаёқдан ҳам биларди?

Қуръони каримда кейинги замон заколарини ҳам лол қолдирувчи бу каби маълумотлар жуда кўп. Бу маълумотлар жоҳил жамиятнинг ва саводсиз бир кишининг ижоди бўлиши мумкинми?

Пайғамбарнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) устозлари Оллоҳ таолонинг Ўзи эди. Шунингдек, илоҳий амрларга итоат қилган “ар-Рухул Амин” (Жаброил) ҳам Пайғамбаримизга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) муаллимлик қилаётган эди. Унинг вазифаси Оллоҳ таолондан олган маълумотларини айнанлигича Пайғамбарга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) етказишдан иборат эди.

* * *



Қуръон келажакка оид ғайбий хабарлар берган, замони келганида бу хабарлар Қуръон билдирган шаклда воқеъ бўлган ва воқеъ бўлишда давом этмоқда.

Қуръон ҳеч бир замон ўз кучини йўқотмаяжак. У доимо фан ва илмдан олдинда кетмоқда.

Ояти каримада бундай дейилади:

“Шак-шубҳасиз, у азиз, қудратли китобдир. Унга олдидан ҳам, ортидан ҳам ботил ҳақсизлик келмас, (чунки уни) ҳикмат ва ҳамду сано эгаси нозил қилган” (Фуссилат сураси, 41-42).

Қуръон ўтмиш ва келажакка оид хабарларга тўладир. Ва уларнинг ҳаммаси ҳақиқатга уйғун келади.

Тарихда майдонга чиққан, кейинчалик йўқ бўлиб кетган кўплаб маданиятлар бор. Тарих қатл қилинган пайғамбарларга, йўқолган, ўзгартирилган муқаддас китобларга тўла. Оллоҳ таоло фақат Қуръоннинг матнини ҳеч ўзгартирмасдан қўришга ваъда қилган:

“Албатта, бу эслатмани (яъни, Қуръонни) Биз Ўзимиз нозил қилдик ва, шубҳасиз, Ўзимиз уни сақлагувчимиз” (Хижр сураси, 9), дейиш билан Қуръони карим ҳеч бир китобга насиб бўлмаган химоя туфайли абадий тик туришини билдирган.

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўзларига ваҳий келмасидан бурун пайғамбар бўлишларини хаёлларига ҳам келтирмаган эдилар. Бу ҳақиқат Қуръони каримда бундай ифодаланadi:

“Сиз ўзингизга Китоб – Қуръон туширилишидан умидвор ҳам бўлган эмасдингиз. Фақат, Парвардигорингиз томонидан раҳмат-марҳамат бўлиб (сизга Қуръон нозил қилинди)” (Қасос сураси, 84).



Динни кўриш масаласида ягона кафил Оллоҳ таолодир:

“Қасамки, агар хоҳласак, сўзсиз сизга ваҳий қилган нарсани – Қуръонни (сиздан) кетказурмиз, сўнгра ўзингиз учун (яъни, Биздан Қуръонни қайтариб олиш учун) Бизга қарши бирон вакил-ҳомий топа олмассиз. Илло, Парвардигорингизнинг марҳамати билангина (Қуръон неъматини қўлингизда, дилингизда боқийдир). Дарҳақиқат, У Зотнинг сизга бўлган фазлу марҳаматини каттадир” (Ал-исро сураси, 86-87).

Ояти каримада ифодалангани каби Қуръонга ўзгартириш кирита олмасликнинг ягона сабаби “илоҳий иноят берувчининг Ўзи уни кўриши”дир.

* * *

Румлар билан мажусийлар урушиб, мажусийлар ғалаба қилган эдилар. Бундан фойдаланишни истаган мушриклар мусулмонларга:

“Китоб соясида ғалаба қиламиз деб ўйлар эдиларинг. Мажусийлар эса сиз каби китоб аҳли бўлган румларни енгди-ку”, деб мусулмонларнинг имонлари ва ғайратларини синдиришга уринардилар. Бунга жавобан Оллоҳ таоло мушрикларга ҳузун, мусулмонларга сурур берадиган ушбу ояти карималарни нозил қилди:

“Алиф, лом, мим. Жуда яқин жойда Рум мағлуб бўлди. Улар бу мағлубиятларидан сўнг бир неча йил ичида албатта ғалаба қилажаклар. Аввалу охир барча иш Оллоҳнинг (измида)дир. Ўша кунда мўминлар Оллоҳ (румликларни) ғолиб қилгани сабабли шодла-



нурлар. (Оллоҳ) Ўзи хоҳлаган кишини ғолиб қилур. У қудрат ва раҳм-шафқат эгасидир” (Рум сураси, 1-5).

У пайтда Визанс шу қадар заифлашган эдики, ҳеч ким бу мағлубиятдан кейин унинг қайта ғолиб келишини тахмин қила олмасди. Лекин Қуръон кучли бир таъкид ва қатъий бир ишонч билан у ғалабанинг хабарини берди.

Кетидан яна мана бундай марҳамат қилди:

“Бу Оллоҳнинг ваъдасидир. Оллоҳ Ўз ваъдасига хилоф қилмас. Лекин кўп одамлар билмаслар” (Рум сураси, 6).

Ниҳоят, улуғ Оллоҳ таоло ваъдасини юзага чиқазди: тарихчиларнинг якдил фикрларига кўра, тўққиз йилга бориб-бормай румлар форсларни енгди! Румлар ғолиб келган куни мусулмонлар ҳам Бадр жангида мушриклар устидан зафар қозониб севинишган эди (Термизий).

Маккада зулм ортиб кетганидан кейин Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу қавм устига худди Юсуф (алайҳиссалом) замонларидаги қаҳатчилик каби бир бало юборишини сўраб баддуо қилдилар. Шу муносабат ила:

“Бас (эй Муҳаммад), сиз осмон очик (яъни, барчага кўринадиган) **тутунни келтирадиган кунга кўз тикинг. У (тутун) барча одамларни ўраб олур. Бу алам-ли азобдир”** (Духон сураси, 10-11) ояти карималари туширилди.

Имом Бухорий ривоят қилади:

“Бир киши осмонга боқиб очликдан осмонда фақат тутун кўрар эди”.



Сура давомида:

“Албатта, биз бу азобни (сизлардан) бир оз (вақтгача) аритгувчидирмиз, сизлар ҳам, шак-шубҳасиз, (ўз куфру исёнларингизга) қайтгувчидирсизлар. Биз даҳшатли ушлаш билан ушлайдиган кунда (яъни, Бадр жангида ёки қиёмат кунда Биз улардан интиқом олурмиз). Зеро, Биз интиқом олгувчидирмиз” (Духон сураси, 15-16).

Бу ерда учта ғайбий хабар берилмоқда:

1. Қийинчиликларнинг енгиллаштирилиши.

Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) баддуоларидан кейин бир неча йил давом этган курғоқчилик ва қаҳатчилик мушрикларнинг тинкасини курутди. Қўлларига илинган нарсани ея бошлашди. Ердан кўтарилган чанг-тўзон кўзларига тутун бўлиб кўрина бошлади. Чорасизликдан қўлларини очиб ёмғир ёғдиришини истаб Оллоҳга таолога дуо-илтижо қилишга тутинишди:

“Парвардигор, Ўзинг бизлардан бу азобни аритгин. Албатта, бизлар имон келтиргувчидирмиз” (Духон сураси, 12), деб ёлворганларида Оллоҳ таоло уларга бир оз ёмғир берди.

Сўнгра...

2. Мушриклар такрор ўз куфр ва исёнларига қайтиши.

Сўнгра мушриклар имонга келиш ҳақидаги ваъдаларидан воз кечиб, такрор эски ҳолларига қайтиб, мусулмонларни енгил учун Бадр урушини кўзгаган эдилар.

3. Бу воқеалардан кейин мушриклардан ўч олинажаси билдирилди.



Худди мана шунинг учун ҳам Бадр жанги куни бошларига илоҳий азоб келиб, улар қаттиқ жазоларини олишди. Бу урушда мушрикларнинг бошлиқларидан етмиш киши ўлдирилди ва яна етмишга яқин асир олинди.

Олдинроқ Валид ибн Муғийра ҳақида:

“...қачон унга Бизнинг оятларимиз тиловат қилинса: “Булар аввалгиларнинг афсоналарику”, дер. Яқинда Биз унинг тумшуғидан тамғалаб қўямиз” (Қалам сураси, 15-16), ояти каримаси тушган эди.

Бадр жангида Валид бурнидан яраланди ва ҳаёти давомида бу яра унга илоҳий тамға бўлиб қолди.

Ўша куни, шунингдек, Қамар сурасининг 45-оятиси билдирилган ушбу илоҳий ваъда ҳам амалга ошди:

“Яқинда ўша жамоат енгилиб, ортларига қараб қочиб қолурлар”.

Ҳазрати Умар (розияллоҳу анҳу) бу илоҳий ҳақиқат ҳақида:

“Бу оят нозил бўлганида, бу жамоат қандай жамоат экан, деган ҳаёлга бордим. Уларнинг ким бўлиши мумкинлиги ҳеч ақлимга келмас эди. Чунки биз мусулмонлар у кунларда жуда заиф эдик. Кейинчалик Оллоҳ расулининг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Бадр жангида у оятни тақрорлаётганларини эшитдик. У куни Қуръоннинг янги мўъжизаси амалга ошаётган эди”.

* * *

Мусулмонлар илгарилари бирон таҳлика бўлиб қолмасин деб Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва



саллам) ёнларида навбатчилик қилишар эди. Лекин Расулulloх (соллаллоху алайҳи ва саллам):

“Оллох сизни одамлардан (уларнинг зараридан) сақлагай” (Моида сураси, 67) ояти нозил бўлганидан кейин бу навбатчиликни бекор қилдилар. Шавқ ва завқ билан ўзларини кечалари ухламай кўриқлаб чиқадиган саҳобаларига қарата:

“Энди уй-уйларингизга кетаверинглар. Чунки Оллох мени кўришга сўз берди”, дедилар (Термизий).

* * *

Затуриқо ғазвасида Пайғамбар (соллаллоху алайҳи ва саллам) бир дарахт тагига жойлашдилар. Қиличларини дарахт шохига илиб, ўзлари дам ола бошладилар. Бир пайт у ерга бир мушрик келиб қолди. Пайғамбарнинг (соллаллоху алайҳи ва саллам) ёлғиз ухлаб ётганларини кўриб, дарахт шохига илиғлиқ қилични олиб устларига келди.

Бу орада Расулulloх (соллаллоху алайҳи ва саллам) уйғондилар. Аҳволни билдилар. Лекин юзларида заррача кўрқув ё хавотир аломати кўринмади.

Ҳалиги мушрик бу ҳолдан ажабланиб:

“Мендан кўркмаяпсанми?” деди.

Пайғамбар (соллаллоху алайҳи ва саллам):

“Йўқ”, дедилар.

“Энди сени менинг кўлимдан ким ҳам қутқара олади?” деди мушрик.

Пайғамбаримиз (соллаллоху алайҳи ва саллам) хотиржам ўрниларидан туриб:



“Оллоҳ қутқаради. Қилични ерга ташла!” дедилар.

Бу ҳайбат ва бу матонат қаршисида мушрикни титрок босди ва у шоша-пиша қилични ерга ташлади (Муслим).

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай хавотирли ва кўрқинчли онларда ҳам ниҳоятда ўзларига ишонар ва таваккуллари том бўлар эди.

Худди шунга ўхшаш воқеа Ҳунайн жангида ҳам содир бўлган.

У кун бир муддат мусулмонлар тарқалиб Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) душманлар ичида ёлғиз қолдилар. Лекин бу таҳликали онда ҳам у Зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уловларини душман орасига солдилар. Гўё бу иш билан: “Мана, ораларингиздаман, қўлларингдан келганини қилинглар!” демоқчи бўлдилар.

Кейин баланд овоз билан бундай нидо қилдилар:

“Мен ҳақ пайғамбарман, ёлғончи эмасман. Мен Абдулмутталибнинг ўғли Абдуллоҳнинг ўғлиман”

Пайғамбарнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай тенгсиз жасоратлари қаршисида шошиб қолган душманлар у Зотга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳеч бир зарар бера олмади.

Оллоҳ таоло улуғ пайғамбарига кўзга кўринмас кўшинлари билан ҳам ёрдам берган, душманни уларнинг қўли билан йўқ қилган эди.

* * *

Ҳижратдан кейин ансорлар муҳожирларни бағриларига босган, бунга жавобан мушриклар ҳам ўзаро ую-



шиб олиган эди. Саҳобалар кеча-кундуз қўлларида қурол билан ётиб-турар эдилар. Бир-бирларига:

“Оллоҳдан бошқа ҳеч кимсадан қўрқмайдиган кун қачон келар экан?” дер эдилар.

Бунга жавобан ушбу ояти карималар нозил бўлди:

“Оллоҳ сизлардан имон келтирган ва яхши амал қилган зотларга худди илгари ўтган (имон-эътиқодли) зотларни (Ер юзига) халифа – ҳукмрон қилганидек, уларни ҳам ер юзида халифа қилишни ва улар учун Ўзи рози бўлган (Исломи) динини ғолиб-мустаҳкам қилишни ҳамда уларнинг (аҳволини Маккада кўрган) хавфу хатарларидан сўнг (Мадинада) тинчлик-хотир-жамликка айлантириб қўйишни ваъда қилди” (Нур сураси, 55);

“Дарҳақиқат, Биз (Лавҳул Маҳфузда) зикр қилгандан сўнг, Забурда: “Албатта (жаннатнинг) ерига Менинг солих бандаларим ворис бўлурлар”, деб ёзиб қўйгандирмиз” (Анбиё сураси, 106).

Шунинг учун ҳам бир муддат ўтиб Исломи қўшинлари “эълои калиматуллоҳ”ни бутун жаҳонга ёйиш учун ҳаракатга кечди ва ўз даврининг энг кучли давлатларидан бўлган Византни мағлуб қилди, Форс императорлигини тарихга кўмди.

* * *

Қизил денгиз гирдобларида бўғилатуриб мажбур қолганидан имон халқасига ёпишмоқчи бўлган Фиръавнга Оллоҳ таоло:

“Энди-я! Ахир сен илгари (яъни, шу пайтгача) итоатсизлик қилган ва бузғунчи кимсалардан



бўлган эдинг-ку!” (яъни, бир бало келганда тавба қилган, қутилганидан кейин эса яна исёнда давом этган эдинг. Яна шундай ўйин қилиш учун имонга келмоқчи бўляпсан, лекин энди бунинг имкони йўқ) (Юнус сура-си, 91), дейиш билан ночорлик ҳолидаги имонни қабул қилмаган ва Фиръавнга қарата бундай деган эди:

“Мана, бугун ўзингдан кейинги одамларга оят-иб-рат бўлишинг учун сенинг жасадингни қутқарурмиз. Дарҳақиқат, кўп одамлар Бизнинг оятларимиздан ғофилдирлар (яъни, улардан ибрат олмайдилар)” (Юнус сураси, 92).

Замоншарий бу оятни бундай тафсир қилади:

“Сени денгиз қирғоғидаги бир бурчакка отамиз. Жасадингни эса ҳеч бузилмаган, яланғоч ҳолда сендан неча асрлар кейин келадиганларга ибрат бўлиш учун кўриймиз”.

Кейинги йиллардаги ўтказилган тадқиқотларга қараганда Фиръавннинг жасади соҳилда юзтубан ётган шаклда топилган. Бугун бу жасад British Museumда халққа бир ибрат ўлароқ намойиш қилинмоқда.

Бу ҳақиқат Жаноби Ҳақнинг қиёматга қадар давом этадиган бир мўъжизасидир.

IV. Илмий кашфиётларни хабар бериши

Қуръони каримда илмий тараққиёт ва кашфларга чироқ тутган кўплаб оятлар бор. Булар ҳам Қуръоннинг келажакка оид хабарларидандир.

Лекин Қуръони каримнинг асос ғояси тавҳидни аниқ қилиб бериб, инсонларга хидоят раҳбари бўлишдан ибо-



ратдир. Шунинг учун ундаги бутун мавзулар ушбу асосий ғояни изоҳлашга хизмат қилади. Шу билан бирга, табиий илмлар соҳасидаги маълумотлар ҳам тамоман ҳаққонийдир. Бу ҳол Қуръони каримнинг қиёматга қадар давом этадиган бутун замон ва маконларда давом этадиган айри бир мўъжизасидир. Шунинг учун ҳам давомли содир бўлиб турган илмий кашфиётлар Қуръондаги бу маълумотларни тасдиқламоқда.

Бунга баъзи мисоллар келтирамиз.

Биология соҳасида

Инсоннинг туғилиши ва эмбрионнинг ҳосил бўлиши ҳақида Қуръони карим замонавий илмлар энди кашф қила олган бир қанча маълумотлар беради. Бу маълумотлар Ҳаж сураси 5-ояти ва Мўминлар сураси 12 – 14-оятларида кенг-батафсил келган:

“Эй инсонлар, агар сизлар қайта тирилишдан шубҳада бўлсангизлар, у ҳолда (қаранглар) Биз сизларга (Оллоҳнинг қудратини) баён қилиш учун сизларни (яъни, отангиз Одамни) тупроқдан, сўнгра (барча жонзотни олдин) нутфа-манийдан, сўнгра лахта қондан, сўнгра яралиб битган-битмаган (яъни, инсон суратида шаклланиб битган-битмаган) парча гўштдан яратдик. Биз (сизларни) Ўзимиз хоҳлаганимизча – муайян муддатгача (оналари-нгиз) қорнида қолдириб, сўнгра чақалоқ ҳолингизда (ёруғ оламга) чиқарурмиз, сўнгра вояга етгунлари-нгизча (ҳам Ўзимиз тарбия қиламиз). Сизлардан (гўдаклик, ёшлик йилларидаёқ) вафот топадиган кишилар ҳам бўлур, яна сизлардан



(кўп нарса-билимларни) ўрганиб билганидан сўнг ҳеч нарсани билмай қолиши учун энг тубан умрга (яъни, қариб-мункиллаб қолишга) қайтариладиган кишилар ҳам бўлур. (Қайта тирилиш ҳақ эканининг яна бир далили ушбудир) – сизлар бу ерни қуруқ-ўлик ҳолида кўрурсиз. Энди қачонки Биз унинг устидан сув-ёмғир ёғдирсак, у ҳаракатга келиб кўпчир ва турли-туман гўзал (набобат) жуфтларини ундиради” (Ҳаж сураси, 5);

“**Қасамки) Биз инсонни лойнинг мағзидан яратдик. Сўнг уни (яъни, барча инсонларни) олдин мустаҳкам қароргоҳдаги (яъни, бачадондаги) нутфа-маний қилдик. Сўнгра бу нутфадан лахта қонни яратиб, лахта қондан парча гўштни яратиб, парча гўштан суюқларни яратиб, бу суюқларга гўшт қопладик, сўнгра (унга жон киргизиб, бошланғичдаги бир томчи сув-нутфадан бутунлай) бошқа бир жонзот ҳолида пайдо қилдик. Бас, энг гўзал яратгувчи (яъни, йўқдан бор қилгувчи бўлмиш) Оллоҳ баракотли-буюқдир”** (Мўминлар сураси, 12-14).

Инсон руҳий жиҳатдан Жаноби Ҳаққа боғланиш истеъдоди билан яратилган. Бошқа томондан, жисмоний жиҳатдан ҳам Оллоҳ таолонинг муаззам ва мухташам бир санъатидир. Жаноби Ҳақ бу оятларда бу санъатни қандай амалга оширганини таърифламоқда. Оятнинг бир ҳикмати эса, инсон шаклсиз бир ҳолатдан энг гўзал бир шаклга келганидир.

Одам яратилиши ҳақидаги оятлар хусусида Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай деганлар:

“Ҳар инсон яратилишининг бошланиши она бачадонида қирқ кун давомида нутфа сифатида тўпланишдан



бошланади. Шундан кейин яна қирқ кун давомида алақа холига келади. Яна қирқ кунда гўшт холига келади. Шундан кейин бир фаришта юборилиб, у Оллоҳнинг амри билан бу гўштга руҳ пуфлайди ҳамда унинг ризқини, ажалини, амалини, шаккок ёки саид банда бўлишини тайин қилади”.

Чақалоқ она бачадонида ўтказадиган илк қирқ кун ҳадиси шарифда нутфа босқичи деб таърифланмоқда. Бу вақтга қадар вужуд аъзоларидан кўпининг аломатлари пайдо бўла бошлагани учун Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ишлатган “тўпланади” деган таъбирлари илмий ҳақиқатнинг айнан ўзидир

40 билан 80 кун ораси алақ (қон лахтаси) босқичи, 80 билан 120 кун ораси эса ҳомиланинг шаклланиш босқичидир. 120 кундан кейин, яъни, тўртинчи ойнанинг бошида она бачадонидаги ҳомилага бир фаришта востасида руҳ пуфланар экан.

Қуръони карим ва ҳадиси шарифнинг бу ҳақда берган маълумотлари билан замонавий илмларнинг маълумотлари таққосланганида уларнинг айнан бир-бирини тасдиқлаши майдонга чиқади. Ҳолбуки, Қуръон берган бу маълумотлар XIX асргача ер юзининг ҳеч бир ерида маълум эмас эди. Замонавий илм инсоннинг яратилиши ҳақидаги юз йиллар давомида илмий кашфлар билан исботланган ҳақиқатларни Қуръон ўн тўрт аср бурун оддий бир шаклда изоҳлаган эди. Шунинг учун ҳам бу ҳақиқатни ўргангандан кейин Қуръондаги бу маълумотларни тасдиқлаган ғайримуслим ҳомилашунос олимлар кўплаб топилади. Улардан бири канадалик профессор др. Кейс Л. Мур (Keith L. Moore)дир. (Аса-



римиздаги чет эл илм одамларининг Қуръони карим қаршисида ҳайратларини билдирган ифодалар ва улар билан қилинган мулоқотлар Абдулмажид аз-Зиндоний ўтказган илмий конференсалар тўпламларидан олинди.)

Бу олим хомилашунослик (эмбриология) соҳасидаги асаарида инсон ҳаётининг бачадондаги босқичларини таърифлагандан кейин бу маълумотларни ояти қарималардаги маълумотлар билан таққослаб, замонавий илм Қуръони каримдаги маълумотларни тасдиқлашини, ҳатто Қуръон маълумотлари тиббиёт илмидаги маълумотлардан юксакроқ даражада эканини эътироф этди.

Кейс Қуръондаги “нутфа”, “алақ” ва “мудға” таъбирлари, яъни, бу уч босқичдаги хусусиятларнинг барчаси илмий ҳақиқатларга тўла мослиги тиббиёт илмининг бу соҳаси ривожини учун бир бошланғич экани ғоясини илгари сурди.

“Нутфа босқичи” деб таърифланган жараён том маънода илмий ҳақиқатлардан иборатдир. “Алақ босқичи”да ҳомила қон ҳолида бўлади. Ҳомила (эмбрион)нинг бутун хусусиятлари мана шу лахта қонда тўпланган. “Мудға” эса тишланган эт маъносини билдиради. Ҳақиқатда у тишланган гўшт шаклини эслатади. Гўё устида тиш излари борга ўхшайди.

Бу тадқиқотлар натижасида Кейс Қуръон ва Ҳазрати Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) берган маълумотлардан ҳайратга тушади ва Қуръоннинг 1400 йил илгари берган маълумотларини ихлос билан тасдиқлайди.

Шунга ўхшаш илмий ҳақиқатларни Қуръони карим шундай ифодалайди:



(Эй Муҳаммад,) Илм ато этилган зотлар сизга Парвардигорингиз туширган (Қуръоннинг) ҳақ (Китоб) эканини ва у қудратли, ҳамду саного лойиқ Зотнинг йўлига ҳидоят қилишини билурлар” (Сабаъ сураси, 6).

Шунингдек, Кейс бир конференсида Қуръони каримнинг ҳомилашунослик соҳасидаги илмий ҳақиқатларини аңлатар экан:

“Қуръони карим ва суннатдаги мўъжизалар ёрдамида сизга конференса берганим учун жуда бахтлиман. Асримизнинг илм ва техникаси энди кашф қилган ҳақиқатларни бундан ўн тўрт аср бурун саводсиз бир инсон хабар бериб қўйгани мени жуда қаттиқ хайратлантирди. Менинг бутун тадқиқотларимнинг натижаси ҳеч шак-шубҳасиз Қуръони каримда мавжуддир”, деган эди.

Яратилиш масаласига алоқали ояти карималарга илова ўлароқ унинг она қорнида шаклланиш асносида босқичлари уч бошқа-бошқа маконда кечиши Зумар сураси 6-оятида мана бундай таърифланади:

“У сизларни оналарингиз қорнида уч (қават) зулмат ичида аста-секин яратур”.

Биология илми бу уч “зулмат”ни ҳомиланинг тадрижий ўсишини бир босқичдан бошқа бир босқичга ўтиши сифатида таърифлайди.

Америкалик анатомия соҳасидаги машҳур олим профессор Маршалл Жонсон ҳам Қуръонда келтирилган инсоннинг она қорнидаги яратилиш “босқичлари” ва “мудға”да ифодаланган ҳақиқатлардан хайратга тушган эди.



Бир тишлам (чайнам) гўшт... У инсон тишлари тузилишига кўра шаклланган ҳолда. Гўё тишланган гўштда қолган тиш излари манзараси. Тамоми бир сантиметр (бир лукма)дан иборат.

Мудғада инсоннинг бутун хусусиятлари мавжуд. Лекин бу хусусиятлардан бири фаол, бири ҳаракатсиз. Тиббиёт илми бу ҳолни таърифлаш учун таъбир топа олмайди. Органлар ишлайди деса, ишламайдиганлари бор. Ишламайди деса, ишлайдиганлари бор. Лекин Қуръон бу ҳолни “битган-битмаган парча гўшт” дея таърифлаш орқали бу таъбири билан ҳомиланинг бутун сифатларига аниқлик киритган ва 1400 йил олдин бу сирни очган эди

Олдиниға Қуръон маълумотларини ҳеч бир тараддудсиз рад қилиб, кейин уларни эътироф этиш мажбуриятида қолган, бу маълумотлар соясида кўплаб ҳақиқатларни ўрганган профессор Маршалл ўзини тия олмай охириқибат мана бундай деб юборган эди:

“Ҳа, илм аҳлининг кўзини очган бу Қуръонни Оллоҳ туширган. Вақт ўтиши билан унинг ҳақиқатлари мана шу тарзда бир-бир очилиб бораверди. Оллоҳ таолонинг:

“Қавмингиз уни (яъни, Қуръонни) ёлғон деди. Ҳолбуки, у ҳақдир. Уларга айтинг: “Мен устингиздан кўриқчи эмасман. Ҳар бир хабарнинг ўз ўрни бор. Яқинда билажаксиз” (Аъроф сураси, 67) деган ояти каримаси мутлақо тасдиқланиб бораверади”.

* * *

Дунёвий илмлар яқин-яқинларгача – масалан, ҳали заррабин (микроскоп) кашф қилинмаган 17-асрларгача эркак уруғи (сперма) она бачадонига инсон ҳолида



ўтади деб иддао қилар, бола босқичма-босқич яратилишини билмас эди. Бундай нуқтаи назар 18-асрда ҳам давом этди. Ҳатто 19-аср ўрталарига қадар олимлар инсон босқичма-босқич яратилишини билмадилар. Фақат кейинги пайтларда – дунёвий илм-фан тараққий этибгина Қуръони карим 1400 йил бурун ўртага қўйган ҳақиқатларга етиша олдилар.

Бу асосда шунини айта оламиз: агар барча илмий изланишлар тўғри йўлда олиб борилса ва мукамал охирига етказилса, исталсин-исталмасин натижа Қуръони каримда келган маълумотларни тасдиқлашдан иборат бўлади.

Қуръони карим бир пайтлар “қуёш айланади” деганида илм аҳли буни инкор этиб, кейинчалик “ҳақиқатан ҳам қуёш айланар экан” дегани каби, бошқа бутун илмий ҳақиқатлар ҳам сўнгида айни хулосага келиши муқаррар.

Бутун инсоният Қуръони каримга ром бўлишга мажбур қолажакдир.

Хуллас, биологик бир мўъжиза сири ичида одам боласи эндигина ўргана олгани бу илмий ҳақиқатларни ҳали ҳеч бир биологик илм бўлмаган даврда – бундан ўн тўрт аср бурун Қуръони карим хабар берган эди. Бу мисол Қуръоннинг буюклигини кўрсатувчи далиллардан фақат бир донаси, холос.

Дактилоскопия

Бармоқ изларини ўрганувчи илмнинг бу соҳаси одамнинг бармоқ излари умр бўйи ҳеч ўзгармасдан



қолишини, ҳеч бир кимсанинг бармоқ изи бошқа биров-ниқига ўхшамаслигини аниқлади. Шунинг учун ҳам бу усул хавфсизликни таъминлашда, ҳуқуқ соҳасида энг ишониладиган усул сифатида қўлланилади. Бу ҳақиқат 19-аср охириларида кашф қилиниб, ундан фойдаланишга бошланди.

Ҳолбуки, Қуръони карим:

“Инсон Биз унинг (чириб, тупроққа айланиб кетган) суякларини ҳаргиз тўплай олмаймиз деб гумон қиладими? Йўқ, Биз унинг бармоқларини ҳам тиклаб-жойига келтиришга қодир бўлган Зотдирмиз” (Қиёмат сураси, 3-4), дейиш билан бармоқ учларининг бу хусусиятига бундан неча асрлар илгари диққатларни тортган эди.

Ҳеч бир инсоннинг юзи бошқаларниқига том ўхшамагани каби, бармоқ учларидаги излар ҳам ҳар кимнинг ўзига хос тарзда яратилгандир. Бундай кичик ва тор соҳада бундай ҳассос ва нодир нақшларнинг пайдо қилиниши сўнгсиз бир кудрат ва илм эгаси бўлган, мавжудотларни энг кичигидан энг буюгига қадар яратган мукамал интизом ва санъатнинг асосчиси Жаноби Ҳақнинг Ўзидир.

Дерматология

Тайланддаги Чайн Майн университети Тиббиёт факултети декани профессор Тажакат Тажасонга бир конференсада Қуръони каримдаги илмий ҳақиқатлар ҳақида айтилганида олдинига бу маълумотларга парво қилмаган ва: “Бунга ўхшаш маълумотлар бизнинг Будда дини китобларида ҳам бор”, деган эди.



“Қани, ўша китобларингизни кўрсатинг-чи”, деб сўзига исбот талаб этилганида у китобларида иддао қилинган биронта маълумот ҳам топилмади. Шундан кейин бу олим Қуръони каримни ўрганишга киришди ва олдинги фикридан қайтишга мажбур бўлди. Бу масалада ўзи билан баҳслашган мусулмон олимларидан узр тилашга мажбур бўлди.

Илгари Тажасон азоб ҳақида илмий тадқиқотлар юритган ва шундай хулосага келган эди:

“Инсон териси ёнганидан кейин ҳис қилиш туйғуси йўқолади ва оғриқни сезиш учун тери хужралари қайта тикланиши лозим. Яъни, инсон азобни терисидаги хужайралар орқали ҳис этади. Агар тери хужайралари қуйиш натижасида ўлса, инсон азобни ҳис қилмай кўяди. Чунки инсон мияси турли ҳисларни терисидаги хужайралар орқали қабул қилади. Бошқача қилиб айтганда, тери асаб толалари вазифасини бажарувчи бир органдир. Тери қуйиб битганида асаблар ҳам ўз вазифасидан жудо бўлади. Бу ҳолда инсонга янги тери қўйиш лозим бўлади. Фақат янги тери хужайраларигина қайтадан азобни ҳис этишга ёрдамчи бўлади”.

Бундай илмий хулосалар чиқарган Тажасонга қуйидаги оятлар ўқиб берилди:

“Бизнинг оятларимизни инкор қилган кимсаларни албатта дўзахга киритажакмиз. Қачонки терилари қуйиб битиши билан ҳақиқий азобни тоғиб кўришлари учун ўрнига бошқа териларни алмаштирамиз. Албатта, Оллоҳ қудрат ва ҳикмат эгаси бўлган Зотдир” (Нисо сураси, 56).



Бу оятларни эшитган Тажасон тамоман ўзини йўқотди. Охирида Қуръон башарий сўз эмаслигини эътироф қилишга мажбур бўлди. Мамлакатига қайтиб ўтказган биринчи конференсидан сўнг беш талабаси имонга келди. Ниҳоят ўзи ҳам ар-Риёзда ўтказилган саккизинчи тиб конгрессида калимаи шаҳодатни айтиб шодлик ичиди: “Мен ҳам мусулмон бўлдим”, дея хайқирди. Ва бундан кейинги умрини Қуръони карим тарғиботига бағишлади.

Сутнинг пайдо бўлиши

Сут ташкил топишида иштирок этувчи моддаларнинг хайвон вужудидаги ўрни ҳақида Қуръон таълимотлари замонавий илмнинг бу ҳақдаги хулосалари билан айнан бир хилдир.

“Дарвоқе, сизлар учун чорва хайвонларида ҳам ибрат бор. Биз сизларни уларнинг қорниларидаги нажосат ва қон ораларидан ичувчилар учун ўтимли-таъмли бўлиб чиққан нарса – сут билан суғорурмиз”
(Наҳл сураси, 66).

Оятдаги ичак ва қон иборалари берадиган маъно бугунга келиб – кимё ва ҳазм қилиш ҳақидаги илмлар ривож топганидан кейин аниқланди. Бу маълумотлар Пайғамбар (соллаллоху алайҳи ва саллам) яшаган замонда дунёвий илмларнинг ҳеч бирида йўқ эди. Бу хулосаларга дунёвий илм фақат йигирма биринчи асрнинг бўсағасида кела олди. Қон айланиши эса Ҳарвей томонидан кашф қилинган бўлиб, Қуръон нозил бўлганидан кейин ўн аср ўтиб аниқланди.



Бу маълумотлардан Қуръони каримни ҳеч бир жиҳатда башарий ижод маҳсули деб бўлмаслиги яққол билинади.

Она сути

Бу ўринда она сути билан боғлиқ бир ҳақиқатни ҳам айтиб ўтиш лозим деб ҳисоблаймиз.

“Оналар болаларини тўла икки йил эмизидилар”

(Бақара сураси, 233).

“Биз инсонга ота-онасини (яъни, уларга яхшилик қилишни) амр этдик. Онаси унга ожизлик устига ожизлик билан ҳомиладор бўлди, уни (кўкракдан) ажратиш (муддати) икки йилда (келур)” (Луқмон сураси, 14).

Бугунги тиббиёт илми она чақалоғини эмизиши ҳам ўзига, ҳам боласига жуда фойдали эканини аниқлаган. Она сути илоҳий қудрат оқинлари билан тўла бир мукамалликни ташкил қилади. Унда чақалоқ учун зарур бўлган витаминлар, гормонлар, хасталиклардан қўрувчи моддалар, микробларга қарши курашувчи ферментлар, маънавий жиҳатдан онанинг хулқ-атворини чақалоққа узатадиган унсурлар бор.

Шунингдек, она сутида инсонга озиқ бўлувчи протеин, шакар, ёғ, фосфор ва бошқа барча витаминлар чақалоқ организмга мос келадиган нисбатда мавжуддир. Бу нисбатнинг шаклланишида ҳам илоҳий қудратни кўраимиз.

Она сутида чақалоқни илк олти ойда турли микроблардан қўрийдиган иммун моддалар бордир. Шу сабаб-



дан ҳам айниқса илк олти ойда чақалоқ фақат она сути билан боқилиши зарурий бир эҳтиёждир.

Замонавий илм ҳам чақалоқни тўла икки йил эмизишни тавсия қилади. Чунки чақалоқ жигарининг асосий фаолияти қон ишлаб чиқаришга қаратилгани ва бошқа органлар ҳам ривожланиш ҳолида бўлгани учун она сутига эҳтиёж икки йилга қадар давом этади. Шунингдек, ривожланишнинг бу энг муҳим икки йили ҳақиқий биологик моддаларга бўлган эҳтиёж даври ҳамдир. Зеро, тиббиёт чақалоқ ривожланишининг энг муҳим даври дастлабки икки йил эканини қабул қилган.

Шунингдек, тиббиёт чақалоқини бир-икки йил эмиздирган оналарда биологик жихатдан янгилашни бўлишини, бундай оналарда кўкрак саратони кам учрашини, аксинча, болаларини умуман эмизмаган оналарнинг соғликлари таҳлика ичида бўлишини исботлагандир.

Бутун бу фойдалар юзага чиқиши учун чақалоқни тўла икки йил эмизиш лозим бўладики, бу ҳол Қуръоннинг буюк мўъжизаларидандир.

Бошқа тарафдан Нисо сурасининг 23-оятда уйлашни ман қилинган аёллар ичида йигит билан бир онани эмган “сингил”лар ҳам саналади.

Ислом фикҳига кўра чақалоқлик даврининг илк икки йилида бир онани эмган болалар эмишган ака-ука ёки опа-сингил ҳолига келадилар. Икки йилдан кейинги эмизишларда бундай яқинлик ҳосил бўлмайди. Демак, икки йилдан кейин она сути ўзининг асл хусусиятларидан кўпини йўқотар экан.



Она сути чақалоқ она бачадонида пайдо бўлиши билан ҳосил бўла бошлайди. Агар ўз чақалоғидан бошқа бир чақалоқ бу сутдан бир оз бўлса ҳам эмса, эмишган қариндошлик майдонга чиқади. Бу сут чақалоқнинг ўзи билан бирга пайдо бўлгани учун у сутдан ичган чақалоқда ҳам унинг хулқ-атвори акс этади. Шу сабабдан ҳам Ислом фикҳида бир онани эмган, лекин турли оналардан туғилган ўғил ва кизларнинг ўзаро турмуш қуришлари тақиқлангандир.

Астрономия

Коинотнинг илк моддаси нима экани ва унинг яратилиши қандай амалга ошгани ҳақида турли ғоялар ўртага ташланган. Лекин бу масала бугун ҳам тамоман ҳал қилинмаган.

Аммо бугун ўртага ташланаётган назариялар ёрдамида Қуръони каримнинг бу ҳақдаги башоратлари янада аниқроқ тушунилмоқда. Ояти карималарда:

“Қофир бўлган кимсалар осмонлар ҳам, Ер ҳам (аввалда) тўсиқ (яъни, осмонлардан ёғин ёғмас, ердан эса бирон гиёҳ унмас) бўлганини, бас, Биз уларни очиб юборганимизни ва барча мавжудотни сувдан қилганимизни кўрмадиларми? Энди ҳам имон келтирмайдиларми?” (Анбиё сураси, 30);

“Сўнгра тутун ҳолидаги осмонга юзланиб...” (Фуссилат сураси, 11).

Бугунги астро-физика олимларининг бу масалаларга оид қарашлари ҳам ушбу ояти карималарга мосдир.



Токио илмий тадқиқотлар маркази мудирини профессор Юшили Козьянга ернинг пайдо бўлиши ҳақидаги Қуръоний маълумотлар айтилганида:

– Бу китоб қачон инган? – деб сўраган ва:

– Бундан 1400 йил олдин, – деган жавобни эшитиб хайратга тушган.

– Ҳеч шубҳа йўқки, бу Китоб коинотни тепадан кузатишнинг маҳсули! Қаранг, унда нималар бор-йўқлигини бутун тафсилотлари билан кўрган ва бошқалар учун имконсиз даражада тасвирлаган. Шундай тасвирлаганки, биронта сирли қолмабди! – деган.

Профессор Юшили бир конференсида ер ва осмондаги бошқа жисмларнинг пайдо бўлиши ҳақида бугун илм ғоят аниқ исботлаб қўйганини ва улар олдин бир ерда тўпланган газ ҳолида бўлгану кейин портлаш натижасида пайдо бўлганини гапираётган эди. Айни ўша пайтда унга бу ҳақдаги Қуръон билгилари берилди. Қуръони карим бу “тўпланган газ”ни “туман” деб таърифлаган ва бу тариф профессорга идрокини эритиш даражасида таъсир қилган эди. Чунки ўша пайтгача газ ҳолида тўпланган моддаларнинг портлаши натижасида тўплана бошлаган шакли илм “тутун” сўзи билан ифода этиб келарди. Ҳолбуки, “тутун” сўзи ҳосил бўлишида иштирок этадиган совуқлик ва сув каби хусусиятлари билан бу ҳақиқатни тўла изоҳлай олмасди. Қуръон эса у ҳодисани “духон” дейиш билан ҳам асил таърифини берган, ҳам мавжуд реакционга ёруғлик тутиб, портлаш чоғидаги ҳароратга ҳам ишора қилаётган эди. Шу тариқа Қуръони карим илм ҳали етиб бормаган бу ҳақиқатни



1400 йил илгари ҳал этиб бўлган ва инсонларга мукам-
мал бир илмни ўргатган эди.

Ҳақиқатан ҳам қуйидаги ояти карима бу мўъжизани
нақадар очиқ бир шаклда ифодалайди:

**“(Эй Муҳаммад,) илм ато этилган зотлар сиз-
га Парвардигорингиз томонидан нозил қилинган
(Қуръоннинг) ҳақ (Китоб) эканини ва у қудратли,
хамду санога лойиқ Зотнинг йўлига хидоят
қилишини билурлар”** (Сабаъ сураси, 6).

Балки бу ояти карима келажакда инсониятга маълум
бўладиган яна қанча мўъжизаларни ўз ичига олгандир!

Профессор Юшилидан, дунёвий илмлар бир қанча
яширин нарсаларнинг майда-чуйда томонларини энди
кашф этипти, Қуръони карим эса булар ҳақида яна-
да нозик қирраларигача хабар бериб қўйган, деб савол
сўралганида у бундай жавоб берган:

“Бу маълумотлар одам боласининг сўзи бўлиши
мумкин эмас! Чунки биз илм арбоблари фақат бир мав-
зу устида чуқур кета оламиз, Қуръон эса, бутун коинот
соҳасидаги маълумотларни ва ҳатто ундан ташқаридаги
ходисаларни ўз ичига олади ва уларга изоҳ беради. Бу
қадар кенг соҳадаги мукамал илмий истеъдодга одам-
нинг кучи етмайди. Бундан кейин илмий изланишлар
рим марказида Қуръони карим туради! Ўзимнинг тор
қарашларимни фақат Қуръон ёрдамидагина кенгайтира
оламан”.

* * *

Қуръони каримда дунё думалок бўлганига ишора
қилувчи жуда кўп оятлар бор. Бу оятлардан бирида:



“У кечани кундузнинг устига ўрар, кундузни кечанинг устига ўрар” (Зумар сураси, 5), дейилади.

Бу оятдаги “таквир” (“юкавиру”) сўзи айланишни – масалан, салланинг бош атрофида айланиши каби ҳаракатни билдиради.

Бу таъбир ер юзидаги бир ҳақиқатни ифодалайди: ўз ўқи атрофида айланган ер курасининг куёшга боққан қисми ёруғлик, яъни, кундуз бўлади. Лекин ер кураси доимо ҳаракатда бўлгани учун бу ёруғлик давомли бўлмайди. Ҳаракат давомида ёруғлик қисми қорнғуликка, қоронғулик қисми эса ёруғликка бурканади. Яъни, давомли равишда кеча кундузнинг, кундуз эса кечанинг устига ўралади. Бу ҳолат эса ер курасининг доира шаклида эканини кўрсатади.

Ояти каримада келган “таквир” сўзи мана шу маънони англатиш учун қўлланилгандир.

Олимлар: **“Сиз тоғларни кўриб, тек қотиб турибди деб ўйларсиз. Ҳолбуки, улар ҳам худди булутлар юргандек юрарлар”** (Намл сураси, 88) оятини ҳам ер кураси думалоқ шаклидалигига ишора деб талқин қилишади.

Ой ва куёш ҳақида Ёсин сурасининг 38-, 39-, 40-оятларида бундай дейилади:

“Куёш (бирон сония тўхтамай) ўз қароргоҳи сари жорий бўлур. Бу қудратли ва билгувчи Зотнинг тақдири – ўлчовидир”;

“Биз ойни ҳам у токи эски (хурмо) буюғи каби бўлиб (эгилиб ҳилол ҳолига келиб) қолгунича бир неча манзилга белгилаб-тайинлаб қўйгандирмиз”;



“На қуёш учун ойга етиш мумкин бўлур ва на кеча кундуздан ўзгувчидир. (Қуёш, ой ва юлдузларнинг) барчалари фалакда сузиб юрур”.

Милодий еттинчи асрда ой ва қуёшнинг ўз ўқлари атрофида айланишлари хаёлга ҳам келмасди. Уларнинг ҳаракатлари ҳақида ботил фикрлар кўп эди.

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўғиллари Иброҳим (розияллоҳу анҳу) вафот қилганида қуёш тутилди. Халқ бу ҳодисани Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўғиллари вафотига боғлади. Шунда у Зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):

“Ой билан қуёш Оллоҳнинг мавжудлигини кўрсатувчи белгилардандир. Улар ҳеч бир инсоннинг ўлим ёки туғилиши билан тутилмайди. Улар тутилганини кўрганнгизда ой билан қуёш очилгунга қадар намоз ўқинглар”³ (Бухорий. “Қусуф”, I, 15), дедилар.

Шу боисдан Оллоҳнинг азамат ва қудратига далолат бўлган ой ва қуёш сирлари тўла билинмагани учун хижрий 3 – 4 асрнинг машҳур муфассири Табарий Ёсин сурасининг шу оятлари тафсирида:

“Моҳияти бутунлай маълум бўлмаган бундай хусуслар ҳақида гапирмаслигимиз керак”, деб ёнлаб ўтиб кетган эди.

3 Хусуф (ой тутилиши) ва Қусуф (Қуёш тутилиши) чоғи ўқиладиган намозлар суннати санийядирлар. Чунки бу воқеаларда илоҳий азамат ўзлигини намоён қилиб, қуёш ва ой ҳаракатларининг илоҳий қудрат оқинлари эканини кўрсатади. Бу пайтларда ўқиладиган намозлар ҳам Жаноби Ҳаққа шукр маъносини билдиради. Агар қуёш ва ой бўлмаса, биз қоронгуликлар ичида қолишимиз мумкинлигини инсон бир ўйлаб кўриши керак.



Бу ҳукм у замондаги инсонлар ой ва қуёшнинг ўз ўқлари атрофида айланишини билишдан анча узоқда эканларини кўрсатади.

Кун каби ошқордирки, “фалак” у замонларда бугунги маъноси билан астрономия илмида маълум бўлганида эди, бу оятларни тафсир қилиш ҳам унчалик қийин бўлмасди. Шунинг учун ҳам Қуръони каримдаги бу сўзнинг моҳияти юз йиллардан кейин очилган.

Шунингдек, Қуръони карим ой ва қуёшнинг турли жисмлардан ташкил топганини ҳам билдиради:

“Оллоҳ етти осмонни қандай устма-уст қилиб яратганини ва ойни улардаги нур-ёруғлик қилиб, қуёшни эса (нур сочгувчи) чироқ қилиб қўйганини кўрмадиларингми?” (Нух сураси, 16-17);

“Устларингизда етти (қават) пишиқ-мустаҳкам (осмонни) бино қилдик. Ва доимо чарақлаб тургувчи чироқни – (яъни) қуёшни пайдо қилдик” (Набаъ сураси, 11-12).

Ояти каримада ойни “мунир” (ойдинлик таратувчи) дея таърифланади. Қуёш эса бир “лампа”га – ёниб турувчи чироққа ўхшатилади.

Бу ерда ушбу хусусларга эътибор бермоқ лозим:

Асли ўзгартирилган Таврот ой билан қуёшни “нурлар” деб атайди. Бирини катта, иккинчисини кичик нур дейди. Ҳолбуки, Қуръони карим ой ва қуёш бири-биридан фарқли нарсалар эканини билдирмоқда. Шунингдек, улар айни моҳиятдаги “нурлар” ҳам эмаслигини таъкидламоқда.



Бошқа томондан, ой ҳаракатларидаги саҳифалар билан инсонларга вақтни аниқловчи бир унсур сифатида ҳам таърифланади:

“...ойни ёруғлик қилган сизлар йилларнинг саногини ҳамда (вақтларнинг) ҳисобини билишларингиз учун уни (яъни, ойни бир қанча) манзил-буржларга бўлиб қўйган Зотдир. Ҳеч шак-шубҳасиз, Оллоҳ бу (борлиқни) ҳақ (қонун ва мақсад) билан яратди. У Зот биладиган қавм учун ўз оятларини муфассал баён қилур” (Юнус сураси, 5).

Воқеа сурасининг 75- ва 76-оятларида:

“Мен юлдузларнинг мавқеларига қасам ичурманки, билсангизлар, бу (қасам) шубҳасиз улуғ-катта қасамдир...”, дея марҳамат қилинган.

Ояти карима буюк бир қасам билан диққатларни юлдузларнинг мавқеларига қаратмоқда. Кунимиз физик ва астрофизик олимлари “юлдузларнинг мавқелари” иборасидан мақсад улар туғилган оқ тешиқлар ва улар ўлиб-йўқ бўлиб кетадиган қора тешиқлар эканини билдиради.

Самодаги оқ тешиқлар инсоннинг ақлига сиғмайдиган даражада катта энергия манбаларидир. Уларда миллиардларча юлдуз сиғадиган даражада энергия бордир. Бу билан улар гўё галактиканинг тухумларига ўхшайдилар.

Қора тешиқлар эса юлдузларнинг тенги йўқ қабристонидир. Улар ҳам ўз атрофидаги бутун борлиқлар ва замонларни ўз сирлари ичида йўқ қилиб юборадилар.

Ояти карималар улуғ қасам билан баҳс юритган бу масала асримизнинг илми соясида бу даражада ўрганила олинди.



Шубҳасиз, бу ерда ҳали ўз аниқлигини кутаётган яна кўплаб сир ва ҳикматлар бор.

Мулк сурасида бундай дейилади:

“Энди кўзингизни яна (самога) қайтаринг-чи, (унда) бирон футур-ёрикни кўрармикансиз” (Мулк сураси, 3).

Самога ёйиб қўйилган юлдузларнинг бир ҳикмати эса уларнинг инсонларга йўл кўрсатувчи эканлигидир:

“У қуруқлик ва денгиз зулматларида йўл топишингиз учун сизларга юлдузларни яратиб қўйган Зотдир” (Анъом сураси, 97);

“Ва (у йўлларга) белгилар (қилиб қўйди. Кечалари кишилар) юлдузлар билан йўл топурақлар” (Наҳл сураси, 16).

Коинотдаги бутун жисмларда илоҳий бир санъат ва тартиб бўлиб, улар ўзаро тўқнашиб кетишлари асло мумкин эмас. Уларнинг ҳаракатларида бир онлик тезланиш ва секинлашиш сўз мавзуси бўла олмайди. Айни илоҳий мувозанатда ҳаракат қиладилар.

Бундай муаззам ва сўнгсиз тизимни яратиш Жаноби Ҳақ учун асло қийин эмас:

“Аниқки, Биз осмонлар ва ерни ҳамда уларнинг ўртасидаги бор нарсани олти кунда яратдик ва бизни ҳеч қандай чарчоқ ушлагани йўқ” (Қоф сураси, 38).

Баъзи тафсирчилар олти кун дейишдан мақсад олти замон тилимига бўлинган олти босқич дейдилар. Бугунги илм ҳам Қуръони каримдаги бу ифодаларни тасдиқлайди. Таврот эса бу олти кунни бугунги тафаккурдаги нормал йигирма тўрт соатлик кун ўрнида таъ-



рифлайди ва “Еттинчи кун Оллоҳ дам олди”, дейди. Бундай изоҳлаш асли ўзгартирилган бугунги Тавротнинг илмий ҳақиқатлардан нақадар узок, Куръоннинг эса ўз оятлари билан ҳар замон ва маконда нақадар буюк эканини кўрсатади.

Бу ерда кун дейилганда айри бир вақт оралиғи тушунилмоқда. Буни башарий замон ўлчовлар ифодаси ўлароқ тушунмаслик керак. Унинг муддатини фақат Оллоҳ таоло Ўзигина билади. Оллоҳ таоло бу ҳақда Сажда сурасининг 5-оятда бундай марҳамат қилади:

“У осмондан ергача бўлган ишни тадбир қилиб-бошқариб турур, сўнгра (бу ишларнинг барчаси) сизларнинг ҳисобингизга минг йилга тенг бўладиган бир КУНда (яъни, қиёматда) Унинг ўзига кўтарилир”

“Фаришталар ва Рух (яъни, Жаброил) миқдори – узунлиги эллик минг йил бўлган бир КУНда (яъни, қиёмат кунда) У Зотнинг ҳузурига кўтарилирлар”
(Маориж сураси, 4).

Сажда сурасида коинотнинг бошқарилиши билан алоқали вақт ўлчови, Маориж сурасининг тўртинчи оятда эса фаришталар ва Жаброилга (алайҳиссалом) оид масофани билдирадиган замонлар билдирилмоқда. Яъни, бу замонлар турли мавзуларга оид бўлгани учун улар ўртасида маъно жиҳатидан фарқ ҳам йўқ.

Бу асосда айтишимиз мумкинки, илоҳий эътибордаги вақт билан инсоний вақт ўлчови орасида фарқ бор. Баъзи муфассирларга кўра, бу оятлар билвосита ифодалар бўлиб, уларда ифодаланган вақт ўлчовининг узунлигини билдириш учун қўлланилгандир. Оллоҳ таоло учун замоннинг узун ёки қисқалиги аҳамият касб этмайди.



Аксинча, вақт кўйлагини борлиқ устига кийдирган ҳам Оллоҳ таоло Ўзидир. Чунки Оллоҳ таоло миллиардларча йилларга сиғмайдиган Меърож воқеасини Ҳабибига бир сониядан ҳам оз вақт ичида икром қилган ва идроклар камраб ололмайдиган бир қудратдир. Оллоҳ таоло замон ва маконда қайд қилинишдан пок бир субҳондир!

Шу нарса диққатга сазоворки, бир темир элетронинг ҳосил бўлиши учун куёш энергиясидан тўрт марта кўп энергияга эҳтиёж бордир. Шунинг учун ҳам бу соҳа мутахассислари темирни самодан тушган бир мода деган фикрдалар. Бу ҳақда Куръони каримда бундай марҳамат қилинади:

“Қасамки, Биз Ўз пайғамбаримизни аниқ ҳужжат-мўъжизалар билан юбордик ва улар билан бирга Китоб ҳамда одамлар адолатни барпо қилишлари учун мезон-тарози туширдик. Яна Биз темирни туширдик-яратдик. Унда куч-қувват ва одамлар учун манфаатлар бордир. Оллоҳ ғайба (бандалари кўзига кўринмасдан) турган холида Ўзига ва пайғамбарларига (Оллоҳ йўлида жиҳод қилиш билан) ёрдам берадиган кишиларни билиш учун (темирни яратди). Албатта, Оллоҳ кучли, қудратлидир” (Ҳадид сураси, 25).

Бир конференсада бу ояти каримани эшитган “НАСА – Космос Тадқиқотлари Маркази” бошлиғи профессор Армас Тоом ҳайрат ичида қолди. Бу орада унга бир савол берилди:

– Атмосферада бўшлиқ борми?

– Йўқ, атмосферада бўшлиқ бўлиши мумкин эмас. Агар бундай бўлганида эди, мувозанат бузилиб, коинот-



даги бутун тартиб остин-устин бўлиб кетарди. Бунинг натижасида фазода турли тўқнашувлар майдонга келган бўларди, – деб жавоб берди олим.

Шундан кейин унга яна бир ояти карима ўқиб берилди:

“Ахир улар устларидаги осмонни – Биз уни қандай бино қилиб (юлдузлар билан) безаб қўйганимизни ва унинг тешик-ёриқлари ҳам йўқ эканини кўрмадиларми?” (Қоф сураси, 6).

Кўнгил кўзларини очиш ва ибрат бериш учун индирилган бу оятлар профессорни янада кўпроқ ҳайратлантирди. Унга шу тарзда сўнги савол берилди:

– Коинотнинг сўнг нуқтасига етиша олдингизми?

Профессор маънан қаттиқ чарчаган одамдек қиёфада:

– Неча замонлардан бери бунга етишишга ҳаракат қиляпмиз. Қўлимиздаги телескопларимиз бунга қодир эмас. Қаршимизга давомли равишда туман қатламларига ўхшаш пардалар чиқади. Шунда узоқдан бошқариладиган телескоплар ёрдамида мақсадимизга етмоқчи бўлдик, бу ишимиздаан ҳам бир натижа чиқмади. Хуллас, коинотнинг сўнг нуқтасига улаша олишимизга шахсан менинг кўзим етмайди. Шунинг учун ҳам сўнгсиз бўлса керак деган фикрдаман.

Коинотнинг чексизлиги тўғрисида ҳам Қуръони карим хабар бериб қўйгани унга билдирилди:

“Энди кўзингизни яна (самога) қайтарингчи, (унда) бирон футур-ёриқни кўрармикансиз. Сўнгра кўзингизни қайта-қайта (самога) қайтаринг,



кўзингиз сизга чарчаб, ҳолдан тойган ҳолда қайтур”

(Мулк сураси, 3-4).

Бу ояти карималар ўқилгач, ҳар қандай инсофли олим эътирозсиз қабул қиладиган бу ҳақиқатлар қаршисида профессор Тоом ҳам Ҳаққа таслим бўлишдан ўзга чораси қолмади ва бениҳоя туйғуланган ҳолда бундай деди:

– Мен бошдан бери шу фикрдаман: Куръон ҳақида бир нарса дейиш ва хулосага келиш жуда қийин. Ҳақиқатан ҳайратдаман! Бунча йиллар бурун туширилган бу Китоб қандай қилиб астрономияга оид бундай мураккаб маълумотларни инсонни ожиз қолдирадиган шаклда ифодалай олган экан! 1400 йил олдин яшаган инсоннинг қўлидан нима келар эди, бу ҳақда тўлиқ маълумотим йўқ, аммо ҳозир эшитганларим қайд қилишга арзийдиган маълумотлардир.

Бир оз ўйланганидан кейин бутун башарий илмлар тажриба ва ҳаёл билан ёзилганини ва уларда албатта бир нуқсон бўлиши муқаррар эканини билган профессор сўзларини бундай тамомлади:

– Бу маълумотлар асло инсон тажриба йўли билан келадиган хулоса эмас! Шу нарса аниқ бўлмоқдаки, биз илм билан дин қайта ярашадиган бир асрга яқинлашмоқдамиз. Ўзимизни дин ва илм берган маълумотлар бир-бирини тасдиқлайдиган замонда яшаётган-дек ҳис қилмоқдаман...

Табийй, бу илм ҳақиқий илм, дин эса Оллоҳ нозил қилган, илоҳийлигига заррача шак-шубҳа бўлмаган Ислом динидир.



Ботаника

“Ер ундириб-ўстирадиган нарсалардан (одамларнинг) ўзларидан ва яна улар билмайдиган нарсалардан иборат барча жуфтларни яратган (Оллоҳ ҳар қандай айбу нуқсондан) пок Зотдир” (Ёсин сураси, 36) ояти каримаси бутун мавжудотлар жуфт қилиб яратилганини, булардан бир қисми бугунгача маълум бўлмаганини, ҳали билинмаганлари ҳам жуда кўп эканининг хабар бермоқда.

Бугун бир томондан энг буюк (микро), бошқа томондан энг кичик (микро) борлиқлар жуфтлик қонуни асосида шакллангани илм йўли билан топилди. Ва бу замонавий кашфиёт аллақачон Қуръон билдириб қўйган маълумотларни инкор этмайди. Аксинча, тўла тасдиқлайди.

Хулоса қилиб айтганда, Жаноби Ҳақ тоқликни фақат ўзига хос қилгани учун жамодот (жонсизлар), наботот, ҳайвонот, жинлар ва инсонлар — яъни, барча мавжудотни жуфт ўлароқ яратгандир.

Масалан, манфий зарядлар мусбат зарядлар томон интилади. Манфий зарядли булутлар мусбат зарядли булутлар билан қоришиб ёмғирни ҳосил қилади.

Оллоҳнинг бу қонуни бутун мавжудотлар учун хос.

Ояти карима ўсимликлар ҳам жуфт-жуфт қилиб яратилганини билдиради:

“У ердаги ҳар мевани иккитадан – жуфт-жуфт қилиб яратди” (Раъд сураси, 3).

Демак, бутун ўсимликларнинг гулларида эркаклик ва аёллик сифати бўлиб, уларнинг ўзаро қўшилиши



натижасида мевалар пайдо бўлади. Бундай қўшилиш-чангланиш шамол ёрдамида амалга ошади.

Бугунга келибгина маълум бўлган бу ҳақиқатни Қуръони карим бундан ўн тўрт аср бурун хабар берган:

“Биз шамолларни ҳомиладор бўлган ҳолларида юбордик...” (Хижр сураси, 22).

Геология

Замонавий геология илми ер остида ҳам ер устидаги тоғча келадиган “пойдевор”и борлигини исботлаган.

“Биз Ерни (барча жонзотлар маскан тутиб яшашлари учун) бир тўшак, тоғларни эса (ўша ерни тутиб тургувчи) қозиклар қилиб қўймадикми?” (Набаъ сураси, 6-7) ояти карималарда тоғлар қозикларга ўхшатишган. Яъни, тоғларнинг бир қисми ер юзида бўлса, бошқа қисми ер остидадир.

“Ва У (ерга) тоғларни ўрнаштирди” (Ван-Нозиат сураси, 32) ояти ҳам тоғларнинг ерга қозик каби қоқилганига далалот беради.

Замонавий геология илми ҳам тоғларнинг қозиклар каби ерга жойлаштирилганини исботлаган. Ер остида гўё тоғларни ушлаб турувчи асослари бор.

Шунингдек, геология илми тоғлар атмосфера денгизида сузиб юрган ер курасининг мувозанатини сақлашда муҳим унсур эканини бугунга келиб аниқлай олди. Қуръони карим эса бу ҳақиқатни жуда кўп оятларида ўн тўрт аср олдин билдириб қўйган.

Ўшандай оятлардан бирида бундай дейилади:



“У осмонларни сизлар кўрадиган устунларсиз яратиб, сизларни тебратмаслиги учун Ерда тоғларни барпо қилди...” (Луқмон сураси, 10).

Геофизикада “иссиқ нуқталар” деб аталадиган ва дунёда сони 110 тага яқин бўлган буюк тоғлар бордир. Бу тоғлар ер қобиғининг ҳаракатига тўсиқ бўлиб, ернинг жуда чуқурликларидан юксалган ва ер қобиғини тешиб чиққанидан кейин қаттиқ ҳолга келиб ер қобиғини собит тутган ва олий мувозанатни кўрийдиган буюк қувватдирлар.

Бир геологияга тегишли конференсада профессор Кунер Арабистон яримороли илгарилари яшил водий бўлганини, келажакда буюк иқлим ўзгариши билан яна эски ҳолига қайтишини айтганида мажлисда иштирок этаётган профессор Абдулмажид аз-Зиндоний ушбу ҳадиси шарифни ўқиди:

“Арабистон бўлгаси қайтадан яшилликка бурканмасдан қиёмат кўпмайди” (Муслим).

Шошиб қолган профессор Кунер:

– Муҳаммад шундай деган бўлса, демак, унга бунини илоҳий қудрат билдирган! – деб юборди.

Шу тариқа Ҳазрати Пайғамбарнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳақликларини қабул қилди ва бундай баёнот берди:

– Шунини ишонч билан айта оламанки, бутун илмий кашфиётлар йўлини ёритиб турадиган бир қудратни топдим. Мен бу маълумотлар 1400 йил олдин Оллоҳдан келганига ишонаман. Зеро, бу сўзларни илм ва техника



деярли бўлмаган замонда ўқиш ва ёзишни билмаган бир инсон ўзидан сўзлаши мумкин эмас!

* * *

Сўнги қадимшунослик (археологик) тадқиқотлар натижасида денгиз тубларидаги энг чуқур жой ушбу ояти қаримада билдирилган жой экани исботлангандир:

“Алиф. Лом. Мим. Рум (араблар яшайдиган бўлгага) **жуда яқин ва (чуқурлик) даражаси энг паст бир жойда мағлуб бўлди”** (Рум сураси, 1-3).

Бу макон ахлоқсизликлари туфайли Содом ва Гомора қавмини ер ютган жойдир. Бу нукта денгиз сатҳидан тўрт юз метр чуқурликдадир.

Ўн тўрт аср бурун – ҳали дунё жўғрофияси тўлик аниқланмай туриб Қуръони қаримнинг бу маконни “энг чуқур жой” дея кўрсатиши ҳам илоҳий бир мўъжизадир.

Геология олими профессор Балмар тадқиқотчи Абдулмажид аз-Зиндонийдан бу масалага оид ояти қарималарни эшитганида аввалига эътироз қилган, кейинчалик илмий томондан текшириб кчириб, бундай хулосага келган эди:

– Ҳайрат! Ҳайрат! Бу Китоб ҳам мозийни, ҳам бугунни ҳамда келажакни тушунтириб беради. Буни ҳеч бир башарий куч бажара олмайди!

Шундан кейин бу профессор Мисрда “Геология соҳасида Қуръоннинг қароматлари” номли асарини нашр қилдирди.

Ва бундай ёзади:



“Мен Ҳазрати Пайғамбар (соллаллоху алайҳи ва саллам) яшаган асрдаги ҳаёт шартларини билмайман. Лекин у Зотнинг жуда содда ҳаёт кечирганидан ҳабарим бор. Бу ҳолга ва айни пайтда у келтирган улашиб бўлмайдиган маълумотларга қараб Қуръони карим у замон маданияти натижаси деб ўйлаш катта хато эканини англаб етганман. Бу китоб илоҳий бир асардир!”

Мисоллардан кўриляптики, ақли салим илм билан бирлашганида илоҳий ҳақиқатларни қабул қилишдан бошқа чораси қолмайди. Демак, илм ақли бу ҳақиқатларни акс эттирадиган бир кўзгуга эҳтиёжи бор.

Албатта, қиёматга қадар илмий соҳаларда кўплаб кашфиётлар амалга ошади ва Қуръон мўъжизалари олимларни ҳайратга туширишда давом этажак, инша Оллоҳ:

“(Эй Муҳаммад,) илм ато этилган зотлар сизга Парвардигорингиз индирган (Қуръоннинг) ҳақ (Китоб) эканини ва у қудратли, ҳамду саного лойиқ Зотнинг йўлига ҳидоят қилишини билурлар” (Сабаъ сураси, 6).

Физика

Бугунги кашфиётларга кўра, инсон юксакликка чиққан сайин ҳаводаги кислород миқдори камая боради ва ҳар 100 метрда бир даража пасайгани учун нафас йўли тораяди, гаплашиш ва кўриш қобилияти бузилади ва ҳатто ҳушдан кетиш ҳоллари юз беради. Ҳатто 20 километр юксакликда махсус жиҳозлар қўлланмай туриб нафас олиб бўлмайди ва одам ўлади. Шунинг учун



ҳам бундай юксакликда училганида кислород манбаи қўлланилади.

Яқиндагина кашф қилинган бу ҳақиқатни Куръони карим ўн тўрт аср илгари хабар бериб қўйган:

“Оллоҳ кимни ҳидоят қилишни истаса унинг қўнглини Ислом учун кенг қилиб қўяр. Кимни адаштиришни истаса, худди осмонга қўтарилиб кетаётгандек тор ва танг қилиб қўяр. Шунингдек, Оллоҳ имонсиз кимсаларга разолатни (ғолиб) қилур” (Анъом сураси, 125).

* * *

Раҳмон сурасининг 19- ва 20-оятларида:

“У Зот икки денгиз-дарёни бир-бирлари билан учрашадиган ҳолларида (ёнма-ён) оқизиб қўйди. (Аммо) у иккисининг ўрталарида бир тўсиқ бўлиб, улар (ўша тўсиқдан) ошиб ўтмаслар”, дейилган.

Бу оятларда билдирилган ҳақиқат фақат бугунга келиб тушунилган бир мўъжизадир. Сўнги даврларда уммоншунослик илми аниқлаган янгиликка қўра, икки денгиз бирлашган ерларда уларнинг суви аралашиб кетишидан тўсиб турадиган кўринмас бир парда бўлар экан.

Масалан, Оқ денгиз суви билан Атлантик уммони сувлари орасида кўзга кўринарли ҳеч қанақа тўсиқ бўлмаса ҳам бир-бири билан аралашиб кетмайди; улардан ҳар бири ўз хусусиятини сақлаб қолади. Гўё Жабали Торик кўрфазида илоҳий бир парда бордек.

Мисисипи ва Янгча дарёлари ҳам айни хусусиятга эга. Уларнинг чучук суви денгизга қуйилганида шўр сув-



га тез аралашиб кетмайди – анчагача айри-айри бўлиб оқади. Бу ҳол илоҳий бир сирнинг кўриниши бўлиб, бу замонга келиб аниқланган мўъжизалардандир.

Оммавий саводсизлик ҳукм сурган жамиятда яшаган, ўқиш-ёзишни билмайдиган бир инсон ўша замонларда бу ҳақиқатларни ўзидан чиқариб айта олармиди?!

Америкалик денгиз мутахассиси профессор др. Хайй ҳам узоқ йиллик илмий изланишлари натижасида ушбу хулосага келган:

“Очиқ денгиз сувлари орасида илоҳий кудрат ўрнатиб қўйган бир парда бор. Бу парда икки денгиз суви бир-бирига қўшилиб кетишига тўсиқ бўлади. Шу билан бирга, икки денгиз сувини бир-бирига ўтишидан тўсмайди. Тўсмайди-ю, аммо кимёвий томондан бири иккинчисига тўғри келмаганини ўтказмайди. Яъни, бу парда ўтиши мақсадга мувофиқ бўлганини ўтказди, мувофиқ бўлмаганини ўтказмайди бир сузги вазифасини бажаради. Чунки барча денгиз ва уммон сувларининг хусусиятлари бошқа-бошқадир. Шундайки, ҳарорати ва шўрлик даражасига қараб бағрида яшайдиган жонзотлар фарқлигигача ҳар бири бир оламни ташил қилади.

Профессор Хаййга бу хусусдаги Қуръон оятлари кўрсатилганида ҳар бир инсофли олим каби у ҳам ҳайрат билан бундай деди:

– Тўғрисини айтсам, мен бу каби маълумотлар Қуръонда борлигини билиб ҳайратда қолдим. Кейинги замон илми топган бунақа маълумотларни у замоннинг кишиси асло билмас эди. Демак, бу маълумотларни у Зотга мутлақо Оллоҳ билдирган бўлиши керак!



Шундан кейин профессор Ҳайй Қуръони каримни ва ҳадиси шарифларни диққат билан ўрганиб чиқди. Қуръон ваҳий китоби бўлиши билан бирга, кўплаб мўъжизаларни ўз ичига олганига гувоҳ бўлгач, ушбу ҳадиси шариф ҳам мўъжиза эканига иқрор бўлди:

“Барча пайғамбарга одамлар уларга ишониши учун бир қанча мўъжиза берилган. (Лекин у мўъжизалар ўша пайғамбар оламдан ўтиши билан тўхтаган.) Менга эса мўъжиза сифатида Қуръон берилди. (Қуръонки, қиёматга қадар бутун инс ва жин кўзи ўнгида турадиган энг буюк мўъжиза ўлароқ Ҳақ таоло уларни Ўзи қўрийд. Шунини ҳисобга олиб) Оллоҳ энг кўп имон насиб этган пайғамбар бўлишимни умид қиламан”.

Шунингдек, проф. др. Ҳайй:

“Фаҳш ишлар (бошқача айтганда, нафсоний истагини оилага хиёнат этиб бошқаси билан жинсий алоқада қондириш) бир жамятда кўзга кўринадиган даражада ёйилса ва кўпайиб кетса, жамятни тоун-ўлат (хасталиги каби юқумли хасталиклар) ўраб олади. Ва илгарилари ҳеч кўринмаган хасталиклар ҳам пайдо бўлади...” (Байҳақий ривоят қилган) ҳадиси шарифидан жуда каттик таъсирланди.

Ҳадисларни чуқур ўрганиб чиққанидан кейин ушбу фикрларни билдирди:

“Бугунги илмий тадқиқотлар сўнгги нуқтасига келган. Масалан, ОИТС (Орттирилган иммунитет танқислиги синдроми) хасталигини олайлик. Хиёнат ва жинсий бузуқликларнинг натижаси. Ҳақиқатан ҳам Оврупа “жинсий инқилоб” қилиб зинони эркин қўйиб юборганидан кейин кўплаб юқумли хасталиклар ўртага



чиқди ва исмини ҳам билмаганимиз микроблар одамларга ўлим келтира бошлади. Одам боласи бу янгича хасталиклар қаршисида ожиз қолди. Албатта, бу ҳол фахш (жинсий бузуклик) билан хасталик орасида ҳадиси шарифда билдирилганидек тўғридан-тўғри боғлиқлик борлигини кўрсатди...

Мен бундан кейин Муҳаммад пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўзидан асрларча кейин содир бўладиган воқеалар ҳақида бунчалик аниқлик билан хабар беришини асло тасодиф деб билмайман. Агар унинг уммий бир киши бўлганини ҳам ҳисобга олсак, бу маълумотларни ўзича тўқиб чиқариши ҳеч ҳам мумкин эмас! Мен ҳам, устозим Кейс каби, бу маълумотлар илоҳий манбадан эканини қабул қиламан. Бундай чуқур ҳақиқатлар ёлғиз инсон ақли билан қўлга киритилмайди, асло! Мана, ўзимдан қиёс: қанчадан-қанча йил заҳмат чекиб келган хулосам нима бўлди? Бу буюк ҳақиқатлар қаршисида менинг билганларим ҳеч экан, ҳеч...”

Ирсият (Генетика)

Ояти каримада:

“Парвардигорингиз Одам болаларининг белларидан (яъни, пушти камарларидан то қиёмат кунигача келадиган барча) зурриётларини олиб: “Мен Парвардигорингиз эмасманми?” деб ўзларига қарши гувоҳ қилганида, улар: “Ҳақиқатан сен Парвардигоримизсан, бизлар бунга шохидмиз”, деганларини эсланг! (Сизлардан бундай гувоҳлик-шартномани олишимиз) Қиёмат кунда: “Бизлар бундан хабарсиз эдик”, демасликларингиз учундир” (Аъроф сураси, 172), дейилади.



Бу оят инсон ирс (ген)ларининг ўзига хос хусусиятига эътибор қаратган. Бугунги илмга кўра, ирслар, яъни, инсоннинг бутун ҳаётини жамлаган каталог каби ирсиятни ташийдиган хужайралар ўзига хос бир дастурнома бўлиб, инсон ҳали пушти камардалиқ пайтида бўлғуси барча хусусияти ўша ирс (ген)да жамлангандир (ДНА). Дунёдаги жами инсоннинг қайдини ўзида сақлаган ва уларнинг барча хусусиятини ташиган ирслар ҳажм эътибори билан бир сантиметр кубдан ортиқ эмас. Яъни, бир ангишвонага сиғиб кетади.

Бундай бир илмий ҳақиқатни, яъни, илоҳий бир кампутер бўлган ДНАни бундан ўн тўрт аср бурун саводсиз бир киши ўзидан чиқариб сўйлашини ҳеч қандай ақл қабул қилмайди!

Ҳифзи сихҳа (Соғлиқни асраш)

Қуръони карим кўп фойдали томонлари қатори соғлиқни асраш масаласида ҳам муҳим бўлган ўраниб юриш, кийим тозалиги, етарли даражада дам олиш, тоза ва меъёрида овқатланиш, ёмон ва айниган нарса емаслик каби мавзуларга ҳам алоҳида диққат қаратган.

Хоссатан, деҳқончилик маҳсулотлари ва уларнинг фойдасидан баҳс юритилади, яхши ва ёмон ичимликлар ҳақида хабар берилади, маст килувчи ичимликлар тақиқланади. Емак-ичмакни тартибга солиш билан даволаниш, саломатликни асрашнинг бош сабабларидан ўликларни кўмиш ҳам Қуръон зикр этган мавзулардандир.

Ейиш-ичишда чегарада туриш – ошириб ҳам, камай-тириб ҳам юбормасликка – мўътадил бўлишга буюриш



билан (Аъроф сураси, 31) Қуръони карим тиб илмининг ярмини хулосалаб қўйган; зинони тақиқлаш билан таносил хасталикларининг олдини олиб, наслларни моддий ва маънавий гўзал бир тарзда асраш йўлини кўрсатган. Ўлимтик, қон, чўчка гўшти каби нарсаларни ейишни ҳам тақиқлаганки, тиббий жиҳатдан уларнинг зарарларини исботлаб ўтириш ортиқча. Бадан ва оғиз тозалиги, таҳорат, намоз ва рўза каби амалларнинг руҳоний фойдаларичалик дунёвий фойдалари ҳам борлигини ҳеч кимса инкор эта олмайди.

Булар биз мисол тариқасида эслаган хусусиятлардир. Чунки Қуръони каримда жуда кўп сирли мавзуларга ишорат қилувчи ва ёритувчи юзларча оят бор, замон қаригани сайин ҳикматлари очилаверади. “Қуръони каримнинг энг буюк муфассири – вақт” деган ҳикматли сўзнинг маъноси шу.

Хулоса шуки, мукаммал балоғатли ва фасоҳатли, ичида ҳеч бир зиддият ва шубҳа бўлмаган, қиёматгача юз беражак кўп ҳақиқатлардан хабар берган, бутун инс ва жин оламини мусобақага чорлаганига қарамай ҳеч бир шаклда ўхшаши, ҳатто энг кичик бир сурасининг ҳам ўхшаши келтира олинмаган ва келтирила олинмайдиган бир Китоб жоҳил бир жамият ичида етишган хат-саводи йўқ бир кишининг сўзи бўлиши ақл ва идрок қабул қиладиган иш эмас.

* * *

Қуръон ва суннат ҳар даврда илм ва фанга йўл кўрсатувчи бўлиб келган. Қуръон ва суннат қатъий тарзда қарор қилган хусусларга етиша олмаган илм буни “эхтимол” деб таърифлайди. Вақт ўтиши би-



лан бу эҳтимоллар амалга ошиб, Қуръон ўз азаматини кўрсатяпти.

Шу ўринда бир ҳадиси шарифни мисол сифатида келтирамиз:

“Бирингизнинг сув идишингизга пашша тушса, олдин уни сувга ботириб, кейин чиқариб ташласин. Чунки унинг бир қанотида хасталик, иккинчи қанотида шифоси бўлади” (Бухорий, Аҳмад ибн Ҳанбал).

Пашшалар вужудида микроб ташиши фанга маълум. Аини пайтда уларнинг вужуди бу микробларга қарши бўлган антимикробиал моддалар ҳам ишлаб чиқаради. Бу моддалар пашшаларнинг озик-овқатларга ташиб борадиган микробларни зарарсизлантириш вазифасини бажаради. Бундан чиқди, пашша кўнган жойдаги микробларни зарарсизлантириш учун энг биринчи галда қиладиган ишимиз у ерга пашшани яна бир марта ботириб олиш бўлиши керак.

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳадисларида сув, чой ва бошқа озик-овқат исроф бўлмасин деб шундай тавсиялар бор. Яқин замонларгача пашшани фақат микроб ташувчи жонивор деб билинар, аммо уларда микробга қарши моддалар ҳам борлигини биров билмас эди. Бугун бу ҳақиқат бир набавий мўъжиза сифатида ҳаммамизнинг кўз ўнгимиздадир.

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бошқа бир ҳадисларида бундай деганлар:

“Агар бир ит тумшуғини сув солинган идишга теккизадиган бўлса, бу идиш бир марта тупроқ ва яна олти марта сув билан чайқаб ташланиши лозим”.



Бу ҳадисда ит тумшуғи ифлослиги, тупроқда эса то- залаш хусусияти борлиги ифодаланган. Илм энди-энди кашф қилган ҳақиқатларни суннат бундан минг тўрт юз йил олдин хабар берган эди. Фан ва илмлар тўплами бўлган қомуслар ҳар йили янги-янги қўшимчалар билан қайта нашр қилинади ва ўзгариб бораётган илмий ҳақиқатларни қайд қилиб боради. Қуръони карим эса, бир минг тўрт юз йилдан бери бир ҳарфи ҳам ўзгаришига эҳтиёж йўқ. Унинг бу тарзи то қиёматгача давом этажак. Чунки Аллоҳ таоло:

“Шак-шубҳасиз, у азиз – қудратли Китобдир. Унга олдидан ҳам, ортидан ҳам ботил – ноҳақлик келмас (яъни, Қуръони каримнинг ҳеч қайси томонидан бирон китоб ё ҳужжат келиб, уни ботил қила олмас, чунки у) ҳикмат ва ҳамду сано эгаси томонидан нозил қилингандир” (Фуссилат сураси, 41-42).

Америкалик профессор Жолу Сентоннинг эътирофи диққатга сазовордир. Сентон насроний динининг ақлга зид қоидаларини ўқиб, умуман динларга бепарво бўлиб қолган эди. У фақат ғарбдаги диний тасаввурларнигина билгани учун Қуръонни ҳам худди шунақа тасаввур билан ўргана бошлади. Ундан ҳайратланарли ҳақиқатларни ўргангач, бундай дейди:

“Бу дин (Ислому) илмда йўлбошчилик қилиб, буюк муваффақиятларни қўлга киритиши мумкин. У илмда бир инкилоб амалга ошириши мумкин”.

Чунки Қуръон битмас-туганмас мўъжизаларга манба экани унда бундай таъкидланади:

“Айтинг: “Агар барча денгиз Парвардигоримнинг сўзлари (яъни, илму ҳикматларини битиш) учун сиёҳ



бўлса ва яна шунча сиёҳ келтирсак ҳам, Парвардигоримнинг сўзлари битишидан илгари у денгизлар тугаб битар” (Каҳф сураси, 109).

Қуръоннинг энг буюк мўъжизаларидан бири бугун – илм ва техника асрида маълум бўлган бир ҳақиқатдир: у ҳам бўлса, Қуръоннинг нозил қилиниш замонининг мукаммал бир шаклда ҳозирланишидир. Чунки агар Қуръони карим илгарироқ туширилганида эди, ҳеч қачон инсон ақли уни қамраб олишга етмасди. Бир оз кейин индирилганида эди, уни илм ёки олимнинг тафаккур маҳсули деб ўйлаш мумкин бўларди. Қуръони карим ўтмишдан боқилса ҳам, ўз замонидан боқилса ҳам, келажак замонлардан туриб боқилса ҳам, мукаммал бир замонда туширилганига иқрор бўлмасдан иложингиз йўқ. Чунки уни туширган Зот Жаноби Ҳақ таолодир.

Шу боисдан ҳам Қуръони карим қиёматгача мўъжиза бўлиб қолажак.

У бир минг тўрт юз йил бурун бир саҳройининг ҳаётини тартибга солиб, истаган нарчасини истаги даражасида унга берганидек, бугун қилни қирқ ёрадиган олимларни ҳам илмий мўъжизалар билан ўзига ром қилиб келмоқда. Чунки Қуръони карим қиёматга қадар кашф қилинадиган бутун илмий кашфиётлар йўлини ёритиб турувчи мўъжизалар билан тўлиб тошгандир.

Ҳатто илмий кашфиётлар вақти келиб содир бўлишига Қуръони каримда ишорат қилувчи оятлар бор:

“Токи уларга (Ушбу Қуръон ростдан ҳам Оллоҳ туширган) Ҳақ (Китоб) эканлиги аниқ маълум бўлгунича, албатта Биз уларга атроф-офоқдаги ва ўз вужудларидаги (Бизнинг борлигимизга ва



кудратимизга далолат қиладиган) **оят-аломатларимизни кўрсатажакмиз. Ахир, Парвардигорингизнинг барча нарсага гувоҳ экани етарли эмасми?**” (Фуссилат сураси, 53).

Оятдаги “атроф-офок” калимасидан инсонни ўраб олган ташқи оламни, “вужудларидаги” калимасидан эса инсоннинг биологик ва руҳий фитратини тушуниш мумкин. Демак, оятнинг маъноси бундай:

“Биз инсонга уни ташқаридан ўраб олган ташқи оламда ва ўзининг моддий ва руҳий борлигида мавжуд бўлган ва Бизнинг мавжудлигимизни ва куч-қувватимизни билдирадиган далилларни вақти келиши билан ошкор қилиб борамиз”.

Илоҳий исмларнинг феълдаги тажаллиси бўлган коинот “буюк олам” (олами қубро), исмлар тажаллилари жам бўлган бир ижод бадиъаси инсон эса “кичик олам” (олами суғро) дейилади. Бу икки оламга алоқадар бўлган илмий кашфиётлар инсонга унинг ожизлигини уқтириб: “Ман арофа нафсаҳу, факод арофа Роббаҳу” – “Нафсини таниган Парвардигорини танийди” ҳадиси шарифининг мазмунини билдирмоқда.

Бу ҳақда Юнус Эмронинг мана бу сўзларини ҳам эслаб ўтиш жоиз:

“Илмнинг бошланиши ҳам, охири ҳам инсон ўзини билишидир”.

Илоҳий азамат ва салтанат қаршисида инсон ўзини ожиз, ҳеч ва нотавон ҳис эта олиши, албатта, унга маърифатуллоҳдан бир уфқ очади, уни восили илаллоҳ (Оллоҳга элтувчи сабабчи) бўлишга йўналтиради.



Шу нарсани унутмаслигимиз керак: Қуръон билдирган дунёга тегишли ҳақиқатлар вақт ўтиши билан бутун башарият кўзи ўнгида бир-бир кашф қилиниб борилаётгани каби, ўлимдан кейинги ҳаётга оид маълумотлари ҳам мутлақо зоҳир бўлажакдир. Албатта, ҳашр, маҳшар, сирот, ҳисоб-китоб, жаннат, жаҳаннам ва шунга ўхшаш қуръоний маълумотлар мутлақо ҳақиқатлардан иборат.

Бу фоний оламдан зарур бўлган шаклда ибрат олиб, руҳий ҳаётини бойитган ва бу орқали абадий ҳаётга башарий истеъдод билан ҳозирланиб, Жаноби Ҳаққа салим қалблар билан етишганлар қандай бахтиёрдирлар!



МУНДАРИЖА

**ФАХРИ КОИНОТ (соллаллоху алайхи ва саллам)
ДУНЁГА ШАРАФ КЕЛТИРДИЛАР 5**

**ЎРНАК СИЙРАТЛАРИ ВА БОШҚА
ПАЙҒАМБАРЛАР ОРАСИДАГИ ЎРИНЛАРИ..... 36**

Раҳмат Пайғамбари сийратларини
мушриклар ҳам тасдиқлайди 49

**РАҲМАТ ПАЙҒАМБАРИ
ХУСУСИЯТЛАРИДАН ЎРНАКЛАР..... 60**

Раҳмат пайғамбарида тақво ва нафси поклаш 61

Раҳмат пайғамбарида тавозеъ 75

Раҳмат пайғамбари ҳаётларида назокат,
шафқат ва ғамхўрлик 80

Раҳмат пайғамбарининг фақирларга нисбатан
назокатлари 85

Раҳмат пайғамбарининг аёлларга муносабатлари .. 96

Раҳмат пайғамбарининг ҳайвонларга
муносабатлари 98

Раҳмат пайғамбарининг етимларга
муносабатлари 102

Раҳмат пайғамбарининг қўшни ҳаққи
хусусидаги тавсиялари 103

Раҳмат пайғамбарининг душман ва
кофирларга муносабатлари 105

Раҳмат пайғамбарининг кечирувчанликлари 106

Раҳмат пайғамбарининг жўмардликлари 109



Раҳмат пайғамбаридан самимият, тўғрилиқ ва дурустлик.....	112
Раҳмат пайғамбаридан ҳаё	114
Раҳмат пайғамбарининг одамларнинг яхшилигини исташдаги ҳассосиятлари	115
ҲИЛЯИ ШАРИФА.....	122
Муборак шамоили шарифалари	124
Олий ахлоқ ва муносабатларидан баъзилари.....	126
Тенгсиз жасорат ва шижоатлари.....	130
ДОСТОНЛАРДА БИТГУЛИК МУҲАББАТЛАРИНИНГ НУРЛИ ТАРАННУМЛАРИ	132
ХУЛОСА.....	144
РАҲМАТ ПАЙҒАМБАРИНИНГ ҚУРЪОНИЙ МЎЪЖИЗАЛАРИ	146
I. Балоғат ва услуб.....	153
Услуб хусусиятлари	156
II. Қуръони каримнинг башарий аралашувлардан поклиги	162
Ваҳийнинг кечикиши.....	162
Ваҳийнинг ҳазрати пайғамбарни огоҳлантириши....	166
Ваҳийнинг мужмал келиши	173
III. Ғойибдан хабарлар бериши.....	178
IV. Илмий кашфиётларни хабар бериши	189



Биология соҳасида	190
Дактилоскопия	196
Дерматология	197
Сутнинг пайдо бўлиши.....	199
Она сути.....	200
Астрономия	202
Ботаника.....	214
Геология	215
Физика.....	218
Ирсият (Генетика)	222
Ҳифзи сихха (Соғликни асраш).....	223

Отпечатано в ООО “Принт Экспресс”
105066, г.Москва, Денисовский переулок, 30
Тираж: 2.000 экземпляров

ISBN 978-5-91811-009-6

www.sadpress.com - izdatelstvo-sad@yandex.ru

